ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Муҳаммад ҲАКИМОВ

ЎЗБЕК ПРАГМАЛИНГВИСТИКАСИ АСОСЛАРИ

Тошкент
«Akademnashr»
2013

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЎК: 811.512.133
КБК: 81.2Ўзб
Ҳ20

Ҳ20 **Ҳакимов, Муҳаммад**
Ўзбек прагмалингвистикаси асослари / М.Ҳакимов; масъул муҳаррир А.Нурмонов. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 176 б.

ISBN 978-9943-4254-1-5

УЎК: 811.512.133
КБК: 81.2Ўзб

Мазкур монография тилшуносликда етарлича тадқиқ этилмаган прагмалингвистика муаммоларига бағишланган. Ишда лингвосемиотиканинг таркибий қисмлари ҳисобланган семантика, сигматика, синтактика ҳамда прагматиканинг умумназарий масалалари ёритилган. Белгининг мантиқий, фалсафий, ижтимоий, психологик ва прагмалингвистик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Монография тилшунослик назарияси билан қизиқувчи докторант, магистрант ва тилшунос мутахассисларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Нурмонов А., филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Искандарова Ш., филология фанлари доктори, профессор,
Набиева Д., филология фанлари доктори, профессор

Мазкур монография Фарғона давлат университети Илмий кенгашининг 2013 йил 31 майдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-4254-1-5

© Муҳаммад Ҳакимов
«Ўзбек прагмалингвистикаси асослари»
© «Akademnashr», 2013

www.ziyouz.com kutubxonasi

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида ривожлана бошлаганлиги, фан ва маданиятнинг миллат манфаати учун хизмат қилмайдиган мафкура гирдобидан қутулганлиги, миллатга бўлган ҳурматнинг асл намунаси сифатида тилимизга давлат тили мақоминиг берилганлиги ўзбек тилшунослиги ҳамда тилшунос олимлари олдига ғоят муҳим ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда «... фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакл-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат... Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу бир табиий қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим».[1] Шу нуқтаи назардан бугунги ўзбек тилшунослиги фани ҳал қилиши лозим бўлган масалалар фақат халқ манфаати ва мустақил давлатнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши учун хизмат қилишга қаратилмоғи зарур.

Инсоннинг сўзи унинг мафкурасини белгилайди. Инсон ўз нутқи орқали объектив оламга бўлган муносабатини ифодалайди, шу билан бирга, миллий ўзлигини ҳам намойиш этади. Инсоннинг дунёқараши, онги, шуури, ҳиссиёти, идроки, билими, ҳаётий тажрибаси, имон-эътиқоди, умуман, инсон ижтимоий фаолиятида намоён бўлувчи сиёсий-мафкуравий, фалсафий, ахлоқий, диний ва эстетик қарашлари мужассамланган нутқининг таҳлили ва прагматик талқини кишиларнинг бугунги миллий мустақиллик даврида қайноқ ҳаёт жабҳаларидаги ўрнини белгилашда муҳимдир. Шу маънода инсон ижтимоий фаолиятини ўзида тўла акс эттирган «ҳаракат»даги, «жонли» нутқнинг инсон мафкураси билан боғлиқ сиёсий ва лисоний ҳамоҳанглиги танланган мавзунинг ўта долзарблигини билдиради.

Ҳозирги кунда «тилни мазмуний аспектда текшириш лингвистиканинг асосий масалаларидан бирига айланган».[2] Лингвистик

---

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.25.

[2] Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. – М., 1974. – С.70.

www.ziyouz.com kutubxonasi

прагматика Европа тилшунослигида кенг қамровли назария сифатида анча чуқур ўрганилган, бироқ бу йўналишдаги жуда кўп тадқиқотларда лингвистик прагматикани оддий тушунишдан тортиб унинг назарий аспекти муҳим координатларигача кўрсатилган асарлар ҳам учрайди. Ўзбек тилшунослигида эса лингвистик прагматика назариясига оид тушунчалар мавҳумий даражада эканлиги тадқиқотчи зиммасига кўп илмий-амалий масалалар юклайди. Айниқса, бу масалага оид муаммоларни системалаштириш, унинг лингвистик асоси – нуқталарини кўрсатиш ҳамда лингвистик материални семиологик аспектда таҳлил қилиш муҳимдир.

Гап ва матн каби синтактик бирликларнинг семантик жиҳати турли томондан чуқур ва атрофлича тадқиқ этилмоқда, матннинг семантик тузилишини мураккаблаштирувчи яширин мазмуннинг хилма-хил кўринишлари ўрганилмоқда. Синтактик бирликларнинг семантик ва прагматик тадқиқи билан алоқадор баъзи масалалар ўзбек тилшунослигида ҳам у ёки бу даражада ҳал қилинмоқда.[3] Синтактик бирликлар (гап, матн)нинг шаклий тузилишида бевосита ифодаланмайдиган, аммо унинг семантик табиатида доимо у ёки бу тарзда иштирок этадиган прагматик мазмун элементлари тилшунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу масалалар ўзбек тилшунослигида ҳанузгача монографик асосда тадқиқ этилгани йўқ.

---

[3] Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.42 – 45; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.28 – 31; Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992; Сайфуллаева Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг шакл-вазифавий талқини: Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1993; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – Б.23; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б.26; Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – Б.25; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б.26; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Фил. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – Б.27.

www.ziyouz.com kutubxonasi

I БЎЛИМ. ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ УМУМСЕМИОЛОГИК ТАБИАТИ

Лингвистик прагматиканинг амалий шаклланиши

Тилшунослик тарихида инсон нутқий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамият касб этиб келмоқда. Ҳар қандай фан тараққиёти муайян босқичлардан иборат. Улар ўз даври учун янгилик сифатида намоён бўлса, кейинги даврлар учун фан асосларининг шаклланишида назарий манба вазифасини ўтайди. Шу боис ҳар бир даврга хос қарашлар фан тараққиётига хизмат қилувчи омил сифатида баҳоланади. Инсон нутқий фаолияти билан боғлиқ масалалар лисоний таълимот асоси саналади. Замонавий тилшунослик экстралингвистика, интралингвистика ва компаративистика тармоқларидан иборат бўлиб, уларнинг барчасида инсон нутқий фаолияти ўрганилади. Маълумки, нутқда инсоннинг фикри билан бирга унинг руҳий олами ҳам ўз ифодасини топади. Нутқдаги ошкора ва яширин маъноларни тадқиқ таҳлил қилиш, инсоннинг ўзлигини нутқи орқали намоён этиши каби масалаларни ўрганиш бугунги ўзбекона тафаккур тарзи, миллий мафкура ва миллий ғоя тушунчаларининг моҳиятини очишда муҳим ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан инсоннинг объектив оламдаги ижтимоий фаолияти инъикоси бўлган унинг «ҳаракат»даги, «жонли» нутқини тадқиқ этиш фақат назарий тилшунослик учунгина эмас, балки унинг психолингвистика, социолингвистика, лингвистик география, коммуникатив тилшунослик, нейролингвистика каби умумтармоқлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Инсоннинг объектив оламдаги барча ижтимоий хатти-ҳаракатлари унинг нутқий фаолиятида ўз ифодасини топади. Шунинг учун инсон нутқини ўрганиш унинг маънавий олами билан танишиш имконини беради. Прагматика тилшунослик фанининг янги бир назарий ва амалий тармоғидир. У инсоннинг ижтимоий фаолиятини ўзида акс эттирувчи нутқий жараён, нутқ иштирокчиларига хос коммуникатив ният, нутқий вазиятнинг таъсири билан алоқадор масалаларни ўрганади. «Прагматиканинг манбаси Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби таниқли файласуф олимлар номи билан боғлиқдир. Чунки уларнинг ишларида (XIX

www.ziyouz.com kutubxonasi

асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида) белгилар системаси ва лингвистик белги функционаллиги хусусидаги ғоялар ўртага ташланиб, семиотика ҳақидаги асосий тушунчалар аниқланади, синтактика, семантика ва прагматика ўртасидаги ўзаро фарқлар кўрсатилади».[4] Прагматика грекча pragmos сўзидан олинган бўлиб, «иш», «ҳаракат» маъноларини беради. Прагматика лингвистик белгиларнинг нутқдаги функционал қўлланишини ўрганади. Шунинг учун тилшуносликнинг бу йўналиши семиотика тармоқларидан бири саналади. Прагматика термини XX асрнинг 30-йилларида Ч.И.Моррис томонидан илмий муомалага олиб кирилган. У семиотикани семантика, синтактика, прагматика каби таркибий қисмларга ажратади. Тилшуносликда прагматиканинг янги тадқиқот объекти сифатида юзага келиши ва ажратилиши, юқорида таъкидланганидек, Ч.С.Пирс ғоялари, шунингдек, Ж.Р.Остин, Ж.Р.Серл ва З.Вендлерларнинг 60 – 70-йиллардаги мантиқий-фалсафий қарашлари асосида юзага келган нутқий акт, Пола Грайснинг маънонинг прагматик таҳлили ва Л.Линский, Ж.Р.Серл, П.Ф.Стросонларнинг референция назариялари таъсири билан узвий боғлиқдир. Ж.Р.Остин, Ж.Р.Серл ва З.Вендлерларнинг нутқий акт назарияси таълимоти таъсирида лингвистик прагматиканинг шаклланиши учун маълум асослар яратилди. Чунки нутқий акт тушунчаси моҳиятига кўра сўзловчи нутқида коммуникатив ният акс этади. Коммуникатив ният эса нутқий актларнинг кўринишлари сифатида нутқда намоён бўлади. Нутқий актлар йиғиндиси нутқнинг мазмунини ташкил қилади. Сўзловчининг муносабати эса нутқий актлар воситасида шаклланади. Бунда инсон тилининг ибтидоий шаклланишидан тортиб то унинг мураккаб мазмуний тузилишига қадар бўлган лингвистик хусусиятлари нутқий акт муаммолари сифатида талқин этилади. Нутқий акт назариясига хос ҳар бир тадқиқий талқинда нутқ субъектининг оламни билиш ва ҳис қилишдаги тасаввур кўрсаткичларининг нутқдаги даражалари ҳисобга олинади. Нутқий акт назариясига хос мана шундай ўзак тадқиқий талқин лингвистик прагматика тармоғининг шаклланиши учун асосий мезон вазифасини бажаради.

---

[4] Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С.471.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лингвистик прагматика назарияси хусусидаги илк маълумотлар тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида ўтган асрнинг 60 – 70-йилларида бошланган эса-да, бу йўналишнинг пайдо бўлишига туртки берган ғоялар тарихи XIX аср охири – XX аср бошларига бориб тақалади. Бу даврда таниқли ғарб файласуфларининг назарий қарашларида семантиканинг моҳияти аниқланади, семиотиканинг таркибий қисмларига хос дифференциал белгилари кўрсатиб ўтилади.

60 – 70-йилларда тил белгиларининг нутқдаги амалий қўлланишига хос контекстуал хусусиятларини ўрганиш билан тилшуносликда прагматик йўналиш юзага кела бошлади. Лингвистик прагматиканинг шаклланиши йирик олим Л.Витгенштейннинг фалсафий қарашлари билан боғлиқ бўлиб, айнан унинг ишларида прагматика назарий семиотик тадқиқотнинг мустақил соҳаси сифатида кўрсатиб ўтилади.[5]

Прагматиканинг тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида шаклланиши ва тан олиниши 70-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Чунки бу даврда лингвистик прагматика билан алоқадор мақолалар тўплам ҳолида нашр қилинди. Тўплам шу йўналишнинг янги тармоқ сифатида шаклланиши учун бошланғич амалий ва назарий манба бўлиб хизмат қилади. Лингвистик прагматика фалсафий ғоялар таъсирида шакллана бошлади. 1977 йилдан Амстердамда лингвистик прагматикага бағишланган махсус журнал нашр қилина бошланди. Журнал «Нутқшунослик» ва «Текстология»нинг турли йўналишлари билан боғлиқ масалаларни ёритишга бағишланган мақолаларни тўплам сифатида эълон қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.[6]

Лингвистик прагматика сўзловчи ижтимоий фаолиятининг нутқдаги реал ифода масалаларини қамраб олади. Прагматикага қизиқиш тилшунослик фанининг алоҳида тармоғи сифатида шаклланиши унинг олдига қатор масалаларни қўяди. Бизнингча, прагматикани тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан ажратиш ва унинг тадқиқий манбасини чегаралаш орқалигина уни янги

[5] Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С.471.

[6] Ахманова О., Магидова И.М. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания. – М., 1978. №3. – С.44.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тармоқ сифатида талқин этиш мумкин. Лингвистик прагматиканинг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг бошланғич чегарасини аниқлашдир. Тилшунос олим В.В.Петровнинг тил ҳақидаги қуйидаги тезиси лингвопрагматиканинг бошланғич тадқиқий чегарасини аниқлаш учун лингвистик асос бўлади: «Инсон қайсидир тилга хос семантик билимларсиз сўзлаши ёки англаши мумкин эмас, аммо ўша тилга хос семантик билимлар эгаси бўлишнинг ўзи ушбу тилда сўзлаш ва англаш учун кифоя қилади дегани эмас, масалан, мусиқали пьеса мазмунидан огоҳлик унинг ижроси учун етарли бўлмайди, бунинг учун, энг асосийси, ижро маҳорати, лаёқати («умение играть»)га ҳам эга бўлиш лозим».[7] Бизнинг қарашимиз бўйича, сўзлаш ва англаш жараёни ҳам худди шундай. Шунинг учун тўғри ва аниқ сўзлаш учун ҳаммага тушунарли бўлган семантик билимларнинг ўзинигина билиш етарли эмас, сўзлаш ва фикрни тўғри ифодалаш учун индивидуал стратегия маҳоратига ҳам эга бўлиш лозим. Нутқий фаолият – тил ҳам худди шундай. Инсон семантик билимларга эга бўлиши мумкин, бунга ижтимоий муҳитнинг ўзи ҳар қандай шахс учун маълум имкониятларни яратади. Бироқ семантик билимларга эга бўлишнинг ўзи инсоннинг сўзлаш, фикрлаш ва ифода мазмунини англаши учун камлик қилади. Инсон тилдаги барча семантик илмларни билиш билан бирга уларни ўз мақсади йўлида танлай олиши ва ифодалаш имконига эга бўлиши лозим. Тилдаги айни мана шу жиҳатларни лингвистик прагматика ўрганади. Фердинанд де Соссюр тилни шахматга қиёслаш натижасида объектив оламдаги предмет, нарса ва ҳодисаларни шахмат доналари сифатида номлаган бўлса (шахмат доналарининг имкониятларини билиш билан бирга ўйин кўрсатишни ҳам билиш керак), Л.Витгенштейн тилга хос умумий қонуниятларни «семантик ўйин» тушунчаси билан ифодалайди. Семантик ўйин қоидаларига кўра, ҳар бир нутқ субъекти учун маълум тушунчалар семантика деб қаралади, ҳар бир семантик ўйинга хос оддий юриш тартиби ҳам синтактика, ўйин иштирокчиларининг ўзига хос стратегия тушунчаси прагматика деб талқин этилади. В.В.Петровнинг таъкидлашича, Л.Витгенштейн айнан семантик ўйин иштирокчиларига хос стратегия

[7] Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С.474.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тушунчасини эътибордан четда қолдиради. Витгенштейн шахмат ўйинининг ҳар бир алоҳида партияси сингари нутқий фаолият жараёнидаги нутқ иштирокчиларининг суҳбатини «семантик ўйин» тушунчаси деб талқин этади. В.В.Петров эса лингвистик прагматика шахмат ўйинидаги алоҳида партияларни эмас, балки ўйин иштирокчиларига хос «юриш стратегия»сини назарда тутишини тўғри кўрсатади. Бизнингча ҳам «семантик ўйин» тушунчаси моҳиятига хос нутқ иштирокчиларининг фикр ифодалаш тактикаси ҳақиқий маънода лингвопрагматик тадқиқий объект деб кўрсатилса мутлақо тўғри бўлади. Лингвистик прагматиканинг шаклланиши хусусидаги асосий маълумотлар Н.Д.Арутюнова, Е.В.Падучеваларнинг ишларида берилади. Улар анъанавий тилшуносликка оид жуда кўп ишларда семантика энциклопедик билимларга тенглаштирилгани, прагматика тўғрисида эса умуман тасаввурнинг йўқлигини таъкидлайдилар. Кейинчалик эса семантика масалаларини тадқиқ этиш жараёни прагматик ҳодисаларга бўлган қизиқишни кучайтирди.[8] Шу асосда борлиқдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаланиш даражаси прагматик билимлар сифатида талқин этила бошлади. Тилшуносликнинг бу йўналиши, структурал тилшуносликдан фарқли ўлароқ, тил ва нутқ муаммоларини инсоннинг нутқий фаолияти билан боғлиқ ҳолда тадқиқ эта бошлади. Борлиқдаги воқеликларнинг тилдаги ифодаси энди ўзининг мантиқий, фалсафий ва лингвистик талқинига эга бўла борди.

Кўринадики, семантика, синтаксис ва прагматика каби тилшунослик йўналишлари фан сифатида баравар ривожланмади. Семантика, синтаксис йўналишлари ҳар томонлама ўрганилди-ю, прагматика тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Бунинг натижасида тилга хос семантик ва синтактик илмлар талқини ҳар жиҳатдан мукаммаллашиб боргани ҳолда, конкрет вазият билан алоқадор нутқ субъекти иштирок этган реал нутқий жараёнга хос тилшуносликнинг прагматик йўналиши ўзининг чуқур тадқиқига эга бўлмади. Айниқса, ўзбек тилшунослигида бу масалалар умуман тилшунослар диққатидан четда қолди.

---

[8] Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // НЗЛ. Вып. XVI. – М., 1985. – С.3 – 42.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аёнки, лингвистик прагматиканинг шаклланиши ўз-ўзидан семантика ва прагматика муаммолари фарқланишидан бошланади. Ҳар қандай тилнинг мантиқий таҳлили натижасида икки назарий концепцияни ажратиш лозимлиги кўзга ташланади. Булар семантик ва прагматик назарий концепциялардир.

Лингвистик прагматика хусусида фикр юритаётган ҳар бир тадқиқотчининг диққат марказида биринчи даражали масала сифатида семантика ва прагматикани фарқлаш муаммоси туради. Бу жиҳатдан бошқа тилшунослар каби Р.С.Столнейкер ва В.В.Петров қарашлари бир хилдир. Жумладан, «тилдан инсон турли мақсадларда, асосан, сўзловчи нияти акс этган пропозицияни ифодалаш мақсадида фойдаланади. Пропозициянинг ўзи ҳақиқийлик шартини намоён этувчи мавҳумий моҳиятдир. Семантика тилнинг бу аспектини, айнан пропозицияни ўрганади».[9] Семантик назария прагматикадан ўзининг хусусиятлари – тадқиқот объекти, назарий умумлаштириш ва мақсад шакли билан фарқланади: семантика конкрет вазиятдаги қўлланган ўзгармас «мазмуний инвариант»ларни ўрганса, прагматик тадқиқотнинг мақсади айнан конкрет вазиятда қўлланган тил ҳодисалари – вариантларни тадқиқ этиш билан шуғулланади. В.В.Петровнинг таъкидлашича, семантика идеаллашган объектларга тааллуқли бўлса, индивидуал, эмпирик объектлар прагматика объекти сифатида[10] талқин этилади. Кўринадики, семантика тилдаги ўзгармас маънолар – инвариантларни тадқиқ этади, прагматика эса конкрет вазият билан узвий боғлиқ вариантлар асосида иш кўради ва семантика учун базис вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, В.В.Петровнинг тўғри кўрсатишича, бу икки тадқиқот объектининг ўзаро фарқланиши назарий концепция мақсади, моҳиятига кўра аниқланади. Прагматик назария семантикадек тил ва борлиқ ўртасидаги муносабатларни тушунтирмайди, балки ўша вазиятдаги ошкора билимларга хос субъектнинг яширин имкониятларини эътиборга олади.[11]

Ф.Киферннинг таъкидлашича, мазмун ва шакл тасвири синтаксис ва семантика бўлиб, тилнинг тўлиқ тасвири учун бунинг ўзи

[9] Столнейкер Р.С. Прагматика // НЗЛ. Вып. XVI. – М., 1985. – С.420.

[10] Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – М., 1985. – С.475.

[11] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

кифоя қилмайди, бунинг учун тил фактларини тадқиқ этувчи контекст билан узвий боғлиқ лингвопрагматик[12] таҳлил ва талқин ҳам зарур. Тил ҳодисаларини тадқиқ этишда бу уч йўналиш ҳисобга олингандагина мукаммал лингвистик тадқиқот юзага келади.

Лингвистик прагматиканинг назарий шаклланиши

XX аср бошларидан бутун дунё тилшунослигида тилга семиотик нуқтаи назардан ёндашув асосий ўрин эгаллади. Фердинанд де Соссюр ғоялари асосида тил белгилар системаси сифатида қаралди ва тил бирликларининг системавий табиатини очиб беришга асосий эътибор қаратилди. Натижада тил системаси билан унинг функциялашуви, бу жараёнда тил системасидаги инвариант бирликларнинг турли-туман вариантланиши ва ўзгармас бирликларнинг ўзгарувчанлик касб этиши намоён бўлди. Тилшуноснинг бош вазифаси бевосита кузатишда хилма-хил кўринишларда (вариантларда) намоён бўлувчи лисоний бирликлар замирида яширинган зотий, ўзгармас (инвариант) бирликларни аниқлаш ва бу бирликларнинг тил системасидаги ўрнини белгилашдан иборат бўлди. Бу эса тилшуносликда ўткинчи, вақтинча ҳодисалардан барқарор, доимий моҳиятларни аниқлаш имконини берди. Натижада тилнинг ҳар бир сатҳида шу сатҳ бирликларининг моделлари ва бу моделларнинг нутқ жараёнидаги кўринишлари аниқланди.

Систем-структур тилшунослик умумийлик ва хусусийлик диалектикасини эътиборга олган ҳолда тил ва нутқни изчил равишда фарқлайди ҳамда асосий эътиборни хусусийликларда такрорланувчи умумий жиҳатларни белгилаш орқали уларни моделлаштиришга қаратади. Бундай моделлаштириш дастлабки даврда фақат шаклга қараб белгиланган, тилшунос учун энг аҳамиятли нарса субстанция эмас, шакл (форма) деб қаралган (Л.Ельмслев) бўлса, кейинчалик шу нарса ойдинлашдики, шаклдан мазмунни соқит қилиш мумкин эмас. Систем-структур тилшуносликнинг отаси саналувчи Фердинанд де Соссюрнинг ўзи ҳам шакл

[12] Кифер Ф. О роли прагматики в лингвистическом описании // НЗЛ. Вып. XVI. – М., 1985. – С.333.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва мазмун муносабатини дафтар варағига қиёслайди. Варақнинг уст қисми шакл бўлса, ост қисми мазмундир. Лекин варақни ҳеч қачон уст ва ост қисмларга алоҳида-алоҳида ажратиб бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, тил системасининг қуйи (фонологик) сатҳидан ташқари барча сатҳ бирликлари маъно билан боғланган. Улар шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Шунинг учун ҳар қандай лисоний модел (қолип) мазмунни ўзидан соқит қилолмайди. Кўп ҳолларда лисоний қолипни белгилашда мазмун етакчи планга ўтиб қолиши мумкин. Айниқса, бу синтактик омонимияларда яққол намоён бўлади.

Шу боис систем-структур тилшунослик кейинги даврларда лисоний бирликларнинг шакл ва мазмун муносабатига ҳам алоҳида эътибор қила бошлади. Бунинг натижасида тилшуносликда алоҳида йўналиш – мазмуний йўналиш майдонга келди.

Тилшуносликда мазмуний йўналишнинг майдонга келиши ва бу йўналиш бўйича бир қанча илмий тадқиқотларнинг олиб борилиши натижасида гап семантикасида бир талай муаммоларни ҳал қилиш имкони яратилди.

Мантиқий семантиканинг йирик вакилларидан бири Б.Рассел сўзларни индикатив ва индикатив бўлмаган сўзларга ажратади.[13]

Объектив борлиқдаги маълум нарса-ҳодисаларни, белги-хусусиятларни, ҳаракат-ҳолатларни номлаш хусусиятига эга сўзларни индикатив «ишора қилувчи» сўзлар, бундай хусусиятга эга бўлмаган сўзларни эса индикатив бўлмаган сўзлар деб ҳисоблайди. Систем-структур тилшуносликда биринчи типдаги сўзлар дескриптив сўзлар, иккинчи турдаги сўзлар эса дескриптив бўлмаган сўзлар деб юритилади.

Гап семантикаси билан шуғулланувчи тилшунослар гап таркибида ана шундай индикатив бўлмаган (дескриптив бўлмаган) сўзлар келганда анча қийинчиликка дуч келдилар.

Яъни гап таркибидаги дескриптив сўзларнинг, конкрет нутқ вазияти билан боғланмаса ҳам, қайси денотатив (аташ) маънода эканлигини, объектив борлиқдаги нимани номлаб келаётганлигини аниқлаш имконияти бўлса, дескриптив бўлмаган сўзларни бу тарзда аниқлаш мумкин эмас. Бундай сўзлар объектив борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, белги ва хусусиятлар, ҳаракат ва

[13] Рассел Б. Человеческое познание. – М., 1957. – С.139.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳолатларни тўғридан-тўғри номламагани туфайли, улар муайян вазият билан боғланмаса, нимага ишора қилаётганлиги номаълумлигича қолиши аён бўлди.

Бу шуни кўрсатдики, гап семантикасини шу гап таркибида қўлланилаётган сўзларнинг фақат объектив борлиққа муносабатини аниқлаш билангина тўла изоҳлаш мумкин эмас экан. Бунга гапнинг нутқ жараёнига, нутқ вазиятига муносабатини аниқлашни ҳам қўшиш зарурати туғилди. Ана шундай амалий эҳтиёж билан лингвистик семантика бағридан лингвистик прагматика ўсиб чиқди.

Шундай қилиб, синтаксисда уч йўналиш майдонга келди:

1) семантика; 2) синтактика; 3) прагматика.



1-шакл



2-шакл

Германиялик олим Георг Клаус, бошқа тилшунослардан фарқли равишда, семиотик нуқтаи назардан тилнинг тўрт йўналишини кўрсатиб ўтади. Синтактика белги билан белги ўртасидаги муносабатни ўрганади. Семантика моддий оламни акс эттирувчи тушунчалар нуқтаи назаридан белги маъносини ўрганади. Сигматик йўналиш белги ва предмет ўртасидаги ўзаро муносабатни ўрганади. Прагматика эса белгининг инсонга таъсири, унинг фикрлаш услубига, ахлоқига, ҳис-туйғусига таъсирини ўрганади.[14]

[14] Клаус Г. Сила слова. – М., 1967. – С.2.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Семиотикага оид аксарият қарашларда белгининг уч аспекти ажратилади ва таҳлил қилинади. Хусусан, синтактик қурилмалар таркибидаги бир лисоний белгининг бошқа лисоний белги билан муносабатини ўрганувчи соҳа синтактика ҳисобланади. Синтактик қурилмалар таркибидаги лисоний белгиларнинг предмет ва тушунчага бўлган муносабати семантикада ўрганилади. Прагматиканинг нутқий актнинг бевосита контекст билан муносабатини ўрганиши кўрсатилди. Кўринадики, нутқий акт билан контекст ўртасидаги ўзаро муносабат прагматиканинг асосий ўрганиш объекти саналади.

Демак, нутқий акт билан контекст ўртасидаги муносабат жуда кучли бўлганда, нутқий акт маъноси контекст билан боғлиқ ҳолда англанган ўринларда прагматикага эҳтиёж туғилади. Синтактик қурилма таркибидаги дескриптив сўзлар таҳлили семантикага қараб тортса, дескриптив бўлмаган сўзлар таҳлили прагматикага қаратортади.[15]

Шундай экан, аввало, дескриптив ва дескриптив бўлмаган сўзларнинг моҳияти ҳақида фикр юритишга тўғри келади.

Аташ вазифасини бажарадиган, денотатив маънога эга сўзлар индикатив ёки дескриптив сўзлар ҳисобланиши юқорида таъкидланди. Индикатив (денотатив маъноли) сўзларнинг маъносини контекстга боғлиқ бўлмаган ҳолда аниқлаш мумкин, индикатив бўлмаган сўзларнинг маъноси фақат контекст ичида, муайян нутқ вазиятига боғлиқ равишда очилади. Шунинг учун бундай сўзлар маъноси контекст ва нутқ вазияти билан узвий боғлиқ, яъни шартланган бўлади.

Юқорида кўрсатилган икки турдаги сўзларни фарқлаш учун Б.Рассел уларни зоопаркка қиёслайди. «Агар сиз фарзандингизга шер сўзининг маъносини тушунтирмоқчи бўлсангиз, уни зоопаркка олиб боришингиз ва «мана бу шер» деб кўрсатишингиз мумкин. Лекин индикатив бўлмаган *агар, бу* каби сўзларни кўрсатиш мумкин бўлган зоопарк мавжуд эмас»[16], – дейди Б.Рассел.

Индикатив бўлмаган сўзлар қаторига кирувчи олмошлар, атоқли отларнинг конкрет маъноси – денотати фақат контекстда, маълум нутқ вазиятида ойдинлашади. Шунингдек, индикатив

[15] Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // НЗЛ. Вып. XVI. – М., 1985. – С.7.

[16] Рассел Б. Кўрсатилган асар. – С.140.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлмаган сўзлар қаторига ёрдамчи сўзлар ҳам киритилади. Чунки бундай сўзлар ҳам контекст ёки нутқ вазияти билан боғланган.

Бундан ташқари, гап мазмунини сўзловчи билан боғлаб турувчи шундай сўзлар борки, улар ҳам контекст билан зич боғлиқ саналади. Ҳар бир гап (жумла) объектив борлиқ ҳақида маълум ахборот бериш (номинатив ёки пропозитив функция) билан бирга сўзловчининг бу ахборотга муносабатини ҳам билдиради.

Узоқ даврларгача тилшунослар сўзловчининг «маҳсулоти» бўлган жумлани ўрганишга асосий эътибор бердилар. Бу жумлани яратган шахс (субъект) эса назардан четда қолди. Ваҳоланки, ҳар бир конкрет жумлада сўзловчининг руҳияти, маданияти, дунёқараши ва бошқалар ўз ифодасини топади. Шу туфайли сўзловчининг гапи (жумласи)га қараб унинг кимлиги ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. Бу эса тил бирлиги бўлган гапнинг қолиплари конкрет шароитда жумлалар орқали юзага чиқиб, нақадар ранг-баранг қўшимча ахборот билдиришидан далолат беради. Мазкур қўшимча ахборотлар жумланинг алоҳида маъно қатламини ташкил этади. Жумланинг объектив воқелик билан боғлиқ маъноси (пропозитив маъноси) асосий, бошқа маънолар эса қўшимча маънолар саналади.

Машҳур француз тилшуноси Шарл Балли биринчи типдаги маъноларни диктум ёки диктал маъно, иккинчи типдаги маъноларни эса модус ёки модал маънога киритади. Конкрет шароитда воқеланган ҳар қандай жумла диктал маънодан (маълум пропозиция ифодалашдан) ташқари модусга ҳам эга бўлади. Модус таркибига кирувчи сўзловчининг «мен»и ҳам контекст орқали юзага чиқади.

Шундай экан, ана шу сўзловчининг шахси (руҳияти, дунёқараши ва бошқа томонлари) ҳақида ахборот берувчи модуснинг қисми ҳам гап семантикаси билан боғлиқдир.

Айрим жумлалар борки, ундан англашилган объектив мазмун (диктал маъно) бутунлигича фақат муайян нутқий вазият, контекст билан боғлиқ бўлади. Агар бу жумла шу контекстдан ёки нутқий вазиятдан узиб олинса, мазкур объектив мазмун мавҳумлашади. Масалан, *Ҳамма вақтини чоғ ўтказмоқда* жумласидан англашилган *«ҳамманинг хурсандлиги»* фақат конкрет нутқ вазияти, нутқий қуршов билан боғлиқдир. Чунки дунёдаги барча одамлар доимо вақтини чоғ ўтказиши мумкин эмас. Кимдир

www.ziyouz.com kutubxonasi

нимадандир ташвишланади, озор чекади, кимдир касалликдан азоб тортади ва ҳоказо.

Кўринадики, конкрет жумлалардан англашилган бир қатор қўшимча маънолар нутқий вазият, контекст билан узвий боғлиқдир. Нутқий вазият, контекст билан узвий боғлиқ бўлган бу каби маънолар ва уларни ифодаловчи воситалар лингвистик прагматиканинг ўрганиш объекти саналади.

Шундай қилиб, гапдан англашилган мазмун билан субъект муносабати прагматикага дахлдордир. Нутқий акт, индикатив бўлмаган сўзлар, контекст, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик прагматиканинг марказий тушунчалари саналади.

Лингвистик прагматиканинг умумий масалалари

Коммуникация жараёнининг кенгайиши муносабати билан уни тадқиқ этиш жараёни ҳам мураккаблаша борди. Бошқа фан соҳаларида бўлгани каби тилшуносликда ҳам янги тармоқ, янги тадқиқот объектлари юзага кела бошлади. Олимлар жаҳон тилшунослигида кишилар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнини лингвистик хусусиятлар асосида икки гуруҳга ажратиб ўрганишни тавсия этадилар.

1. Товуш тили – эшитиш асосидаги мазмун ва шакл.

1. Имо-ишора – кўриш воситаси билан амалга ошириладиган тил.

Англаш тушунчаси билан боғлиқ ҳолда «ҳис қилиш» йўналиши ҳам лингвистика кўринишларидан бири ҳисобланади. «Форобий нарсанинг объективлигини, унинг мавжудлиги бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этишини эътироф этади. Биз фақат ўзимизни қуршаб турган оламдаги нарсаларни сезги аъзоларимиз орқали билиб оламиз. Ушлаш, қўл тегизиш йўли билан олинган билимга қувваи ломиса, кўриш орқали олинган билимга эса қувваи нигоҳий атамаларини қўллайди. Шу билан бирга, эшитиш сезгиси орқали нутқ воситасида ҳам билимга эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Бундай билим қувваи нотиқа саналади.[17]

[17] Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент, 2000. – Б.7 – 8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Маълумки, алоқа-аралашув жараёни билиш, англаш, ифодалаш, сезиш, уқиш билан узвий алоқадор ифода формаларининг турли-туманлиги билан ажралиб туради. Ифода формаларининг қўллана бошланишининг ўзидаёқ муносабат тушунчаси намоён бўла бошлайди. Шунинг учун буларга хос семантик, синтактик, айниқса, прагматик хусусиятларни маълум лингвистик мезонлар воситасида ажратиш бугунги тилшуносликнинг асосий масалаларидандир.

Алоқа-аралашув жараёнига хос мана шу уч ифода туринининг *нейтрал ва аффектив хусусиятлари лингвистик прагматиканинг* тадқиқ доираси сифатида ажратилади.

Машҳур тилшунос Т.В.Колшанскийнинг таъкидлашича, сўзловчи субъект ҳис-туйғуларига хос хусусият белгилардан ажралган маълум бир ахборотни ифода этиши мумкин эмас. Нутқ мазмунига ҳамоҳанг ҳис-туйғу ва барча баҳолар конкрет тингловчига қаратилган бўлади. Ана шу тингловчи учун қаратилган субъект нутқига хос муносабат белгилари – нутқдаги барча бўёқлар яхлит тарзда прагматика деб номланади. Бу уларнинг прагматик тайинланиши деб қаралади.[18]

Прагматик ҳодисалар моҳиятини ўрганиш тилшуносдан мантиқий ва фалсафий мушоҳадаларни ҳам талаб қилади. Шунинг учун лингвистик прагматика масалалари ҳодисани фақат лисоний таҳлил этибгина қолмасдан, балки унинг мантиқий, фалсафий ва социал хусусиятларини ҳам ўрганади.

Шу маънода Л.А.Киселеванинг прагмалингвистиканинг долзарб масалалари хусусидаги қарашлари диққатга сазовордир. Жумладан, прагмалингвистика:

а) нутқнинг юзага келиши билан боғлиқ сўз ва қурилмаларнинг қўлланишига оид прагматик хусусиятларнигина эмас, балки турли сатҳдаги ёрдамчи сўз ва морфемалар, сўз бирикмаси, гапларга хос прагматик хусусиятлар;

б) тил ва нутқнинг прагматик функционал қонуниятлари;

в) нолингвистик вазиятнинг типик шакллари;

г) социал мақсад, вазифалар;

д) нутқ субъекти, адресати, социал ва руҳий тип сифатида ҳамда фақат мана шуларга асосланган ҳолда аниқ нолингвистик

[18] *Колшанский Т.В. Соотношение субъективных и объективных факторов* в языке. – М., 1975. – С.140.

www.ziyouz.com kutubxonasi

вазиятга мувофиқ равишда ифодада шахснинг суҳбатдошларга қаратган мақсад, вазифаларини ўрганади.[19] Бу ишда олим «речевого воздействия» атамаси – нутқий «таъсир этиш» тушунчаси остида лингвистик прагматикани назарда тутади.

Умуман, сўзловчи ва тингловчи орасидаги вербал ифодада маълум мақсад ҳамда вазифаларга асосланган ҳис-туйғуга таъсир этувчи (перлокутив) хусусий муносабат баёни бу ишнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

«Семантиканинг текшириш кўлами ғоят кенгайиб кетганлиги туфайли, уни бир оз енгиллатишга, маънонинг контекст билан боғлиқ қисмидан халос қилишга тўғри келди».[20] Кейинги пайтларда амалга оширилган тадқиқотлар давомида шу нарса маълум бўлдики, баён қилинган ҳар бир ифода таркибидаги пропозицияда сўзловчи шахси билан узвий алоқадор мазмуний структуралар ҳам акс этаётганлиги, буларнинг асосий белги ва хусусиятлари, моҳиятига оид тафсилотлар фанда ҳамон очиқ қолаётганлиги лингвистик прагматикага эҳтиёжни кучайтирди. Прагматиканинг тадқиқот объекти мураккаб бўлиб, бу соҳа ўрганадиган муаммоларни умумлаштирилган ҳолда тасниф этиш ва ўрганиш тилшунослик фанининг бош масаласидир.

Лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари қуйидагилардан иборат:

1. Жумланинг контекст билан алоқадор аспекти. Бунда жумла ичида дескриптив бўлмаган сўзлар иштирок этиши назарда тутилади. Бундай сўзларни тўғри қўллашда контекстуал вазият муҳим саналади. Жумла орқали ифодаланган пропозициянинг тўғри англаниши учун нутқ иштирокчиларининг барчаси контекстуал вазиятдан хабардор бўлиши зарур. Шундагина нутқ субъекти томонидан баён қилинган жумла таркибидаги дескриптив бўлмаган сўзларнинг қандай нутқий актни юзага чиқариш учун хизмат қилаётганлиги ойдинлашади. Дейктик элементларни таснифлашда улар бошқа тўлиқ маъно ифода этувчи сўзларга қиёсланади, сўнгра уларнинг контекстдаги бажараётган вазифаси таҳлил қилинади. Тўлиқ маъно ифодаловчи сўзлар жумладаги

[19] Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С.99.

[20] Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995. – Б.10.

www.ziyouz.com kutubxonasi

пропозициянинг асосини ташкил этса, унда қатнашган дейктик *элементлар жумла пропозицияси ичида ҳаракат қилиб*, нутқ субъектининг яширин мақсадлари ҳақида хабар бериш функциясини бажаради. «Дейктик ифодаларнинг характерли жиҳати шундаки, бу элементлар контекст таркибида аралаш кўрсатиш функциясини ҳам бажаради: *Хонадон мезбони сўради: У киши қани?* Бу жумла билан мезбонни эмас, балки у ўтирган жой ва дастурхондаги нарсаларни кўрсатди. Дейктик ифодадаги референт билан кўрсатилувчи объект *ўзаро мос келмайди. Бу аралаш кўрсатиш* деб юритилади».[21] Дейктик элементларнинг нутқдаги қўлланиши пропозиция таркибини кучайтириш, муаллифнинг ички мақсади билан боғлиқ бирор ахборотга ишора қилиш функциясини бажаришдан иборатдир. Дескриптив бўлмаган элементларнинг асосий хусусияти улар ифода этаётган ахборот асосий пропозициядан ташқари қўшимча ахборот кўринишининг мавжудлигига ишора қилишдир. *Сен, мен, ҳатто, фақат, сингари* каби сўзлар дейктик дескриптив бўлмаган сўзлар саналади. Мана шундай сўзлар иштирок этган контекстлар таҳлили билан лингвистик прагматика шуғулланади.

2. Кишилар ўртасидаги муносабатни ифодаловчи нутқий этикет кўринишлари, нутқнинг социал хосланиши лингвистик прагматиканинг ўрганиш соҳаси саналади. Нутқий аралашув жараёнидаги суҳбатнинг мақсад ва йўналишига кўра П.Грайс қуйидаги тўрт принципни кўрсатиб ўтади: а) ахборотнинг тўлиқлиги; б) ахборотнинг сифати (тўғри сўзлаш); в) ахборот йўналишидан четга чиқмаслик; г) сўзлаш манераси (аниқ ва қисқа).[22] Бу йўналишга хос ишлар ўзбек тилшунослигида ҳам амалга оширилган. Жумладан, Ҳ.Абдураҳмонов, Н.Маҳмудов[23], Б.Ўринбоев, С.Мўминовларнинг нутқ маданияти ва коммуникатив хулқ йўналишидаги ишлари лингвистик прагматиканинг умуммасалаларидан ҳисобланади. Бундай тадқиқотларнинг юзага келиши лингвистик праг-

---

[21] Арутюнова Н.Д., Падучева Е.В. Истоки, проблемы и категории прагматики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.19.

[22] Кўрсатилган асар. – Б.27.

[23] Абдураҳмонов Ҳ., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиқлик маҳорати. – Тошкент, 1984; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

www.ziyouz.com kutubxonasi

матика назариясининг тўлдирилишида муҳим ўрин тутади. Коммуникация жараёни учун ахборотнинг бундай белгилари бўлиши табиий, бироқ нутқий этикет кўринишларининг бундай ижтимоий ахлоқ меъёрлари лингвистик прагматиканинг назарий жиҳатларига алоқадор йўналишларни очиш учун хизмат қилмайди деган хулосага келмаслик зарур. Прагматика назарияси «Нима учун шундай?» тарзидаги саволларнинг асосланиши билан ўз моҳиятига эга бўлади. Жумладан, катталарнинг кичикларга нисбатан миннатдорчилик туйғусини «*баракалла*» сўзи билан ифодалаши нутқий этикет кўринишларидан биридир ва у меъёрий ҳолат деб қаралади. Бироқ бунинг акси бўлган ҳолатларда лингвистик прагматика назариясига эҳтиёж туғилиши кучаяди, чунки бундай ҳолларда «Нима учун шундай?» тарзидаги савол кўп тилшуносларнинг диққатини жалб қилади. Кичикларнинг катталарга миннатдорлик туйғуси ёшлар нутқи учун характерли бўлган ижтимоий-перформатив формулалар ёрдамида ўз ифодасини топмаса, бундай ифодалар лингвопрагматика нуқтаи назаридан изоҳлашни талаб этади.

Тил ва нутқ бирликларининг ҳар қандай кўриниши функционал қўлланишига кўра ўз ўрнига эга. Агар ана шу бирликлар нутқ субъектининг ёшига кўра, қўлланиш ўрни ҳамда услубий четга чиқишига кўра ўзгарса, бу жараёнда, албатта, прагматик таҳлилга эҳтиёж ортади.

3. Ифоданинг субъектив модал аспектига алоқадор кириш, баҳо билдирувчи сўз ва воситаларни лингвистик прагматика ўрганади. Матнда кириш ва баҳо билдирувчи сўзларнинг қўлланиши муаллифнинг объектив оламга ва ўзи ифода этаётган ахборотга муносабатини белгилашда муҳим ўрин тутади.

4. Инсоннинг ички субъектив руҳиятини ифодаловчи дискурс назарияси ҳам прагматиканинг ўрганиш объекти ҳисобланади.[24]

5. Лингвистик прагматиканинг асосий муаммоларидан яна бири пресуппозициядир. Пресуппозицияни гапнинг мазмуний компоненти бўлган нутқий актлардан фарқлаш лозим. Масалан, «*Эшикни ёп*» жумласида «*эшикнинг очиқлиги*» ҳақидаги семантик мазмун пресуппозициядир. «Нутқий коммуникациянинг тўғри

[24] Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995. – Б.10 – 11.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва реал амалга ошиши учун коммуникантлар нутқ моментига қадар муайян фактлар билан таниш бўлиши, умумий вазият билан боғлиқ муайян билим – хабардорликка эга бўлишлари лозим. Ана шу фактлар, билимлар тилшуносликда пресуппозиция номи билан умумлаштирилади».[25] Таъкидлаб ўтилган фактлар ва улар ҳақидаги билимлар тилшуносликда социал контекст тушунчасини англатиб, у ўз моҳияти билан нутқ вазиятини ифодалашига кўра лингвистик прагматиканинг асосий масалалари доирасига киритилади. Умуман, пресуппозиция ҳодисаси прагматика муаммоси сифатида мантиқий-фалсафий категория тушунчаси билан узвий боғланади.

Ўзбек тилининг назарий грамматикасида ҳам лингвистик прагматиканинг умумназарий масалалари алоҳида қайд этилади.

Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари

Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари айнан нутқ иштирокчилари ва нутқий вазият тушунчаси билан боғлиқдир. Бизга аёнки, сўзловчи ўз мақсадини ифода этувчи жумла қуриш учун оламда мавжуд бўлган нарса, предмет, ҳодисаларнинг номини билиши ҳамда маълум грамматик қонун-қоидалар билан таниш бўлишининг ўзи кифоя қилмайди. Сўзловчи нутқий вазият тушунчаси моҳиятини ҳам билиши керакки, бу, албатта, сўзловчи баён қилмоқчи бўлган коммуникатив ниятнинг тўғри ифодаланишида муҳим амалий аҳамият касб этади. Сўзловчи нутқига хос коммуникатив ниятнинг аниқ ва тўғри ифодаланиши учун яна миллий урф-одатлар билан боғлиқ ижтимоий қонун-қоидаларни билиш ҳам талаб қилинади. Шу жиҳатлар тўлиқ қамраб олинган-дагина нутқ иштирокчиларининг ўзаро мулоқот жараёни тўғри амалга ошади. Лингвистик прагматиканинг хусусий масалалари нутқ субъекти, нутқ объекти, нутқ вазияти билан боғлиқ равишда юзага келади.

I. Лингвистик прагматика нутқ субъекти билан боғлиқ тарзда қуйидаги хусусий масалаларни ўрганади.

1. Нутқ субъекти коммуникатив ниятининг ифодаланиш даражасига кўра ифоданинг ошкора ва яширин шакллари. Сўзловчи

[25] Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // ЎТА. 1986. №6. – Б.29.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқига хос ифоданинг ошкора ёки яширин шакллари, ўз навбатида, коммуникатив стратегия учун йўл очади.

2. Коммуникатив ниятни ифодалаш стратегияси лингвистик прагматиканинг бош масаласи ҳисобланади. Сўзловчи бунда ўз ички мақсадини тингловчига баён қилиш учун у ёки бу ифода усулини танлайди. Танлаш жараёни бевосита тилшуносликнинг стилистика йўналиши объектидир. Лингвистик прагматика айнан мана шу нуқтада услубшунослик билан ҳамкорлик қилади. Маълум ҳодисани турли жиҳатига кўра таҳлил этади. Бу борада йирик тилшунос олим Ғ.Абдураҳмоновнинг услубшунослик хусусидаги қарашлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. «Услуб сўзловчининг, ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, хабарга, воқеа, ҳодисага, шахс ёки предметга шахсий ёки бошқа бир шахснинг муносабати, жумладан, ифодаланган қўшимча субъектив фикрдир. Шунинг учун услуб муаммолари ҳақида тил фанининг ҳамма соҳалари бўйича маълумот берилгандан кейин алоҳида фан сифатида ёки грамматиканинг бир бўлими сифатида фикр юритилади. Шунинг учун машҳур филолог олимлар таърифлаганидек, «Услуб – филология фанининг тожи, тилшунослик ва адабиётшунослик фанларининг юқори босқичи» (А.В.Степанов), «...ҳар бир тараққий этган фаннинг қалби» (Р.А.Будагов), «Услуб бу – талант» (В.Г.Белинский), «Агарда бирор нарсани аниқ ифодалай олмас эканмиз, бунда тилимиздан эмас, балки уқувсиз маҳоратимиздан гина қилишимиз керак».[26] Фикр ифодалашнинг бундай усул ва услуби сўзловчининг коммуникатив стратегиясини белгилайди. Фақат семантик ва грамматик илмларни билиш билангина эмас, балки ҳаётий қонун-қоидаларни билиш ва унга амал қилиш натижасида коммуникатив стратегия маҳоратига эга бўлиш мумкин. Сўзловчи нутқига хос бир ифода актида турлича мазмундаги коммуникатив ниятнинг ифодаланиши коммуникатив тактика тушунчасини намоён этади. Коммуникатив тактика, коммуникатив стратегия тушунчалари моҳияти таъсирида лингвистик прагматиканинг хусусий муаммоларидан яна бири – тагмаъно юзага келади.

3. Тагмаъно лингвистик прагматиканинг хусусий масалаларидан биридир. Тагмаъно тушунчасининг юзага келиши, умумий

[26] Абдураҳмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1995. – Б.86.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва хусусий кўринишлари, унинг жаҳон тилшунослик тарихида ишланиш даражаси, шунингдек, тагмаънонинг пресуппозициядан фарқланиш хусусиятлари каби қатор масалалар лингвистик прагматиканинг долзарб муаммолари сирасига киради.

4. Сўзловчининг объектив оламни ҳис қилиш даражаси ва фикрнинг ифода плани. Объектив оламдаги воқеа, ҳодиса ва предмет ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ва уни қайта акс эттириш даражаси сўзловчининг олам ҳақидаги билимлари билан чамбарчас боғлиқдир. Сўзловчининг ўз фикрини аниқ, лўнда ва тўғри ифодалаши учун унинг олам ҳақидаги билимлари мукаммал бўлиши лозим. Сўзловчининг нутқи унинг ўзлиги ҳақида тўлиқ маълумот беради. Лингвистик прагматика нутққа хос мана шу хусусиятларига кўра психолингвистика билан узвий боғланади. Шу нуқтаи назардан прагматик тўсиқ лингвистик прагматиканинг хусусий масалаларидан бири сифатида тадқиқот объекти бўлади.

II. Нутқ адресати билан боғлиқ равишда лингвистик прагматика қуйидаги масалаларни ўрганади.

1. Нутқ интерпретацияси. Бунга кўра, контекст билан боғлиқ ҳодисалар, прагматик вазият ва пресуппозиция, шунингдек, сўзловчининг онгли равишда мулоқот қонун-қоидаларидан чекланиши каби масалаларни прагматика ўрганади.

2. Перлокутив акт тушунчаси тингловчининг ҳис-туйғуларига таъсир этувчи коммуникатив акт сифатида прагматика масалалари қаторига киритилади.

III. Коммуникация иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ равишда қуйидагилар ўрганилди:

1. Нутқий аралашув шакллари (хабар мазмунидаги диалог, дўстона суҳбат, мунозара ва бошқа мазмуний муносабатлар).

2. Нутқнинг ижтимоий-этикет шакллари (мурожаат шакллари, аралашув услуби).

3. Коммуникация иштирокчилари ўртасидаги муносабатни ифодаловчи нутқий акт кўринишлари (илтимос ёки буйруқнинг лингво-ижтимоий моҳияти).

IV. Аралашув вазияти билан боғлиқ равишда дейктик белгилар интерпретацияси[27] ўрганилади.

---

[27] Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С.390.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек тилшунослигида лингвистик прагматика йўналишини ўрганишга туртки бўлган қатор ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Маълумки, 80-йиллар охири – 90-йиллар бошларида тилшунослик фанида матн лингвистикасига бағишланган жиддий тадқиқотлар юзага келди. Улардан айримларигина[28] лингвистик прагматиканинг марказий масалаларига оид бўлиб, улар прагматик пресуппозицияни ўрганиш учун имконият яратди. Бошқа тадқиқотларда эса, асосан, «жумла», «матн», «нутқ» муаммолари билан боғлиқ ҳодисалар устида иш олиб борилди.[29] Контекст масалалари хусусидаги бундай тадқиқотларнинг юзага келиши лингвистик прагматикани ўрганишга йўл очди. Лингвистик прагматикага қизиқишнинг кучайиши, асосан, тилшуносликда мазмуний синтаксис муаммолари билан боғлиқ янги назарий адабиётларнинг нашр қилиниши натижасидир.[30] Бундай ишларнинг амалга оширилиши семантик синтаксис масалаларини янада мураккаблаштиради ва прагматик тадқиқотлар учун йўл очади.

Умуман олганда, лингвистик прагматика тилшунослик фанининг янги тармоғи сифатида психолингвистика, социолингвисти-

---

[28] Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент, 1980; Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент, 1984. – Б.3 – 19; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.28 – 32; Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.42 – 45; Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994; Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

[29] Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик анализи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990; Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент, 1989; Абдупаттоев М. Ўзбек тилида суперсинтактик бутунликлар: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997.

[30] Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.3 – 120; Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995; Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1997.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ка, матн тилшунослиги, коммуникатив лингвистика, стилистика каби йўналиш муаммоларини умумлаштирувчи белгиларга эга эканлиги билан характерланади. Семантика ҳамда синтактика масалаларининг ўзи хусусидагина эмас, балки уларга лингвистик прагматика муаммоларини ҳам қўшиб талқин этиш соф маънодаги лингвистик тадқиқотни юзага келтиради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II БЎЛИМ. ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ ТИЛ САТҲЛАРИАРО МУНОСАБАТИ

Фонопрагматик талқин – лингвопрагматиканинг бошланғич мезони

Прагматика тушунчаси ғоят кенг бўлиб, у тил сатҳи нуқтаи назаридан иерархик қисмларга ажралиши мумкин. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини муаммоларини тил сатҳлари кесимида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Рус тилшунослигида лингвистик прагматика йўналишига оид илк маълумотлар ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Бироқ бунга қадар А.С.Ахманова, И.М.Магидоваларнинг «прагмалингвистика» атамаси хусусидаги мулоҳазалари билан чегараланган мақоласи нашр қилинганди.

Уларнинг таъкидлашича, прагмалингвистика атамаси ифодалаган тушунча моҳиятини ойдинлаштириш учун инглиз тили фонетикасини ўқитиш билан алоқадор методик усул – талаффузнинг лингофон аппарати орқали ўргатилиши эътиборга олиниши лозим. Лингофондан фойдаланиш жараёнида инглиз тили фонетик бирликларининг оптимал вариантдаги талаффуз шакллари эшиттирилади. Ҳақиқатда инглиз тили нутқида бундай талаффуз варианти учрамайди. Талаффузнинг мазкур оптимал варианти мутахассиснинг тил ўргатиш маҳорати билан боғлиқ ниятини юзага чиқариш учун қўлланган. Талаффузнинг бундай «прагматик» услуби маълум мақсадга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бу асосий услуб хабар функциясини ҳам, таъсир этиш функциясини ҳам бажармайди. Услуб интеллектуал ахборот бериш учун ҳам, тингловчига экспрессив-эмоционал таъсир этиш учун ҳам қўлланмайди. Унинг ягона мақсади инглиз тилини ўрганувчилар учун инглиз талаффуз намунасини бериш ҳамда уни максимал даражада «тушунтириш»га эришишдан иборатдир.[31] Лингвопрагматика атамаси ифодалаган тушунча моҳиятининг тўғри англаниши учун баён қилинган нутқ субъектининг талаффуз меъёрлари хусусидаги концепция гўёки оддий талқиндек туюлади. Бироқ

[31] Ахманова И.С., Магидова И.М. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания. – М., 1978. №3. – С.45.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лингвистик прагматика масалалари билан шуғулланаётган ҳар қандай тадқиқотчи О.С.Ахманова ва И.М.Магидоваларнинг лингвистик прагматика хусусидаги қарашлари примитив мулоҳазалардан иборат эмаслигини дарҳол тушунади.

Лингвистик прагматиканинг юқоридаги талқинига асосланилса, бу ўринда дастлаб талаффуз шаклларига хос прагматик ҳодисанинг икки кўринишини ажратиб олиш мумкин бўлади.

1. Маълум тилга хос талаффузнинг ягона ва тўғри шакли.

1. Маълум тилга хос талаффузнинг ноанъанавий нотўғри шакли.

Бунда талаффуз шаклининг анормал варианти юзага келишини нутқ субъектининг артикуляцион имкониятлари (дудуқ ёки баъзи товушларни талаффуз қилолмаслик жиҳатлари) таъсири ёки нутқ субъектининг миллий тил талаффуз шаклларидан узоқдалиги (миллати ўзбек бўлса-да, бошқа регионда истиқомат қилиши ва бошқа ижтимоий тил муҳитида нутқининг шаклланганлиги) ёки бутунлай бошқа миллат вакили бўла туриб ўзбек тилига хос талаффуз шаклларини баён қилиши таъсири деб изоҳлаш мумкин.

Сўзловчининг талаффуз имкониятлари билан алоқадор прагматик ҳодисанинг учинчи белгиси талаффуз шаклларида нутқ субъекти ниятининг у ёки бу қутб йўналишида ифодаланиши масаласидир. Нутқ субъектининг талаффуз имкониятлари таъсирида лингвистик прагматиканинг асосий бошланғич муаммолари юзага чиқади. Кўринадики, нутқ товушларига хос талаффузнинг анъанавий (тўғри), ноанъанавий (нотўғри) шаклларининг ўзи лингвистик прагматика учун дастлабки долзарб масала сифатида намоён бўлади. Демак, миллий ва диалектал талаффузнинг тўғри ва нотўғри шаклларини лингвистик прагматика учун бошланғич масала деб қараш зарур. Прагматиканинг бундан кейинги муаммоси эса нутқий вазият ва контекстуал мазмун талаблари натижасида тўғри ва нотўғри талаффуз шакллари ёнига нутқ субъекти томонидан бошқарилувчи оҳанг (интонация) тушунчаси келиб қўшилишидир. Нутқ субъекти назарда тутган ягона ниятнинг тўғри ва аниқ ифодаланиши учун меъёрий талаффуз шаклларига юқори ва қуйи оҳанг (интонация) кўринишлари ҳам қўшилади. «Ҳар қандай синтактик қурилма гап бўлиши учун маълум пропозицияни ифодалашдан ташқари коммуникатив мақсад-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳам ифода этиши керак... Жумлани ташкил қилган синтактик элементлар маълум синтактик вазифани бажариш билан бирга сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаб коммуникатив вазифа бажариш учун ҳам хизмат қилади».[32] Коммуникатив ниятнинг тўғри баёни оҳанг кўринишларини юзага чиқарувчи урғу турлари билан узвий боғлиқ. Буни эса, албатта, нутқнинг актуал бўлиниши бошқаради. «Актуал бўлиниш фақат шу контекст учун ёки шу вазият учун хос бўлинишдир. *Карим Москвага кетди* жумласининг уч хил бўлиниши шуни кўрсатадики, алоқа-аралашувнинг конкрет вазиятига қараб сўзловчи ўз олдига турли хил коммуникатив вазифани қўяди».[33] Муаллифларнинг тўғри таъкидлашича, актуаллашиш тушунчаси конкрет нутқий вазиятнинг талабига мослашиши ҳисобланади. Актуаллашиш жумлага вазият шарт-шароити талаби билан шу жумла орқали ифодаланадиган мазмуннинг коммуникатив ниятига мувофиқ келадиган шакл беради.[34] Нутқ вазияти билан боғлиқ равишда сўзловчининг коммуникатив нияти акс этган матн элементлари махсус оҳанг таъсирида актуаллашади. Матнда коммуникатив мақсаднинг ифодаланиш даражаси актуаллаштирувчи воситалар таъсири билан белгиланади. Айниқса, сўз тартиби, мантиқий ва эмфатик эмоционал урғу каби актуаллаштирувчи воситалар сўзловчи коммуникатив ниятига хос прагматик босқичнинг намоён бўлишида муҳим ўрин тутади.

Алоҳида талаффуз акти (акцентирование) ҳодисасини И.И.Сушинский коммуникатив-прагматик категория сифатида таҳлил қилиб жуда тўғри йўл танлайди. Чунки «акцентирование» атамаси ифодалаган тушунчанинг ўзида сўзловчининг нутқий жараёндаги фаолияти ҳамда унинг ифода таркибидаги бирор элементни алоҳида оҳанг билан талаффуз этиши қўшимча яширин ахборотни ҳосил қилади ва унга тингловчи диққатини жалб қилиш ҳолати сезилиб туради. Демак, сўзловчи нутқий фаолиятида матн элементларидан қайсидир қисмининг прагматик талаффузи бу ҳодисанинг ҳам бевосита лингвистик прагматикага тааллуқли эканлигини кўрсатади. «Ифода таркибидаги бирор элементнинг

[32] Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.95.

[33] Кўрсатилган асар. – Б.95.

[34] Кўрсатилган асар. – Б.105.

www.ziyouz.com kutubxonasi

алоҳида урғу билан талаффуз қилиниши фақат сўз, сўз бирикмаси учунгина эмас, балки гап, абзац, ҳатто яхлит матнлар учун ҳам хос».[35] Нутқ субъектининг коммуникатив ниятига хос талаффуз акти махсус воситалар (фонетик, морфологик, синтактик, лексик ва график) ёрдамида ажратилувчи нутқнинг у ёки бу элементидир. Сўзловчининг нутқ элементини бундай ажратишдан мақсади унга тингловчи диққатини жалб қилиш асосида таъсир этишнинг маълум коммуникатив шаклини намоён этишдир. Ифода семантик тузилишида ахборот кўринишларидан бирининг маълум мақсадга кўра кучайтирилган тарзда ёки махсус оҳанг билан талаффуз қилиниши эмфатик усул деб номланади.

Лингвистик адабиётларда таъкидланишича, жумла таркибидаги бирор бўлакни мазмуний аҳамиятли бўлакка айлантириш учун мантиқий ва эмфатик урғудан фойдаланилади. Агар бирорта бўлак мазмуний жиҳатдан ажратиб кўрсатилмоқчи бўлса, сўзловчи уни мантиқий урғу билан ажратади. Бунда гап бўлакларининг тартиби ўзгартирилмай, улардан бири мазмуний аҳамиятли бўлакка айлантирилади. Мантиқий урғуни характерлайдиган биринчи омил семантик ёки актуал омиллардир.[36] Мантиқий урғу одатдаги урғудан баланд ёки паст талаффузи билан фарқланади. Мантиқий урғу ҳам, эмфатик урғу ҳам сўзловчининг коммуникатив ниятини юзага чиқариш учун хизмат қилади.

И.И.Сушинский тўғри таъкидлаганидек: «Эмфатик усул гап урғусидан фақат акустик жиҳатдан эмас, балки функционал ва позицион муносабатига кўра ҳам фарқ қилади».[37] Талаффуз акти ҳодисасининг лингвистик прагматикага алоқадорлиги унда функционал ва позицион белгиларнинг мавжудлиги туфайлидир. Булар сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги нутқий актларнинг ифодаланиши ва англанишида муҳим ўрин тутади. Эмфатик урғу моҳиятан сўзловчининг маълум нутқий вазиятдаги ўз тинг-

---

[35] Сушинский И.И. Коммуникативная-прагматическая категория акцентирования и ее роль в вербальной коммуникации // Вопросы языкознания. №6. – М., 1987. – С.111.

[36] Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.110.

[37] Сушинский И.И. Коммуникативная-прагматическая категория акцентирования и ее роль в вербальной коммуникации // Вопросы языкознания. №6. – М., 1987. – С.112.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ловчиси диққатини маълум ифодага жалб қилиш ниятида ифода элементларидан бирини узоқ ва юқори тон билан талаффуз қилишидан иборат. Мантиқий урғу эса доимий тарзда синтактик бирликдаги янги ахборотни қамраб олиб, у доим рема ёки хабар фокусини ташкил этади. Эмфатик урғунинг мантиқий урғудан асосий фарқи ҳам ана шундадир. Агар синтактик бирлик таркибида мантиқий урғу ҳам, эмфатик урғу ҳам мавжуд бўлса, мантиқий урғу доим ремани қамраб олиши билан характерланади. Эмфатик урғу унга нисбатан кучлироқ оҳанг асосида талаффуз қилиниши билан фарқланади. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, мантиқий урғу жумланинг мазмуний томонига оид бўлса, эмфатик урғу ҳиссий томонига оид бўлади.[38] Мантиқий урғу жумла ёки матн таркибидаги қайсидир бўлак ёки ахборот кўринишини мазмуний аҳамиятли ахборотга айлантиради ва нутқ субъектининг коммуникатив мақсадини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Эмфатик урғуда эса талаффузнинг ҳиссий томонга оидлиги, назарий адабиётларда таъкидланганидек, фақат унли ёки ундош товушларни чўзиш орқалигина амалга оширилмайди. Эмфатик урғу ёрдамида сўзловчи унли ва ундошни чўзиб талаффуз қилишдан ташқари талаффуз актининг ўзида самимийлик ёки носамимийлик ҳисларини ҳам ифода этади. Талаффуз оҳангига сўзловчининг мақсади ҳам қўшилади. Талаффуз актига сўзловчининг самимий ният асосидаги оҳангининг қўшилиши ахборотнинг ички тузилишини кенгайтиради ҳамда бу ахборотдаги тасдиқ актига тингловчи тасаввурида ҳосил бўлган семантик билимлар асосидаги ишонч даражасининг қўшилиши фикр таъсирчанлигини кучайтириш учун хизмат қилади. Масалан:

– *Марғилонга шом вақтида кирган эдим, кўзлаган жойимни тополмай адашдим...*

– *Қани бўлмаса, журинг бизникига, меҳмон, – айткучининг сўз оҳангидан ўртоқлик бўйи келиб Отабекнинг димоғига урилди...* (А.Қодирий) Бу матнда нутқ субъектига хос самимият эмфатик урғу сифатида коммуникатив ниятни юзага чиқариш учун хизмат қилади. Юқоридагилардан кўринадики, талаффуз акти жараёнида мантиқий урғу мазмуний ва эмфатик урғу ҳиссий томонга оид бўлса-да, бироқ бу икки урғу вазифаси нуқтаи наза-

[38] Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.112.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридан сўзловчининг талаффуз жараёнидаги коммуникатив ниятини юзага чиқариши билан лингвистик прагматика масалалари қаторидан ўрин олади. Урғулар актуаллаштирувчи восита сифатида матнда сўзловчи ниятини юзага чиқариш билан прагматик функция бажаради. Фонетик бирликларнинг матндаги прагматик вазифасига кўра лингвистик прагматиканинг фонопрагматик аспектини ажратиш зарур бўлади. Фонопрагматиканинг назарий масалалари хусусида сўз юритиш билан бирга унинг социофонетика, фоносемантика ҳамда фоностилистика каби соҳалар билан алоқадор умумий ва дифференциал жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтиш зарур. Бу соҳаларнинг барчаси нутқ субъектининг ички руҳий ҳолати билан боғлиқ ҳолда лингвистик прагматика доирасига алоқадор бўлади.

Нутқий акт назариясининг умумий масалалари ичида унинг умумсемиологик таркиби муаммоси муҳим ўрин тутади. Нутқий акт тузилишига оид масалаларнинг тадқиқ этилиши бу йўналишнинг кўп қиррали эканлигидан далолат беради. Сўзловчи объектив оламдаги воқеликни кўради, маълум ҳис-туйғулар воситаси билан англайди, идрок қилади. Ана шу ҳолатларга ўзининг хатти-ҳаракатлари ҳамда талаффуз акти ва коммуникатив нияти билан муносабатини билдиради.

Маълумки, нутқ «сўзловчининг тил воситаларидан фойдаланиш жараёни ва шундай жараён натижасида юзага келадиган ҳодиса; нутқнинг коммуникация мақсади ва шароитига қараб лексик ва грамматик воситалардан мувофиғи сайлаб ишлатилиши билан характерланувчи тури: расмий нутқ, сўзлашув нутқи; синтактик ифоданинг тури; автор нутқи, ўзга нутқи».[39]

Кўринадики, нутқ тушунчаси сўзловчининг идрок қилиш ва ифодалаш фаолиятининг маҳсули сифатида қатор янги йўналишлар объекти бўлиши мумкин. Нутқ ҳодисаси сўзловчининг нутқий фаолияти билан узвий алоқадор бўлганлиги учун нутқ жараёнини содир этаётган шахс фаолиятини тўлиқ ифодалаш маъносида «нутқий акт» бирикмасидан фойдаланамиз ва бу атама тилшунослик фанининг алоҳида янги бир йўналиши номи сифатида энциклопедик ва назарий адабиётларда қайд этила-

[39] Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент, 1985. – Б.61.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Нутқий акт назарияси тилшунослик фанининг алоҳида соҳаси сифатида ўрганилиши лозим. Демак, нутқ инсоннинг онгли ва мақсадли фаолияти, ҳаракати билан боғлиқ тадқиқот объекти сифатида ўрганилади.

Нутқий жараён мураккаб ҳодиса бўлиб, у сўзловчидан кўп нарсаларни талаб қилади. Аввало, сўзлаш актини тўғри воқе этиш учун сўзловчи идрок қилаётган воқелик ҳаракатларининг ўзаро мувозанатини сақлаш лозим. «Сўзлаш жараёнида қанча фикр бўлса, шунча ҳаракат содир этилади. Биз гапириш билан маълум ҳаракатларни содир этамиз. Ҳаракатларни содир этиш билан эса мазмунни гуруҳларга ажратамиз. Булар, албатта, яхлит ҳолда амалга оширилади. Нимадир айтиш билан ниманидир бажарамиз, бунга товушлар, сўз, қурилмалар, маълум мазмун ва референцияга эга бўлган баёний маънолар киради».[40]

Ифоданинг мазмуний таркиби сўзловчининг «мен»и билан боғлиқ ҳолда семиологик тузилишига кўра тўрт даражага ажратилади: «сўзлаш акти (локуция), пропозиция, сўзловчи нияти (иллокуция) ва нутқий таъсир этиш (перлокуция)».[41] Ж.Остинда эса нутқий актнинг бу мазмуний тузилиши фақат сўзлаш акти (локутив), сўзловчи нияти (иллокутив) ва нутқий таъсир этиш (перлокутив) актидан иборат деб кўрсатилади.[42] Пропозиционал акт эса эътибордан четда қолади. Бизнингча, бунда фақат прагматик актлар назарда тутилади.

Сўзлаш (локутив) акти хусусида гапиришдан аввал барча актлар учун умумий бўлган «локуция» атамаси ҳақида тўхталамиз. Локуция, локация атамалари прагматик назария моҳиятини ифода этади. Ю.С.Степановнинг таъкидлашича, локация «мен», «бу ерда», «ҳозир» каби учлик бирлигига амал қилади. Бунга кўра, нутқий коммуникация жараёни прагматик моҳияти билан сўзловчининг «мен»лиги ҳамда макон ва замон муносабатидан иборат бўлади. «Мен» нутқ субъекти сифатида аниқланиб, ифоданинг бир актида ўзини номлайди. Шундай қилиб, «мен» сўзи референт қўлланишида автореферент сўз ҳисобланади. «Бу ерда» ўзининг «мен»ини белгиловчи субъектнинг ўрни сифатида аниқланади.

[40] Остин Дж. Слово как действие // НЗЛ. Вып.XVII. – М., 1986. – С.83.

[41] Дорошенко А.В. Побудительные речевые акты в косвенных контекстах // Логический анализ языка. – М., 1989. – С.77.

[42] Кўрсатилган асар. – С.83 – 91.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Ҳозир» ўзининг «мен»ини белгиловчи нутқ объектининг сўзлаш вақти сифатида аниқланади. Мана шу уч асосий сўз белгилари ўзининг дастлабки вазифасида оддий кўрсаткич-ишора билан алмашинади... Локация белгилари индекс-белгилари деб номланиши мумкин».[43] Кўринадики, локация прагматик тушунчалар қаторига киритилиб, нутқ субъектининг «мен»лиги ҳамда макон ва замондаги бирлигини ифода этади.

Сўзловчининг объектив оламда рўй бераётган воқеликни идрок қилиши ва уни вербал ҳамда новербал ифодалаш даражаси маълум маънода локуция тушунчасини ифодалайди. Сўзловчи нутқига хос «менлик»нинг баён қилиш этапларини локуция қамраб олади. Бу ҳолат ўзига сўзловчининг талаффуз актидан то унинг атрофидаги адресат – тингловчи-нутқ иштирокчиларининг ҳис-туйғуларигача нутқий акт воситаси билан таъсир этиш актларини ҳам қамраб олади.

Сўзлаш (локутив) акти ўзининг қатор хусусиятлари билан бошқа актлардан ажралиб туради. Сўзлаш акти локутив актнинг намоён бўлишидир. Масалан:

– Хатини ҳам ололдингизми? – деди ва сабрсизланиб Содиқнинг оғзига тикилди. Содиқ юзига мағрур бир тус ва овозига музаффарият оҳанги бериб «хатини ҳам олдим» жавобини айтди. (А.Қодирий)

Сўзлаш актларида баён қилинган ахборот назарда тутилмайди, балки сўзловчи нутқига хос талаффуз акти эътиборга олинади. Локутив акт сўзлаш қоидасига алоқадор фаолият кўринишлари билан боғланади. Жумладан, сўзловчи бирор товуш, сўз ёки қурилмаларни талаффуз қилиш жараёнида уларга хос мувозанатни нутқ аппарати ёрдамида сақлашга интилади. Фонетик, лексик ва синтактик бирликларнинг сўзловчи томонидан меъёрий талаффуз жараёни локутив акт деб қаралади. Локутив актнинг моҳияти жумланинг маълум грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз қилиниши билан ойдинлашади. Юқоридаги *«хатини ҳам олдим»* жумласи талаффузи локутив акт сифатида хатини, ҳам, олдим сўзларининг маълум маъно ва референцияга эга эканлигидадир. Сўзловчи матнни талаффуз қилар экан, сўзлаш акти моҳиятига кўра маълум ахборот-прагматик мазмунни тингловчи-

[43] Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975. – С.251.

www.ziyouz.com kutubxonasi

га етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Нутқий актнинг локутив аспекти фақат товуш, сўз ва қурилмаларни маълум лексик ва грамматик қоидалар асосида тўғри талаффуз қилиш билан чегараланади. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, Ж.Остин локутив актни ички фарқланиш белгисига кўра уч гуруҳга ажратади: фонетик, фатик, ретик актлар. Сўзловчи учун маълум бўлган товушлар талаффузи фонетик акт ҳисобланади.[44] Товушлар талаффузи, бир жиҳатдан, юзага келаётган сўз маъноларининг тўғри ифодаланиши ва англанишида муҳим ўрин тутади. Иккинчи томондан, товушларнинг маълум акцент билан талаффуз қилиниши нутқда прагматик тўсиқ (шум) тушунчасини юзага келтиради. Бундай талаффуз услуби кўпинча нутқ субъектига хос баъзи маълумотларни ифода этади, бу эса пропозицонал мазмуннинг тўғри англаниши учун тўсиқ бўлади. Баъзи ҳолатларда ёзувчининг индивидуал услуби билан боғлиқ равишда ёки образнинг эмоционал ҳолатини кўрсатиш мақсадида товушлар талаффузи меъёрий ҳолатдан чиқарилади. Бундай усул образнинг руҳий ҳолатини аниқ тасвирлаш мақсадида қўлланади. Масалан:

Отабек мастларча кулди:

– Ммменга зарурати бўлмаса, кккимга зарурати бор?!

– Нима бўлганда ҳам, мен бу ишингиздан рози эмасман! – деди Ҳасанали... (А.Қодирий)

«Фатик акт эса товуш бирикмалари ва сўзларни маълум грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз этишдир».

Фатик акт турида маълум сўз ёки бирикмалар талаффуз қилинар экан, унда сўзловчи назарда тутган фикрнинг тўғри ифодаланиши ва англаниши учун зарурий грамматик қоидалардан фойдаланилади. Прозаик нутқда эга – иккинчи даражали бўлак – кесим шаклидаги жумлалар тартиби фатик акт учун асос қилиб олинади. Масалан: *«Қизинг ҳар ерда бўлса ҳам соғ бўлсин».*

Шеърий нутқ талаффузининг инверсия ҳодисасига асосланиши фатик акт учун меъёрий ҳолат саналади.

«Инверсия – бу компонентларнинг одатдаги ўрнини алмаштириш деганидир. Бундай ўзгаришлардан мақсад асосий фикрни биринчи ўринга чиқариб уқтиришдир».[45]

---

[44] Остин Дж. Слово как действие // НЗЛ. Вып.XVII. – М., 1986. – С.84.

[45] Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. – Фарғона, 1996. – Б.38.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўйлаб берай Зайнаб ва Омон
Севгисидан бир янги достон. (Ҳ.Олимжон)

Фатик актда сўзловчи нутқига хос грамматик қоидаларнинг намоён бўлиши ички маъно имкониятлари учун йўл очади. Нутқий актнинг айнан мана шу қисмидан сўзловчи нутқига хос фикрлаш даражаси сезила бошлайди. Фикрнинг юзага келиши билан ҳаракат ҳам содир этилади.

Ж.Остиннинг таъкидлашича, «У: *«Мен эртага ўша ерда бўламан»,* – деди» жумласи фатик акт саналади.

Ретик актда эса сўзловчи сўзлардан фойдаланиш жараёнида уларни маълум мазмун ва референция билан таъминлайди. Нутқий акт талаффузининг бошланишида сўзловчи муносабатининг англаниши ретик акт тушунчасини билдиради. Ретик актнинг бошланиши билан прагматиканинг чегараси намоён бўла бошлайди. Шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, сўзловчи ва тингловчи орасидаги вербал ҳамда новербал муносабатнинг объектив оламдаги ҳақиқийлик ёки ҳақиқий эмаслик даражалари мазмуний ифодасида прагматика моҳияти англанади. Ретик акт кишилар ўртасидаги алоқа-аралашув жараёнидаги билиш, ифодалаш ва англашнинг аниқ (объектив) ҳамда хусусий манфаатдорлик даражаси билан белгиланади. Ўзбекларда *«Бола тўғри гапиради»* иборасининг мавжудлиги ҳам бир-бир ярим яшар боланинг прагматик имкониятлари чегаралангани белгисидир.

«У эртага ўша ерда бўлишини айтди» жумласи ретик акт ҳисобланади.

«У: «Кет», – деди» фатик акт, чунки бу жумла талаффузида маълум грамматик қоидалардан тўғри фойдаланилган, қўлланган тиниш белгилари ҳам фатик акт талаффузида грамматик қоидаларга қатъий амал қилинганини кўрсатиб турибди. «У мени кетишим учун бақирди»[46] жумласи эса ретик акт саналади, чунки бу жумлани талаффуз қилиш жараёнида сўзловчи уни аниқ мазмун ва референция билан таъминлаган. Бу прагматик фактор билан боғлиқ равишда суҳбатдошларнинг билим захираларини ифодаловчи референция кўринишининг фарқланишидир.

[46] Остин Дж. Слово как действие // НЗЛ. Вып.XVII. – М., 1986. – С.84.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўринадики, фатик акт учун сўзловчи томонидан маълум сўз ва ибораларнинг грамматик қоидалар ёрдамида талаффуз этилиши асос деб қаралса, ана шу грамматик қоидалар асосида талаффуз қилинган ифодани маълум мазмун ва референция билан таъминлаш ва тингловчи томонидан унинг тўғри англаниши ретик акт ҳисобланади. Бу мураккаб жараённинг дастлабки қисми ифода ёки талаффуз акти деб номланади. Ифода акти орқали сўзловчи маълум товушларни нутқ аъзолари ёрдамида талаффуз этиб, ана шу талаффуз жараёнида сўз ва гапларни ҳосил қилиш учун маълум грамматик қоидалардан фойдаланади. Нутқ иштирокчилари сўз ва гапни аниқ референциал маъноси билан қўллаганлари натижасида ифода таркибида пропозиционал акт учун замин ҳозирланади.

Нутқда товуш ҳамда оҳангларнинг маълум яширин (иллокутив) мақсад билан қўлланиши натижасида муаллиф муносабатининг ифодаланиши фонопрагматик таҳлил объекти саналади. Лексема семасида прагматик семанинг ҳосил бўлишида фонетик жараёнлар (товуш ўзгариши, товуш орттирилиши, товуш тушиши, товуш иккиланиши ҳодисалари) алоҳида аҳамиятга эга. Лингвистик бирликлар таркибидаги товушларнинг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи маъноларни фонопрагматика тадқиқ этади.

1. Товуш ўзгариши билан. Бунга кўра, сўзда товуш ўзгариши билан лексема семасида прагматик маъно юзага чиқади. Масалан: *«Айланай, ўжими қижимдан!»* (сўзлашувдан). Бунда *«ўзим», «қизим»* сўзларидаги товуш ўзгариши билан эркалаш, суйиш маънолари юзага чиқади. Бу мисолда яширин мақсадли (иллокутив) вазифа асосидаги муносабатнинг ифодаланиши фонопрагматикага, нутқдаги талаффуз меъёри асосида социал мавқени тушуниб олиш социофонетикага, талаффуздаги тенгланиш ёрдамида «тил топишиш» каби маънолар, яъни имитация усули билан маълум бир образли маъно ифодалаш фоносемантикага тааллуқли бўлади. Нутқ муаллифининг нутқ объектига нисбатан ёш нуқтаи назаридан катта эканлиги, бир томондан, лисоний бирликларнинг мантиқли таҳлили асосида аниқланса, иккинчи томондан, талаффуздаги оҳанг ёрдамида уқиб олинади, бевосита мана шу жиҳатлар социофонетикага алоқадордир. «Социофонетика нутқ фаолиятига ижтимоий омилларнинг таъсирини, ҳар хил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ижтимоий гуруҳларнинг талаффузини ўрганувчи усуллари билан ижтимоий лингвистиканинг бир тармоғи ҳисобланади. Тилшуносликнинг кўпгина йўналиш ва тармоқлари орасидаги алоқадор нутқ фаолиятининг психо-физиологик ва акустик хусусиятлари, жамиятнинг ижтимоий табақалари орасидаги талаффуз меъёрлари, кишининг ҳар хил руҳий ҳиссиётларини уйғотиш, нутқ ва мусиқанинг боғланиши каби масалаларни ўз ичига олади».[47] Масалан, *«Мен ўрича билмайман».* (Саид Аҳмад) Мана шу ўринда персонаж нутқидаги «ўрисча» сўзининг *«ўрича»* тарзида талаффуз этилиши билан (айнан талаффуз асосида) унинг «содда», «қишлоқ қизи» эканлиги каби маънолар англаб олинади.

2. Товуш туширилиши билан. Нутқда товуш туширилиши ҳодисаси салбий ва ижобий хусусий муносабатни ифода этади, бу ҳолатлар нутқий вазият билан алоқадор бўлиб, нутқ субъектига хос прагматик маъно компонентларини ифода этади. Масалан, *«Қаернинг ҳандалаги, амак? – деди у олифтагарчилик қилиб».* (С.Аҳмад) Бу нутқда *«амаки»* сўзидаги «и» товушининг атайлаб туширилиши (баъзи диалектларда бундай товуш туширилиши табиий ҳисобланади, бироқ адабий тил нуқтаи назаридан қаралганда бу ҳолатлар ҳам муаллиф муносабатини ифодалашда катта аҳамият касб этади) билан «менсимаслик», «ўзини катта олиш» каби прагматик маънолар юзага чиқади.

3. Товуш алмашиниши билан. Товуш алмашиниш ҳодисаси асосида маъно ҳосил бўлиб, бу нутқ муаллифининг адресатга нисбатан салбий ёки ижобий муносабати билан боғлиқ. Масалан, *«Келиннинг исми Олимбой акага Ханка эмас, Ханги бўлиб эшитилди, шекилли, бир сакраб тушди».* (С.Аҳмад) Бу ўринда товуш ўзгартирилиши билан прагматик сема – *«бефаросат», «бақироқ»* маънолари ҳосил бўлган.

Фонопрагматик йўналишда сўзловчи ўзи ният қилган фикрни матн орқали ифодалар экан, унда матн структурасидаги сўзларнинг баъзи товушларини маълум ички мақсад асосида алмаштиради. Сўз таркибидаги товушлардан бирини бошқасига алмаштириш жараёнининг қайсидир мақсад учун хизмат қилишини фонопрагматик аспект тадқиқ этади.

---

[47] Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент, 1992. – Б.17.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Зойиржон ака дейман, бу дўппию каллапўшниям зўридан топибдилар-ку!

– Астағфирулло денг! – деди Зойирбой жаҳл билан.

– Каллапўшни...

– Гуллапўшни денг-э!

Баширжон ва тўпланганлар завқ билан кулишди. Чунки Зойирбой туғма кал бўлганлиги учун ҳам «кал» ўзаги билан бошланувчи барча сўзларни «гул» қўшиб айтар эди. (Н.Аминов)

4. Товуш орттирилиши билан. Нутқда товуш орттирилиши билан прагматик семанинг юзага келиши фоностилистик сатҳ билан боғлиқ бўлади. «... алоҳида тил босқичи бўлган лингвостилистика ўзининг аниқ бирликларига эга бўлмай, тил бирликларига у ёки бу экспрессив маъно бериш билан чегараланади... Одатда, тилдаги бирор стилистик хусусият лексик ёки грамматик жиҳатдан тўла намоён бўлмаса, уни фонетик жиҳатдан шакллантириш натижасида тўлдирилади».[48]

Товуш орттирилиши фоностилистик томондан нутқий оҳангдошликни ҳосил қилса, прагматик жиҳатдан муносабат ифодаловчи маъноларни юзага чиқаради.

5. Товушни иккилантириш билан. Товушни иккилантириш билан нутқда «таъкид», «пичинг» каби прагматик маънолар юзага чиқади. Масалан, *Неъмат ўрнидан туриб кетди.*

– Бас қилинг, ўртоқ Хўжжайип, гап тамом.

– Хўп, кечирасиз ўртоқ Баббаев, – дедим. (С.Аҳмад)

Прагматика ва унинг фонопрагматик йўналишини ўрганиш ўзбек тилшунослигида муҳим аҳамият касб этади. «Сўз тартиби, урғу, тиниш белгилари, феълнинг замон шакллари, ошкора ҳаракат (перфоматив) ифодаси формулалари коммуникатив ният (иллокутив)нинг кўрсаткич (индикатор)лари саналади. Коммуникатив ният кўрсаткичларининг коррект қўлланиши учун мувофиқ шароитнинг ўзаро фарқи қуйидагича:

1. Нормал шароитда мақсадли сўзлаш ва англашни амалга ошириш.

2. Пропозицонал мазмун шартлари.

3. Шартнинг киритилиши.

---

[48] Абдуазизов А. Кўрсатилган асар. – Б.16.

www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Коммуникатив ният актининг мувофиқлик табиати».[49]

Матннинг пропозицонал мазмуни ва коммуникатив ният актининг ифодаланишида фонетик бирликларнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд. Бундан ташқари, феълнинг замон шакллари ҳам нутқ субъектининг ошкора ва яширин коммуникатив ниятини юзага чиқарувчи морфологик (индикатор) кўрсаткичлар сифатида намоён бўлади. Сўзловчи коммуникатив ниятини ифода этадиган бундай шахс-сон, замон ва келишик қўшимчалари синтактик характердаги аффикслар бўлгани ва уларнинг матнда прагматик функция бажариши нуқтаи назарига кўра синтактик кўрсаткичлар сифатида баҳоланади.

Кўринадики, ҳар қандай прагматик функция бажарувчи бирликлар ўзининг аниқ сатҳига хос тушунчалар билан баён қилинади. Шу маънода фонетик сатҳга оид бирликларнинг нутқдаги прагматик функцияси фонопрагматик аспект доирасида таҳлил қилинади.

Лексопрагматика хусусида

Маълумки, лексеманинг ташқи шаклий жиҳати унинг моҳияти учун аҳамиятсиз бўлиб, систем тилшунослик лексемаларнинг ички мазмуний томонига асосий эътиборни қаратади ҳамда хусусийликларнинг умумлашмаси сифатида шакл ва мазмун алоқадорлигини таҳлил қилади. Бу фикр назарий адабиётларда ҳам алоҳида таъкидланади. Жумладан, «ташқи нутқнинг аниқ моддий шакли нутқ вазияти билан, сўзловчининг мақсад ва имкониятлари билан белгиланади... Систем-тилшунослик номемаларга кўп аҳамият бермайди. Номеманинг аниқ шакли нутқ шароити билан белгиланади ва у лексеманинг моҳиятига таъсир этмайди. Лексеманинг моҳияти унинг ички томони – семема орқали ва шунга кўра лексеманинг бошқа тил бирликлари билан муносабатга, алоқага киришуви орқали белгиланади».[50] Тилшуносликнинг алоҳида бўлими сифатида шаклланаётган психолингвистика,

[49] Забавников Б.Н. К проблеме структирования речевого акта (речевого действия) // Вопросы языкознания. – М., 1984. №6. – С.120.

[50] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи. 1995. – Б.55.

www.ziyouz.com kutubxonasi

коммуникатив тилшунослик, ижтимоий тилшунослик лингвогеография ва услубшунослик соҳаларини умумлаштирувчи лингвистик прагматика йўналиши, асосан, лексеманинг ички мазмуний томонига эътибор бериб, унинг нутқдаги прагмафункционал белгиларини тадқиқ этади. Шу жиҳати билан прагматика систем-тилшунослик йўналиши билан узвий боғланади. Лексеманинг ички мазмуний таркиби лингвистик прагматика учун моддий база ҳисобланади. «Тил лексемаларининг илмий тадқиқидаги асосий таянч нуқта бўлиб, лексемаларнинг ички томони семема ҳисобланган»[51] учун лингвистик прагматика ҳам, асосан, лексема семемалари юзасидан иш кўради. Бу йўналишдаги лингвистик прагматиканинг лексема семемаси билан боғланиши ва ана шу асосда иш кўриши хусусидаги тадқиқотлар ҳам мавжуд, уларда илгари сурилган ғоялар фикримизни тасдиқлайди.[52]

Тилшунос олимлар Ҳ.Неъматов ва Р.Расулов семема таркибий қисмларини аташ, ифода ҳамда вазифа семаларига ажратади. Бу семалар ичида ифода семаси айни прагматика учун тадқиқот объекти бўлади. Уларнинг таъкидлашича, аташ семалари объектив оламдаги нарса, буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни номлайди ҳамда киши хотирасидаги тушунчалар билан семалар алоқасини белгилайди. Сўз контекстда ўзининг функционал қўлланиш ўрнини ўзгартириши билан аташ семаси ўрнида сўзловчининг конкрет муносабатини баён қилувчи ифода маъноси биринчи даражали мавқени эгаллайди, натижада прагматик таҳлилга эҳтиёж сезилади. *Бу одам ташкилотнинг чинори.* Мазкур мисолда аташ семасини баён этувчи *«дарахт»* семаси ўрнида *«мустаҳкамлик»* маъноси билан намоён бўлувчи ифода семаси биринчи даражали мавқега эга. Олимлар бундай семаларни йўлдош-аташ семалари деб номлайдилар. Булар коннотатив маъно бўлганлиги учун ифода семалари таркибига киритиш, бизнингча, тўғрироқ. Чунки «ифода» сўзининг луғавий маъносида ҳар қан-

[51] Ўша жойда.

[52] Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988; Урисбоева Г. Производные слова в синтаксической и прагматической функции в современном русском языке: Автореф. дисс... канд. фил. Наук. – Ташкент, 1998; Тоҳиров З. Ўзбек тилида прагматик семаларнинг ҳосил бўлиши ва уларда субъектив муносабатларнинг юзага чиқиши: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1994.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай социал контекст мазмунини англаш мумкин. Бу ҳақда муаллифларнинг ўзлари ҳам тўғри таъкидлайдилар: «...чинор лексемасида эса ифода семалари семема таркибига кирмайди. Аммо нутқ вазиятида бу сўз ифода семаларига эга бўлиши мумкин».[53] Ифода семалари ҳам лексема парадигмасидан аниқланувчи семалар қаторига киритилиб, булар прагматиканинг фундаментал асоси ҳисобланади. Мазкур ифода семасига хос услубий бўёқ муносабат маънолари билан прагматик майдонда умумлашади.

Лексемалар семемасининг тузилишига кўра турли даражадаги маъно нозикликларига эга. Улар нутқдаги прагмасемантик вазифасига кўра уч гуруҳга ажратилади: бетараф (нейтрал), услубий бўёқдор ва нутқ вазияти билан алоқадор ишора вазифасини бажарувчи шаклан лексема, мазмунан эса ичи бўш сўзлар, яъни мазмуни кишилар хотирасидаги тушунчалар билан боғланмайдиган сўзлар (бу, шу, у, ўша, ҳамма)дир.

Лингвистик прагматиканинг лексикология соҳаси билан муносабати унинг қуйидаги масалаларида аниқ кўринади:

1. Лексема семемасининг таркибий қисмларида нейтрал, услубий бўёқдорлик ва уларнинг нутқдаги қўлланиш вазифасига кўра ҳис-ҳаяжон белгилари (лексема семемасига хос ҳис-ҳаяжон семантикаси)нинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан лингвистик прагматиканинг захираси саналади. Буларнинг барчаси нутқдаги функционал қўлланишда сўзловчининг муносабатини ифодалаш вазифасига кўра эмоционал ва нейтрал прагматик майдонга умумлашади.

2. Озиқ-овқатни истеъмол қилиш даражасига кўра лексема семемасида миллий ўзига хосликнинг прагматик фарқланиши. Ўзбеклар учун *«Қўй гўштини ким севмайди!»* руслар учун *«Чўчқа гўштини ким севмайди»*, японлар учун *«Илон гўштини ким севмайди!»* мазмунидаги қараш миллий ўзига хосликни ифода этганидек, айни шу лексема семемасига хос йўлдош-аташ семаси билан прагматик вазифа бажарувчи қўзичоқ, поросёнок, илонча wata shi no hebicha – илонча, watashi no hebi – менинг илончам сўзлари ҳам тилга хос миллий ўзликни ифода этади.

Ўзбеклар учун суйиш-эркалаш маъноси: қўзичоғим. Руслар учун суйиш-эркалаш маъноси: чўчқачам (поросёнок). Японлар учун суйиш-эркалаш маъноси: илончам.

---

[53] Кўрсатилган асар. – Б.61.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўзларни анормал қўллаш билан уч миллат учун умумлашган «суйиш-эркалаш» маъноси «ҳақорат» маъноси билан алмашади: ўзбеклар учун *чўчқачам* ёки *илончам*, руслар учун *қўзичоғим (баран)* ёки *илончам*, японлар учун *қўзичоғим* ёки *чўчқачам*. Лексик бирликларнинг прагматик хусусиятлари, биринчидан, луғавий структурада мавжуд бўлиб, ижобий ёки салбий бўёғи прагматик маънони шакллантириш учун хизмат қилади. Иккинчидан, сўзнинг денотатив маъноси базасида коннотатив структура шаклланиб, сўзловчининг объектив борлиққа ва ўзи айтаётган фикрга муносабатини ифодалашга асосланган прагматик структурани юзага келтиради. Учинчидан, нутқ вазияти ва контекст билан боғлиқ ҳолда луғавий бирликлар таркибида прагматик маъно юзага чиқиб, модусни ифодалайди.

3. Лексема семемасининг прагматика йўналиши билан боғланишининг учинчи жиҳати лексема семемасининг кишилар хотирасидаги тушунчалар билан боғланиш даражаси мавжуд ёки мавжуд эмаслиги. Бунга кўра, «семеманинг онгимиздаги тушунчалар билан боғланиши фақат мустақил лексемалардагина юз беради. Ундов, тақлидий сўзларда, ёрдамчи лексемаларда, олмошларда эса бундай боғланишни кўрмаслигимиз»[54] уларнинг прагматика билан алоқасини кўрсатиб, прагматик тадқиқ ва талқин этишни талаб қилади. Лексемаларга хос мазкур белгилар тилшуносликнинг лексикология сатҳи ва прагматиканинг ўзаро муносабатини ифода этади.

Олмош ва атоқли отларнинг прагмасемантик табиати

Маълумки, тилшуносликка оид назарий адабиётларда олмош сўз тури хусусида бошқа сўз туркумларига нисбатан ноанъанавий лисоний қарашлар мавжуд. Бундай қарашлар, албатта, олмош туркумига хос сўзларнинг лингвистик табиатига боғлиқ ҳолда шаклланади. Ички бўш сўзлар – маъно қобиғи бўш сўзларга олмошлар ва атоқли отлар киритилади. Олмош ва атоқли отлар прагматик функцияга эга бўлиб, матн ичида маълум нутқ вазияти билан алоқадор маъно оттенкалари билан тўлдирилади. Айнан

[54] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.57.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқ вазияти билан боғлиқ маъно оттенкалари матнда прагматик функция бажариш учун хизмат қилади. Табиий равишда савол туғилади. Биринчидан, нима учун олмош ва атоқли отлар «ичи бўш» сўзлар деб қаралади? Иккинчидан, прагматиканинг муаммоси сифатида уларнинг қандай белгилари ёки хусусиятлари асос қилиб олинади? Бу саволларга жавоб топиш учун олмош ва атоқли отларга хос мавжуд назарий қарашларни ёдга олишимиз табиийдир. Фақат шундагина уларни прагматик таҳлил қилиш мумкин. Жумладан, «Олмош предмет ёки белгини конкрет кўрсатиб бермайди. Олмошларнинг қайси сўз туркуми ўрнида қўлланиши грамматик боғланган нутқ жараёнида конкретлашади».[55] «Олмошнинг маъноси ноаниқроқ, умумийроқ бўлади. Олмошлар предмет, унинг белгиси ва миқдорини англатмай, фақат уларни кўрсатиш, уларнинг мавжудлигини билдириш учун хизмат қилади. Олмошнинг қайси сўз туркуми ўрнида келганлиги кўпинча контекстдан, олдинги гаплардан англашилади. Олмошларнинг кўплари алоҳида олинганда жуда умумий, абстракт характерга эга бўлади».[56] Олмош туркумига хос бундай талқин «Ўзбек тили грамматикаси»да ҳам учрайди. Бу назарий қўлланмада таъкидланишича, олмошлар маъно жиҳатидан бошқа мустақил сўзлардан маълум даражада фарқ қилади. Улар предмет, белги ва миқдор маъноларини тўғридан-тўғри ифодаламайди, балки бошқа предметнинг белги ва миқдор тушунчалари билан боғланиб, у ёки бу муносабатга киришган ҳолда ифодалайди. Олмошнинг конкрет маъноси контекст, ситуация – нутқ жараёнида иштирок этувчиларнинг муносабатига қараб конкретлашади.[57] Бу талқинлардан шуни аниқ сезиш мумкинки, олмош бошқа сўз туркумлари каби ўзининг конкрет маъносига эга эмас. Фақат нутқий вазият ва контекст қуршовида олмош туркумига хос сўзларнинг маъноси конкретлашади. Демак, олмошлар ўзининг лексик-семантик ҳамда грамматик белгиларидан ташқари яна бошқа қатор хусусиятларга эгаки, бу уни тилдаги янги бир йўналиш асосида тадқиқ этиш имконини яратади.

---

[55] Ҳозирги замон ўзбек тили / Фахри Камол таҳрири остида. – Тошкент, 1957. – Б.385.

[56] Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1965. – Б.46.

[57] Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. – Тошкент, 1975. – Б.332.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олмош туркумига хос сўзларнинг энг характерли томони шундаки, гарчи унинг маъно ифодалаш қобиғи пуч бўлса-да, бироқ бу туркумдаги сўзлар мустақил сўз сифатида бошқа мустақил сўзлар қаторига қўйилган барча талабларга жавоб беради ва мустақил сўз табиатига мос тушади. Сўзларни туркумларга ажратиш тамойилларига кўра, олмошлар мустақил ҳолда саволга жавоб бўлади, ўзи алоҳида гап бўлаги вазифасини бажаради ҳамда мустақил равишда лексик маъно ифода этади. Мана шу шаблон талаблар олмошларнинг ҳам мустақил сўзлар қаторида тўғри тасниф қилинганини кўрсатади. Бироқ олмош туркумига хос сўзларнинг семантик таҳлили уларнинг нутқ вазияти билан узвий алоқадор эканлигини кўрсатади. Демак, прагмалингвистика нутқ вазияти билан боғланган сўзларни янги тадқиқ этиш йўналишини белгилаш ва уларнинг тилдаги лингвистик ўрнини кўрсатишни шу куннинг долзарб вазифаси қилиб қўяди.

Сўзларни туркумларга ажратишнинг тил системаси билан боғлиқ янгича талқини фақат контекст, нутқ вазияти таъсирида маъноси ойдинлашувчи сўзларнинг прагматик хусусиятлари тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Нутқ вазияти ва контекст билан боғлиқ сўзларнинг янгича талқин ва таснифида «Нарса ва ҳодисаларни номлаш нуқтаи назаридан исмлар икки даражага бўлинади. 1. Бирламчи номлар (нарса отлари, белги отлари, миқдор отлари) ва феъллар. 2. Иккиламчи номлар. Иккиламчи номларга атоқли отлар (антропоним, топоним, гидроним, ороним ва ҳоказо) ва олмошлар киради. Бу икки туркум борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни бевосита номламайди. Олдин номланган нарсаларни бир-биридан ажратади ёки уларга ишора қилади. Бу жиҳатдан атоқли от ва олмошлар аташ маъносига эга бўлмаган «ички бўш» сўзлар сифатида ўзаро умумийликни ҳосил қилади. Лекин атоқли отлар фақат нарса отларини бир-биридан ажратиш учун қўлланилса, олмошлар барча сўз шаклларини ўрнида алмашиниб келиб, уларга ишора қилиш ҳамда оғзаки ва ёзма матн таркибидаги матн қисмларини боғлаш вазифасини бажаради».[58] Шунинг учун баъзи лингвистик адабиётларда олмошнинг юқоридаги бошқа сўз туркумларидан фарқланувчи қирралари алоҳида

[58] Нурмонов А., Саримсоқов Б. Тил системасида сўзнинг ўрни ва сўзларни туркумларга ажратиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. №5. – Б.22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

таъкидлангани ҳолда, бу белгилар лингвистик планда таҳлил қилинади. Жумладан, «олмошлар предмет, белги ёки миқдорнинг аниқ номини билдирмай, улар ўрнида қўлланади. Олмошларнинг аниқ маъноси матн вазияти – нутқ жараёнида иштирок этувчиларнинг муносабатига қараб конкретлашади. Демак, матнсиз олмошларнинг маъноси – нимани кўрсатиши номаълум бўлиб қолади.[59] Маълумки, тилшунослик фанининг услубшунослик йўналиши сўзловчининг индивидуал услуби билан боғлиқ ҳолда лингвистик прагматикага яқин туради, ҳатто айрим ҳолларда бир нутқ предмети хусусидаги ахборот услубшунослик учун ҳам, прагматика учун ҳам бирдай тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиниши мумкин. Олмош туркумига оид сўзларнинг услубий белгилари хусусида тўхталишнинг ўзи бу сўзларнинг лингвопрагматик таҳлили учун янги бир йўл очади. Олмошларнинг мавҳум маъно ифодалаши ва конкрет маъносининг нутқ вазияти, контекстдагина намоён бўлиши уларнинг лингвистик прагматика йўналиши билан боғланишининг бошланғич белгиларидан бири сифатида қаралади. Аммо муаммонинг бевосита прагматика масалалари қаторига киритилиши шу йўналиш масалалари билан шуғулланган ҳар қандай тадқиқотчида шубҳа туғдиради. Қатор матнларни таҳлил қилиш натижасида олмошнинг конкрет маъноси фақат нейтрал ифода имконияти билан чегараланганига гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, прагматика масалалари нейтрал муносабат билан бирга кўпроқ ошкора ва яширин, ижобий ва салбий, қўпол ва мулойим (социал муносабат), баланд ва паст (прагматиканинг фоносемантик аспекти) муносабат шаклларини ифода этади. Шу маънода қараладиган бўлса, олмошларга хос лингвистик таҳлил фақат социолингвистик этикет шакллари сифатида соф маънодаги прагматик муаммолар қаторидан ўрин эгаллаши мутлақо тўғри бўлади.

Агар лингвистик прагматика масалаларининг асосий қисмини ҳис-туйғу семантикаси ташкил қилади деган қараш мутлақ тўғри бўлса (бундай қараш, асосан, Колшанскийга тааллуқли), олмош туркумидаги сўзларнинг субъект ҳис-туйғусини акс эттириш даражаси баъзи бир сўзларни ҳисобга олмаганда йўқ ҳисоб. Шу маънода қараладиган бўлса, олмошларнинг лингвистик праг-

[59] Қиличев Э. Ўзбек тилининг амалий стилистикаси. – Тошкент, 1992.

www.ziyouz.com kutubxonasi

матикага умуман дахли йўқдек туюлади. Бироқ бу туркумдаги сўзларнинг матндаги функционал ҳаракатланиш даражаси ёки уларнинг ифода қилиш вазифаси мавжудлиги бу туркумдаги сўзларни прагматик тадқиқ этиш имконияти борлигини кўрсатади. Олмошларни тадқиқ этишда масаланинг энг муҳим жиҳати шундан иборат бўлиши керакки, ўзбек тилига хос лингвистик адабиётлардаги мавжуд назарий қарашлардан фарқли равишда, олмошга хос прагматик хусусиятлар намоён бўлиши шарт.

Олмош туркумидаги сўзларнинг мавҳум, ноаниқ маъно ифодалашини қуйидаги мисолларни қиёслаш асосида кўриш мумкин:

1. Предметнинг номини билдирувчи сўз:
нон, уй, дафтар.
2. Предметнинг белгисини билдирувчи сўз:
яхши, ширин, катта.
3. Предметнинг миқдорини билдирувчи сўз:
бир, тўрт, учовлон.
4. Ҳаракатнинг белгисини билдирувчи сўз:
тез, кўп, оз, яна.
5. Олмош сўз туркумига оид сўзлар:
биз, у, шу, нима, ҳамма, ўз.

Кўринадики, фақат олмошгина нутқ вазиятини, нутқ кўринишини талаб қилади. Олмошда уларнинг маъноси фақат контекст билан, ижтимоий муҳит ва нутқ вазияти билан ойдинлашуви кўзга яққол ташланади. «Семеманинг тушунчалар билан боғлиқлиги фақат мустақил лексемалардагина юз беради. Ундов, тақлидий сўзларда, ёрдамчи лексемаларда, олмошларда эса бундай боғланишни кўрмаймиз».[60]

Олмошлар шунинг учун соф маънода лингвистик прагматиканинг бош масаласи сифатида талқин ва тадқиқ этилиши зарур. Ч.С.Пирс термини билан айтиладиган бўлса, лингвистик прагматиканинг классик масалаларидан бири индексиал ифодаланиш ёки дейксис тушунчасидир. Ч.Морриснинг тушунтириши бўйича эса дейксис муаммоси прагматика таркибига кириб, дейктик элементлар мазмуни сўзнинг қўлланиш вазиятига боғлиқ бўлади.[61] Шунинг учун олмош туркумига хос сўзлар индексиал белгилар сифатида

[60] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси. – Тошкент, 1995. – Б.52.

[61] Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.15.

www.ziyouz.com kutubxonasi

дейктик элементлар ҳисобланади ва уларга хос денотатни контекстсиз аниқлаб бўлмайди. Фақат нутқий вазиятни тўлиқ қамраб олган нутқий акт кўринишларигина дейктик элементлар денотатини очиш учун хизмат қилади. Ўзбек тилшунослигида ҳам индексиал белги вазифасини бажарувчи сўзлар «ҳавола бўлак» атамаси билан юритилади. Н.Маҳмудовнинг таъкидлашича, «дейксис белгиларнинг моҳияти шундан иборатки, улар мазмунни – воқеа, белги, нарсаларни бевосита ифодаламайди, балки уларга ишора, ҳавола қилади, шунга кўра, уларни мазмунан кучсиз, бўш сўзлар сифатида қараш мумкин. Олмош ва нисбий сўзлар»[62], атоқли отлар дейксис белгилар бўлиб, контекстда улар ҳавола бўлак сифатида вазифа бажаради. Олим қайд қилганидек, ҳавола бўлак ўз табиатига кўра, ҳар қандай контекстда синтактик ўрни шаклан тўлиқ бўлса ҳам, мазмунан нотўлиқ бўлади. Олмошлар ана шундай сўзлар сифатида прагматик қимматга эга. Масалан:

Бу одам нега очиқ ярадай ел ўтса ҳам жизиллаётибди? Наҳот, бу одамни фақат Усмонжон масаласи, фақат нафсоният шу кўйга солган бўлса! (А.Қаҳҳор)

Юқоридаги контекстда бу олмоши синтактик жиҳатдан шаклан тўлиқ бўлса-да, бироқ мазмунан бўш сўз – ҳавола бўлак сифатида аввалги контекстга ишора қилиш вазифасини бажаради.

Олмошларга хос энг қизиқ ҳолат шундаки, уларни индексиал белги – ҳавола бўлак сифатида йўл кўрсатувчи сўзлар деб ҳам аташ мумкин. Чунки улар контекст жипслигини таъминловчи сўзлар саналади. Олмошларда муносабатнинг контекстдаги ифодаланиш даражаси – майл, модус тушунчаси ва коммуникатив ниятнинг семантик белгиларга хос ўта нейтрал хусусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу жиҳатдан қараладиган бўлса, олмошларнинг лингвистик прагматикага умуман дахли йўқдек туюлади. Бироқ ҳавола бўлакларнинг матндаги нутқий вазиятнинг мукаммаллигини сақлаш вазифаси ҳар қандай майл, модаллик ва коммуникатив ниятнинг ошкора ва яширин ифодаланишининг бош лингвистик омили саналади. Шу маънода олмош ва атоқли отларни прагматиканинг муҳим муаммолари сифатида талқин ва тадқиқ этиш жуда ўринли.

---

[62] Маҳмудов Н. Эргаш гапларнинг табиати ва таснифи масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. №3. – Б.18.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Олмошлар ҳавола бўлак сифатида матнда бажараётган вазифасига кўра қуйидаги таснифий белгилардан иборат бўлади.

1. Матн қисмлари ўртасидаги ўзаро синтагматик муносабатни таъминлайди. Бунда матн элементлари ўртасидаги когерентликни юзага чиқариш учун хизмат қилади.

2. Матннинг аввалги қисмига ишора қилиш вазифасини бажаради. Бунда у контекстуал яхлитликни таъминлайди ва дейктик ифодалар турига киритилади.

3. Олмошларнинг конкрет маъноси нутқ вазиятида аниқ бўлади.

4. Олмошлар матнда шаклий семантика йўналишини юзага келтиради. Шаклий семантика тушунчаси матндаги сўзнинг мазмунан нотўлиқ бўлса ҳам, шаклан барча грамматик талабларга жавоб беришини кўрсатади. *Сиз шуни билиб қўйингки, душманлар ҳеч қачон юртимизга бостириб киролмайди.* (Газетадан)

Олмошларнинг биринчи даражали функцияси сўзловчи, тингловчи ва кузатувчи шахс маъноларини ифодалаш билан характерланади. Ҳар қандай нутқда нутқ субъекти, нутқ адресати ҳамда нутқ предмети хусусидаги ички семантик оттенка кўрсаткичлари сезилиб туради. Булардан эса шахс маънолари англашилади. «Хабар қилинаётган фактнинг пропозиция субъекти сифатида сўзловчининг барча хусусий ифода имкониятида субъектга хос парентетик қўшилишлар (масалан, кириш конструкциялар), шунингдек, экспрессив ва модал баҳо кўринишларини хусусийликнинг ягона коммуникатив прагматик категорияси доирасига киритиш мумкин».[63] Бундан англашиладики, хусусийликнинг ифодаланиш усули асосан икки кўринишдан иборат бўлиб, унинг биринчиси ошкора (эксплицит) ва иккинчиси яширин (имплицит) деб номланади, ҳар иккисида ҳам шахс маъноси намоён бўлиб, булар яширин кўрсаткич сифатида сўзловчи, тингловчи тушунчалари билан ифодаланса, шахс тушунчасининг ошкора кўрсаткичлари олмош туркумидаги сўзларнинг нутқдаги қўлланиши билан белгиланади.

В.В.Химикнинг таъкидлашича, ошкора хусусийлик тушунчаси алоҳида ифода ёки яхлит матнларда шахс манбасининг тиклани-

[63] Химик В.В. Категория субъективности и её выражение в русском языке. – Л., 1990. – С.3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши билан намоён бўлиб, хабар баён қилувчи нутқ субъекти саналади. Демак, хусусийлик тушунчаси кенг маънода сўзловчининг турли йўналишдаги тасаввурларидир.[64]

Кишилик олмошларига хос прагматик белгилар

Кишилик олмошлари: «мен», «сен», «у», «биз», «сиз», «улар» шахс маъносини ифода этувчи махсус сўзлардир. Бу сўзлар матн таркибидан ажратиб олинганда конкрет маъно ифода этмайди. Шунинг учун бундай сўзлар контекстда берилади:

Эргашов – мажлис раиси лабини бурди ва бош чайқаб:

Мен ҳеч қандай мақола ёзган эмасман, сизга ҳеч нарса деганим йўқ, – деди. (А.Қаххор)

Кишилик олмошлари сўзловчи – нутқ субъекти, тингловчи ҳамда учинчи шахс маъносини ифода этувчи махсус сўзлардир. Булар олмошларга хос семантик маъно деб юритилган. Олмошга хос прагматик маъно «мен» ёки «биз» шаклининг субъектни ифодалашдан ташқари қўшимча «манманлик» маъносида қўлланиши билан характерланади. Жумладан:

– Мен ўқитган жувонларнинг ҳаммаси ҳам кам бўлгани йўқ! – деди Ҳуринисо керилиб. – Тожихонни кечки мактабда ўқитганман! (А.Қаххор)

– Мен колхозни опичлаб катта қилганман! Колхознинг дарди қаерда, қитиғи қаерда эканини мен биламан! Академиядан келадиган мўйсафид олимлар ҳам аввал менга учрайди, мен билан суҳбатлашиб, ундан кейин хўжаликни кўради. Колхоз тўғрисида китоб ёзганман. (А.Қаххор)

Бу матнларда «манманлик» маъноси «мен» кишилик олмоши воситасида баён қилинган.

Айрим ўринларда «мен» ўрнида «биз» кишилик олмоши қўлланиб камтарликни ифодаласа, баъзи ҳолларда бу маъно киноя, кесатиқ билан алмашади ҳамда баён қилинган маънонинг таъсир этиш даражасини кучайтиради:

– Бутун бир рўзғорни кўтарган туяга битта элак оғирлик қилган экан. Бизнинг жиянимиз тўғрисидаги арзимайдиган ма-

[64] Химик В.В. Кўрсатилган асар. – С.3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

салани пардозлаб кеча мажлисга солганингиз менга унча ботмай турибди. Ўн бир яшар қиз болани эгов қилиб, бизнинг обрўйимизни эговламасангиз ҳам бўлар эди. Бу тўғрида мактаб директори, ўқитувчилар гапирса, ўзимга олмас эдим, нега десангиз маҳмаданалик касби. (А.Қаҳҳор)

Маълумки, назарий адабиётларда таъкидланишича, соф кишилик олмошлари фақат шахсни кўрсатади, улар сўзловчи ва тингловчини ифодаловчи олмошлардир.[65] Бу, албатта, тўғри фикр. Соф кишилик олмоши шахс маъносини ифодалашдан ташқари ўша шахс билан боғлиқ ҳодиса ва предметларни ҳам ифода эта олади:

Қаландаровнинг жағи қимирлаб, томирлари бўртди, қулоқларигача қизариб кетди. У энгашиб этигининг қўнжисини тортар экан:

– Бизнинг устимиздан арз қилмаган одам қолмабди-да... жиноятимиз кўп, майли, пешонамиздан кўрдик! – деди. (А.Қаҳҳор)

Бу матнда «биз» олмоши «мен» кишилик олмоши ўрнида қўлланиб, сўзловчи назарда тутган маънони кучайтириш учун хизмат қиляпти. «Мен» ўрнида «биз» олмошининг қўлланиши, биринчидан, сўзловчи шахснинг ўзини муҳофаза қилиш мақсадида «*мен ва колхоз*» тушунчасини ифодалаш бўлса, иккинчидан, атрофдагиларга нисбатан «катталик» маъносини ифодалашдир. Бу «*мен бошлиқ бўлишимга қарамасдан, устимдан арз қилишибди-да*» маъносида. «Сен», «сиз» олмошлари коммуникатив вазият билан боғлиқ равишда нутқ субъекти ҳамда тингловчи орасидаги яқинлик, ҳурмат маъносини ифода этади:

Эртадан кейин... биринчи масала қилиб сизнинг ҳисобингизни қўйсак яхши бўлар эди.

– Майли, – деди Қаландаров мамнун бўлиб. – Сен, сизлар шунча иш қилганда, мен беш-ўн минут жавраб берсам нима қипти! (А.Қаҳҳор)

Кўрсатиш олмошлари ўз номи билан шахс, предмет ёки белгини кўрсатади ҳамда матн қисмларини боғлаш учун хизмат қилади. Бундан ташқари, кўрсатиш олмошлари нутқ вазияти таъсирида сўзловчининг тингловчига муносабатини ифода этади:

---

[65] Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. 1975. – Б.336.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Одамларнинг гап-сўзи, муомаласидан Саида бу ерга бир неча марта келганини, булар орасига киришиб кетганини пайқаб Қаландаровнинг ғаши келди. У косани бўшатиб, яна ярим чўмич сўради: иккинчи косани ҳам мақтаб-мақтаб ичар экан, Саидани бу одамларга бегона тоифадан қилиб кўрсатмоқчи бўлди:

– Ошдан ичмадингиз-а... Буларнинг овқати оғзингизга ёқмади... ёқмайди! (А.Қаҳҳор)

Шу олмоши нутқ субъектининг тингловчига бўлган қатъий салбий муносабати асосидаги камситиш маъносини ифода этади.

– Тўғри, лекин деҳқоннинг меҳнати бошқача... деҳқон йил – ўн икки ой, қишин-ёзин меҳнат қилади! – деди Қаландаров Саидани буткул нодонга чиқарган бир оҳангда.

– Қайси фабрика, қайси завод ёки шахта қиш ёки ёзда тўхтаб қолади? – деди Саида.

Қаландаровнинг даъвосига қарши бундай жавоб ҳеч кимнинг эсига келмаган бўлса керак, ҳамма кулиб юборди ва Саиданинг гапини маъқуллади.

Қаландаров ичида ўзини сўкди: «Шу маҳмадана билан сўз уриштириб нима обрў топар эдим, нима кераги бор эди?» – деди... (А.Қаҳҳор)

Ўзлик олмоши ўз сўзи билан ифодаланиб, бу сўзнинг маъноси ҳам нутқ вазиятида ойдинлашади. Ўз сўзига -лар қўшимчасини қўшиб қўллаш билан матнда пичинг, кесатиқ маънолари баён қилинади.

Қаландаровнинг рўй-рост аччиғи келиб, чакка томирлари бўртди.

– Ўзлари биладилар, – деди истеҳзо билан, ҳар кимда ҳам битта-иккита мажлисга еткулик гуноҳ топилади. Аввал сизни секретарликка сайлайлик, ундан кейин нима қилсангиз қилаверасиз! (А.Қаҳҳор)

«Ҳамма» олмоши, одатда, жамлик маъносини ифода этиб, «бу олмошнинг ўзагида кўплик маъноси ётганлиги учун эгаликнинг бирлик формаларини олганда ҳам кўпликни ифодалайди: *Эртага ҳамманг бир тангадан пул олиб келасанлар.* (Ойбек)»[66] Ҳамма олмоши ўз семантик тузилишида жамлик маъноси билан бирга маълум миқдорда «сизлаш» оттенкасига ҳам эгадир. Бу оттенка сўз таркибида жамлик-кўплик маъноси бўлгани ҳол-

[66] Ўзбек тили грамматикаси. I қисм. – Тошкент, 1975. – Б.354.

www.ziyouz.com kutubxonasi

да унинг бирлик II шахс шаклида қўлланиши семантик зидликни юзага чиқаради, натижада сўзнинг ғайриодатий ва индивидуал услубий қўлланиши юзага келиб, сўзловчининг тингловчига муносабати баён қилинади:

«...Тўравой бува ҳалол, ҳақиқатгўй, айни пайтда, чўрткесар, муомаласи терс киши эди. Болалик хотирамда энг мустаҳкам сақланиб қолган хислати шуки, у камдан-кам одамни сизлар эди. Бошқалардан эшитишимча, бригадирлик вақтида у колхозчилар ишлаётган жойга бориб, «ҳорманглар» десам сизлаганга ўтади деб хавфсираб: «Ҳорма ҳамманг!» – дер экан». (С.Мўмин)

Умуман, олмошлар предмет, белги, миқдор билдирувчи номларни қайта номлаш учун хизмат қилади ва буларнинг маъноси нутқ вазияти, контекст таркибида ойдинлашади. Иккинчи жиҳати олмошлар нутқ вазияти билан боғлиқ ҳолда нутқий этикет шаклларидан бири сифатида сўзловчининг тингловчи ҳамда нутқ иштирокчиларига муносабатини ифода этади.

Атоқли отлар ҳам ўзида лексик маъно ифодалаш ва ишора қилиш функциясини бажариш нуқтаи назаридан олмошлардек номинатив қимматга эга. «...Атоқли отлар логик жиҳатдан *бу, шу, у, ўша* каби кўрсатиш олмошларига жуда яқин туради. Чунки атоқли отлар ҳам, бундай кўрсатиш олмошлари ҳам семантик жиҳатдан «тўқ» эмас, яъни уларнинг ҳар иккаласи ҳам муайян объектни бевосита ифодаламайди, балки айни объектларга ишора қилади, уларни кўрсатади».[67] Атоқли отлар объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни бевосита номламайди. Жумладан, ҳар қандай атоқли отлар бирини иккинчисидан фарқлаш маъносида иккиламчи номланиш ҳисобланади. Объектив нуқтаи назардан қараладиган бўлса, одам, киши, инсон каби номлар жонли зот учун умумий бирламчи номланиш ҳисобланади. «Иккиламчи номларга атоқли отлар киради... Бу жиҳатдан атоқли отлар... аташ маъносига эга бўлмаган «ичи бўш» сўзлар сифатида ўзаро умумийликни ҳосил қилади, атоқли отлар фақат нарса отларини бир-биридан ажратиш учун қўлланади».[68] Атоқли отларнинг конкрет маъноси ҳам

---

[67] Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986. №6. – Б.30.

[68] Нурмонов А., Саримсоқов Б. Тил системасида сўзнинг ўрни ва сўзларни туркумларга ажратиш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1999. №5. – Б.22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

контекстда намоён бўлади. Жумладан, маълум матн таркибидаги ахборотнинг тўғри бўлиши ва тўғри англаниши учун атоқли от ҳисобланган ном – одам ҳақидаги реал маълумот сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам маълум бўлиши лозим. Сафар исмли шахс ҳақидаги барча маълумот нутқ иштирокчиларига нутқ моментига қадар маълум бўлиши шарт.

... Жиловхонага тўртинчи киши кириб келди. Буниси жиккак, қирқ билан эллийнинг ораси, елкаси туртиб чиққан Сафар бўзчи исмлик эди. Имомга салом бериб, сўфининг ёнига ўлтурди ва сўзга бир оз қулоқ солғоч тушунар-тушунмас баҳсга аралашиб қолди. (А.Қодирий)

Хуллас, олмош ва атоқли отлар нарса ва ҳодисаларни бевосита номламайди, уларга ишора қилади. Уларнинг маъноси, биринчидан, нутқ вазияти билан боғлиқ равишда конкретлашади. Иккинчидан, маънонинг конкрет ифодаланиши учун сўзловчи ва нутқ иштирокчилари аниқ прагматик билимларга эга бўлиши шарт.

Морфопрагматика ва прагмасинтактик талқин

Прагматика тушунчаси ғоят кенг бўлиб, у тил сатҳлари нуқтаи назаридан иерархик қисмларга ҳам ажратилиши мумкин. Модус назарияси билан узвий боғланган «субъектив баҳо сўзловчининг объектив борлиққа ва ўз нутқига ижобий ёки салбий муносабатининг ифодаланишидир. Бу махсус текшириш объекти».[69] Сўзловчининг мавжудликдаги воқеликка муносабатини ифода этувчи морфологик воситалар морфопрагматик йўналишни ташкил этади. Чунки морфопрагматика сўзловчининг ички нияти билан алоқадор мақсадни тадқиқ этишга қаратилган тилшуносликнинг янги йўналишларидан биридир. Масалан, *йигитча, ўрнингиздан туринг-чи* жумласида ўткир кесатиқ маъносининг мавжудлиги сўзловчи шахс ниятини юзага чиқариш учун хизмат қилади. Шу маънода бундай мазмуний шаклдаги ҳодисалар морфопрагматик аспектда таҳлил қилинади.

[69] Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.42.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назарий адабиётларда таъкидланишича, прагматизация дескриптив бўлмаган сўз маънолари базасида ривожланган дейилса, Э.Сепир мақолаларида бу жараённинг манбаси бошқа томондан кўрсатилади. Сифатларнинг қиёсий даражаланишига оид реляцион маъно – прагматизациянинг асоси деб қаралади.[70] Кўринадики, морфологик сатҳга оид лингвистик воситаларнинг сўзловчи муносабати билан боғланишининг ўзиёқ морфопрагматикага йўл очади. «Лексемаларнинг ҳаммасида ҳам тушунчалар билан боғланиш мавжуд бўлмайди. Булар шаклан лексема, мазмунан эса қўшимчадир».[71] Бунинг далили сифатида «синтактик боғловчилар луғавий маънога эга бўлмаган ёрдамчилар»[72] эканлиги хусусидаги фикр ҳам тасдиқлангани ҳолда, муаллиф унга қарши қарашни ҳам баён этадики, албатта, бу тўғридир. Жумладан, «икки ёки ундан ортиқ ёрдамчи сўзлар ёнма-ён (плеонастик) қўлланганда улардан бири, одатда, боғловчи характеридагиси, нутқий-прагматик қиймат касб этади, натижада сўзнинг боғловчи категориясига хос грамматик вазифавий хусусиятлари инкор этилади».[73]

Нутқ субъекти аниқ бўлгани ҳолда, сўзловчи ўз ички мақсадини нутқда баён қилиш учун аниқ нисбат ўрнида мажҳул нисбат шаклидан фойдаланади. Бундай усул индивидуал ўзига хосликни ифода этишда муҳим ўрин тутади. *Биров олиб кетса, қайтиб кела бер деб қўйилмаган экан-да! Нега йиғланади? Йиғланмасин!* (А.Қаҳҳор) Мисол мазмунидан кўринадики, сўзловчи аниқ нисбат қўшимчасини қўллаш билан *«йиғламанг»* дейиши мумкин эди, лекин бунда сўзловчининг ижтимоий таъсир этиш даражаси нутқда ўз ифодасини топмай қолади, шунинг учун аниқ нисбат ўрнида сўзловчи мажҳул нисбат шаклидан фойдаланади.

Прагмасинтактик талқин ҳам синтактик элементларнинг сўзловчининг ўзи ифода этаётган фикрига муносабати билан белгиланади. Жумладан, хабар мазмунида қўшимча ахборот кўринишлари аниқлик, гумон, яширин каби прагматик мазмун-

---

[70] Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.10.

[71] Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995. – Б.55.

[72] Турсунбоев Т. Ўзбек тили ёрдамчи сўзлар конверсияси // Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – Б.17.

[73] Кўрсатилган асар. – Б.17.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг синтактик воситалар ёрдамида ифодаланиши прагмасинтактик талқин деб юритилади. Масалан, *мактабга кетди* билан *мактаб томон кетди* жумласининг мазмуни кескин фарқланади. Ёки *Уй қурувчилар томонидан қурилди. Уйни қурувчилар қурди. Қурувчилар уй қурди. Отам ўқигин деган. Отам ўқигин деяпти. Отам ўқитмоқчи.* Юқоридаги жумлаларнинг мазмуний тузилиши прагматик таҳлилга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Актуал бўлиниш ҳам бевосита лингвистик прагматика йўналиши билан боғланади.

Морфопрагматика ва прагмасинтактик[74] талқин алоҳида тадқиқот объекти бўлгани учун уни морфостилистика ҳамда синтактик стилистикадан ажратиш ўзбек тилшунослигининг шу кундаги долзарб муаммоларидан биридир.

Лингвистик прагматиканинг семантика ва стилистика билан муносабати

Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида қўлга киритилган барча ютуқлар анъанавий тилшунослик давридаги тадқиқий тажрибаларнинг маҳсули ҳисобланади. Илмий адабиётларда тилга семиотик нуқтаи назардан ёндашиш, белгини фақат шакл сифатида таҳлил қилиш асосида яна анъанавий тилшунослик ғояларини ўрганиш давом эттирилганлиги ҳақидаги маълумот қайд қилинади.[75] Натижада тил билан объектив олам ўртасидаги муносабат тилшунослар диққат марказидан четда қолди. Мазмуний синтаксис масалаларига оид янги илмий адабиётларнинг нашр қилиниши, улардаги тил, тилдан фойдаланувчилар билан объектив олам ўртасидаги мантиқий, фалсафий муносабатнинг нутқдаги ифодасига ишора жаҳон тилшунослигидаги каби ўзбек тилшунослиги учун ҳам янги йўналишдаги лингвистик тадқиқотлар учун имконият яратди.

Прагматика муаммолари билан қадимдан файласуф, мантиқшунос ва лингвистлар шуғулланиб келдилар. Бироқ бу масала-

[74] Фонопрагматика, лексопрагматика, морфопрагматика ва прагмасинтактика каби атамалар тилшуносликда илк марта қўлланяпти.

[75] Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1991. – Б.8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни ҳал қилишда тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида прагматика ўзининг аниқ чегарасига эга бўлмади, унинг муаммолари баъзан синтаксис таркибига киритилса, баъзан бу масалалар семантика доирасига киради деган янглиш фикрлар билдирилди.

Прагматика йўналиши назарий грамматиканинг асоси бўлиб, унинг тарихи Ч.Пирс, У.Джемс, Д.Дьюн, Ч.Моррис каби буюк файласуф олимларнинг номлари билан боғлиқдир. Уларнинг ишларида биринчи бўлиб белгилар тизими ва белги функцияси ҳақидаги ғоялар ўз ифодасини топган, семиотиканинг асосий белгилари аниқланган, семантика, синтаксис ҳамда прагматика ўртасидаги дифференциал белгилар кўрсатиб ўтилган.[76] Кейинчалик эса бу уч аспект тенг даражада шаклланмади, яъни синтаксис ва семантика масалаларига асосий урғу қаратилгани ҳолда, прагматика тилшунослар эътиборидан четда қолди.

«Алоқа-аралашув англаш ва таъсир этиш воситаси сифатида тилнинг турфа қўлланиши моҳиятида уч элементар функция ётади. Уч элементар функция қуйидагилардан иборат бўлади: 1. Реал дунёдаги предметларни номлаш (номинация). 2. Номланганлардан бирининг иккинчиси билан боғланиши (предикация). 3. Номланган макон ва замон ҳақида сўзловчи муносабати (локация).

Зикр этилган уч функция умумий семантиканинг уч аспектига мувофиқ келади: «номинация» тил белгиларининг объектга муносабати сифатида «семантика»га мувофиқ келади; «предикация» белгининг белгига муносабати сифатида «синтактика»га мувофиқ келади; «локация» сўзловчининг тил белгиларига ўзининг «мен»и билан муносабати сифатида прагматикага мувофиқ келади.

«Номинация» «семантика» аспектларидан бири бўлиб, у номинатив ёки ономасиологик аспектдан ташқари семасиологик аспектни ҳам қамраб олади. «Предикация» белгининг белгига муносабатидан бири бўлиб, бу муносабат синтагматикада нопредикатив бирикишни, қолаверса, парадигматикадаги белгиларнинг боғланишини ҳам қамраб олади. «Локация инсоннинг ўзи

[76] Петров В.В. Философия, семантика, прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.471.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фойдаланаётган белгига муносабатидан иборатдир».[77] Локация тушунчаси сўзловчининг ўзи фойдаланаётган белгиларга муносабати – «менлиги»ни кўрсатувчи индивидуал маънодан иборат бўлади.

Синтаксис юнонча «тузилган, қурилган»; семантика юнонча «ифодаланган, ифодалаш»; прагматика (прагма) юнонча «амалга оширилган, бажарилган иш»[78], шунингдек, «ҳаракат», «фаолият» маъноларини ифода этади. Ч.Моррис семиотикани уч қисмга ажратади: «семантика» белгиларнинг улар ифода этган нарсаларга муносабатини, «синтактика» белгининг белгига муносабатини, «прагматика» эса белгининг тилдан фойдаланувчига муносабати ҳақидаги таълимотни ўрганади.[79] Мана шу қисмларнинг биргаликда таҳлил қилиниши назарий грамматиканинг асоси деб қаралади. Шунинг учун булар ҳозирги кунда синтаксиснинг долзарб муаммолари сифатида тадқиқ этилмоқда. Бизнингча, прагматик тадқиқот лингвистик бирликларнинг мазмуний жиҳатинигина текшириш билан чегараланади деган нотўғри хулосага келмаслик зарур. Чунки лингвистик прагматиканинг тадқиқот майдони ўта кенглиги билан характерланса-да, бу йўналиш объектини тадқиқ этиш ҳамда уни чегаралашда тадқиқотчидан ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади. Ч.Моррис талқинига кўра, тилга белги сифатида ёндашиб, синтактика, семантика, прагматика йўналиши бўйича аввал алоҳида, сўнгра умумлашган тарзда маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Бу уч соҳанинг энг муҳим томони уларнинг синтактик бирликларни ўрганиши билан умумлашиши ҳамда тадқиқот объектини мураккаблаштиришидадир. Шунинг учун, аввало, тилшуносликнинг мазкур соҳалари ўрганадиган синтактик бирликларга хос семантик структураларни аниқлаб олиш муҳимдир. Ҳар қандай ифоданинг икки томони мавжуд бўлади. Сўзловчи баён қилган ахборотнинг семантик кўринишларидан бири ифода диктуми, иккинчиси эса ахборот семантик структурасида диктум таркибида намоён бўлувчи ифода модусидир. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, гапнинг денотатив йўналишини ифодалаш учун «пропозиция» атамасидан фойда-

[77] Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975. – С.249.

[78] Маҳмудов Н. Ўзбек тили синтаксисининг долзарб масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1990. №2. – Б.25.

[79] Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ланилади. Бу атама мантиқ ва фалсафий тадқиқотлар таъсирида тилшуносликка кириб келди. Бу масалага қизиқишнинг кучайиши билан унинг талқинида ҳам хилма-хил қарашлар пайдо бўлди.

Пропозиция атамаси дастлаб умумий тарзда тушунилган. Классик мантиқда пропозиция қуйидаги тарзда: «борлиқнинг маълум предикатлари ҳақида тасдиқ ёки инкор йўли билан ахборот берувчи фикр шакли тушунилган. Бу атама дастлаб ҳукмнинг ифодаланиш шакли бўлган дарак гапларга, кейинчалик гапнинг ҳамма турларига нисбатан қўлланди».[80] Бироқ дастлаб пропозиция тушунчаси гапнинг мазмуний структурасидаги барча мазмуний сатҳларни қамраб олган ҳолда қўллана бошлади. Гапнинг субъектив мазмуний структураси ҳам пропозиция остида тадқиқ этилди.

«Рамзий мантиқ классик мантиқдан фарқли равишда, ўзининг тушунчаларини, инсон онгида акс этишини четлаб ўтган ҳолда бевосита борлиқ категориялари билан муносабатини белгилашга интилади. Пропозиция тушунчасининг бу умумий тенденцияси натижасида кейинчалик у тафаккурдан объектив реалликка, субъектив омилга «бурилди». Натижада тафаккур шаклига эмас, балки унинг мазмунига, у орқали ифодаланадиган объектив реалликка нисбатан қўлланила бошланди. Субъектив модаллик категориясидан озод бўлиб, вазиятни ифодалашга ўтди. Пропозиция худди шу маъноси билан тилшуносликка кириб келди».[81] Тилшуносликда бу масала юзасидан турлича талқиннинг ортиб бориши пропозиция хусусидаги қарашларнинг тўғри ва ягона таърифи пайдо бўлишига олиб келди. Демак, ҳозирги кунда тилшуносликда пропозиция хусусидаги ягона таъриф гап семантикасида ифодаланган объектив мазмундир. Гап, матн мазмуний структурасидаги объектив мазмундан ташқари нутқ субъектининг аффект белгилари қўшилган бошқа мазмуний структурани аниқлаб олиш учун пропозиция ҳақида ягона маълумотга эга бўлиш муҳимдир.

Ифода семантик тузилишидаги пропозиция масалалари билан семантика шуғулланади. Пропозиция тушунчаси жумладаги асосий ахборот бўлиб, сўзловчи воқеликни баён қи-

[80] Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.28.

[81] Кўрсатилган асар. – Б.29.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишда тилдан фойдаланади. Тилдан маълум мақсад йўлида фойдаланиш давомида унда маълум бир воқеликнинг акс этиши пропозиция ҳисобланади. Демак, нутқ предмети ҳақидаги асосий ахборот жумла пропозициясини ташкил қилади. Масалан:

– *Ўқиб юрганимизда орик ўликларни яхши кўрар эдим, маза: формалинга солиб қўйсангиз, майиздай бўлади, шундай терисини кўтарсангиз бутун механизм кўрина қолади, – деди ва бунинг бутун тафсилотини сўзлаб кетди.* (А.Қаххор) Бу матндаги оддий тасдиқ акти хусусидаги хабар мазмуни пропозициядир. Семантика мана шу масалалар билан шуғулланади. Р.С.Столнейкернинг таъкидлашича, формал семантика сўзловчи нияти ҳисобга олинмаган гапдаги ростлик шартининг тасвиридир.[82] Бундай таҳлилда жумла таркибида сўзловчининг ички нияти ҳақидаги баён ҳисобга олинмайди, унда ахборотнинг асосий кўриниши инобатга олинади. Сўзловчи нутқига хос коммуникатив ният (иллокутив)ни ифодаловчи актлар таҳлил объектидан четга чиқади. Жумла мазмуни мантиқий жиҳатдан тўғри эканлиги назарда тутилади. *«Ёмғир ёғяпти»* жумласида сўзловчи фақат ёмғир ёғаётганлиги ҳақида ахборот бериш билан чегараланади. Сўзловчи нутқига хос унинг субъектив қарашларининг яширин ифодаси – *«бирор ёққа боролмаслик», «ваъдани бажариш имкониятининг йўқлиги»* ёки очиқ баёнда мантиқий зид мазмун – *«ёмғир ёғяпти – қор ёғиши керак эди»* каби иллокутив акт семантик таҳлилни мураккаблаштиради. Кўринадики, жумла билан пропозиция ўртасидаги муносабат нутқ субъекти билан боғлиқ тарзда контекст ҳамда нутқий вазият ёрдамида аниқланадиган бўлса, у ҳолда, бу пропозиция билан алоқадор ҳодисалар лингвистик прагматика предмети мундарижасига тааллуқли бўлади. Жумладаги пропозиция мавжудликдаги воқелик хусусида маълумот беради, уни назарий жиҳатдан семантика таҳлил қилади.

Шаклий семантика матндаги пропозионал мазмунга хос маъно оттенкалари билан шуғулланади. Нутқ субъектининг ички нияти билан алоқадор нутқ вазияти таъсирида ифодаланувчи ва

---

[82] Столнейкер Р.С. Прагматика // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. 1985. – С.420.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқ иштирокчиларидан фақат биригагина тегишли бўлган муносабат даражаларини эса лингвопрагматика тадқиқ этади. Бундай вазиятда баён қилинаётган умумий пропозиция ҳамма нутқ иштирокчилари учун маълум бўлгани ҳолда, нутқ субъектининг ички мақсади билан боғлиқ яширин хусусий мазмун кўриниши фақат нутқ йўналтирилган адресат учун маълум бўлади. Масалан:

– *Қани, синчалакхон, қизим, мана буни кийиб олинг-чи!.. – деди ва шу билан, чамаси, мен сени ўшанда ҳам ҳақорат қилиб эмас, суйиб синчалак деган эдим демоқчи бўлди.*

Булар орасида бўлиб ўтган можародан на Умиданинг хабари бор эди, на Исмоилжоннинг. (А.Қаҳҳор)

Бу матнда *«Қаландаровнинг Саидага шляпа олиб бераётгани ва уни синчалак деб аташи»* хусусидаги ахборот кўриниши билан шаклий семантика шуғулланади. Нутқ субъектининг ички нияти хусусидаги қўшимча ахборот кўринишлари билан эса прагматика шуғулланади. «Тилнинг табиий функцияларидан бири пропозицияларнинг ифодаланишидир. Жумладаги ифодаловчилар билан пропозиция ўртасидаги муносабатга алоқадор қоидаларни ўрганиш семантиканинг вазифасидир».[83] Синтактик бирликларнинг «мазмуний тузилиши мураккаб, кўпқиррали характерга эга бўлиб, унда камида уч компонент иштирок этади: 1. Пропозитив. 2. Модал. 3. Коммуникатив узвлар».[84] Пропозиция ва объектив модаллик масалалари билан синтактик семантика шуғулланиб, у грамматик асос устида ифодаланган объектив мазмун хусусида сўз юритади. Матннинг модал аспекти таркибидан ажратиб олинган субъектив муносабат жиҳатлари ҳамда коммуникатив компонентнинг функционаллашуви каби масалалар билан лингвистик прагматика шуғулланади.

Модус тушунчаси билан боғлиқ мазмуний таҳлил, ифоданинг шаклий жиҳатидан қатъи назар, унинг ички семантик тузилиши – нутқ иштирокчиларининг «нима демоқчи эканликлари» ҳақидаги очиқ ҳамда яширин баёни билан характерланади.

Тилдан фойдаланувчи ҳар бир шахснинг нутқида фонетик сатҳдан то синтактик сатҳга қадар тил ва нутқ бирликларининг қўлланишида уларнинг ўзига хос вазифалари мавжуд бўлади.

[83] Кўрсатилган асар. – С.422.

[84] Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.31.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзловчи нутқига оид ифоданинг қайсидир элементларида услубий белги ва маълум воситалар муаллифнинг ички руҳий олами ёки социал мавқе кўринишлари ҳақида маълумот бериш учун хизмат қилади. Буларнинг барчасини бирлаштирувчи аспект лингвистик прагматика ҳисобланади. «Прагмалингвистика функционал услубнинг махсус бўлими сифатида эндигина оёққа тураётган ва фақат ўзининг категорияси, тадқиқий усулларини аниқлашга киришаётган соҳадир».[85] Прагматика тилшуносликнинг янги соҳаси сифатида эътироф этилгани ҳолда, унга функционал услубнинг бир тармоғи деб қаралади.

Бизнингча, лингвистик прагматикага бундай қараш ғайритабиийдек туюлади, ҳақиқатан ҳам шу пайтга қадар прагматика тилшунослик фанининг бир бўлими сифатида ўрганилмади, тилдаги прагматик ҳодисалар гоҳ услубшуносликда, гоҳ семантика доирасида тадқиқ этилди. Айниқса, индивидуал услуб тушунчаси билан алоқадор бўлган услубшунослик масалалари билан сўзловчи нутқига хос иллокутив мақсадни ифода этувчи прагматик тадқиқот объекти ўзаро қориштирилди. Ҳолбуки, индивидуал услуб услубшуносликнинг бир муаммоси сифатида лингвистик прагматика билан маълум координатларда ўзаро кесишади, бунда у услубий белги-хусусиятлари билан услубшуносликка, муносабатни ифодалаш ва иллокутив мақсаднинг ошкора ва яширин усулига кўра лингвистик прагматикага алоқадор бўлади. Масалан:

– Саодат, – дедим.

Қаради...

– Эшитдингми? – дедим. Уни ортиқча уялтирмас учун эшикка қараб юрий бошладим-да: – Майлими? – деб сўрадим. Жавоб ўрнига:

– Ош емай кетасизми? – деди. Бу унинг иккинчи турлик қилиб айтилган «майли» жавоби эди. (А.Қодирий) Бу матнда уста Алимнинг Саодатга қарата *«Сен билан унашилдик, майлими?»* типидаги сўроқ актига Саодат ўзига хос тарзда жавоб беради. Саодат «майли» жавобининг ўрнига *«Ош емай кетасизми?»* сўроғи билан уста Алимга янада яқинлигини кўрсатади ва бу

[85] Ахманова О.С., Магидова И.М. Прагматическая лингвистика, прагмалингвистика и лингвистическая прагматика // Вопросы языкознания. – М., 1978. №3. – С.46.

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан «розилик» аломати англашилади. Бу матндаги сўзловчи нутқига хос иллокутив мақсаднинг яширин берилиши («розилик» аломати ва муносабат) билан лингвистик прагматика шуғулланса, бир мазмуннинг турли шаклларда берилиши (*«Майли»* жавобининг ўрнига *«Ош емай кетасизми?»* дейиш) билан услубшунослик шуғулланади. Кўп ҳолларда эса лингвистик прагматика семантика муаммолари билан қориштирилади. Ифода таркибидаги пропозициялар сўзловчининг субъектив муносабати билан боғланмаса, бу пропозиция семантиканинг объекти ҳисобланади, сўзловчининг субъектив муносабатини акс эттирувчи пропозиция лингвистик прагматиканинг объекти саналади. Пропозициялар, асосан, нейтрал характер касб этади. «Гап мазмуни пропозицияни ташкил қилади. К.Льюис фикрига кўра, Серль пропозицияни тасдиқ функциясидан кескин фарқлайди. Пропозиция бу тасдиқ актидаги хабардир. Тасдиқ, пропозициядан фарқли равишда, пропозициянинг ҳақиқийлиги хусусидаги маънони ўзида намоён этган нутқий актдир».[86] Сўзловчи бу пропозициялардан бирор мақсад йўлида фойдаланади. Ифодани ана шундай қўллаш жараёнидан бошлаб индивидуал услуб тушунчаси намоён бўлади. Сўзловчи тингловчига таъсир этиш мақсадида мавжуд пропозионал услубий андозалардан нутқ вазияти учун характерли бўлган оптимал вариантини танлаб олади. Мисол тариқасида бир хил мазмуний пропозицияга эга бўлган икки жумлани навбати билан таҳлил қиламиз.

1. Қариндошларингиз сиздан аввал дунёдан ўтадилар. (Қобуснома) Бу жумлада қуйидаги икки пропозиция мавжуд:

а) *қариндошлар умрининг қисқа бўлиши* ҳақидаги пропозиция (актуаллашган мазмуний қатор);

б) *подшоҳнинг узоқ умр кўриши* ҳақидаги пропозиция (ноактуаллашган мазмуний қатор).

Бу жумла семантик структураси юзаки қараганда, фақат семантиканинг тадқиқот объектига кирадигандек туюлади. Бироқ мавжуд пропозициялардан бири сўзловчи мақсадини юзага чиқариш учун қўлланиши билан лингвистик прагматиканинг тадқиқот объекти эканлиги аёнлашади. Жумланинг шаклий структураси ўзгартирилиши билан функционал услубга тааллуқли индивиду-

[86] Арутюнова Н.Д. Предложение и смысл. – М., 1976. – С.50.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ал услуб йўналиши лингвистик прагматиканинг ўрганиш объекти билан уйғунлашади.

2. *Сиз қариндошларингизга нисбатан узоқ умр кўрасиз.* Жумланинг шаклий структураси ўзгартирилишига қарамай, ундаги мавжуд пропозициялар ўз мазмунини сақлаб қолади:

а) *подшоҳнинг узоқ умр кўриши* ҳақидаги пропозиция (актуаллашган мазмуний қатор);

б) *қариндошлар умрининг қисқа бўлиши* ҳақидаги пропозиция (ноактуаллашган мазмуний қатор).

Жумланинг бундай таҳлилий муаммолари билан синтактик синонимия шуғулланади. Синтактик синонимия масалалари услубшуносликнинг объекти сифатида қаралади.

Шаклий структураси ўзгартирилмаган биринчи гапдаги семантика ўрганадиган пропозиция «*қариндошлар умрининг қисқа бўлиши*» ҳақидаги мазмундан иборатдир. Иккинчи жумладаги семантика ўрганадиган пропозиция «*подшоҳнинг узоқ умр кўриши*» ҳақидаги ахборотдир.

Лингвистик прагматика биринчи жумлада «*подшоҳнинг узоқ умр кўриши*» ҳақидаги, иккинчи жумлада эса «*қариндошлар умрининг қисқа бўлиши*» ҳақидаги тасдиққа асосланган ахборотни тадқиқ этади. Шунингдек, нутқ субъектининг ўзи баён қилган ахборот мазмунидан англашилувчи «*калтабинлик*» (биринчи жумла муаллифи) ва «*донишмандлик*» (иккинчи жумла муаллифи) маънолари нутқий этикет кўринишларидан бири сифатида ўрганилади.

Биринчи жумладаги тингловчи учун салбий таъсир этиш функциясига эга бўлган очиқ баён қилинган «*қариндошлар умрининг қисқа бўлиши*» ҳақидаги пропозиция кейинги жумлада эвфемистик усул билан яширин тарзда трансформация қилинади. Тингловчи учун ижобий таъсир этиш функциясига эга бўлган «*подшоҳнинг узоқ умр кўриши*» ҳақидаги пропозиция нутқ субъектининг хоҳишига кўра биринчи даражага чиқарилади.

Умуман, одамнинг яшаш даври – умри тахминан саксон йил деб қараладиган бўлса, «*Қариндошларингиз сиздан аввал дунёдан ўтадилар*» жумласидаги мазмуний тузилишнинг фалсафий-мантиқий таҳлили қуйидагича бўлади: жумла пропозициясидан англанишича, қариндошларнинг умри ҳар қалай маълум муддатга камайтирилади, уларнинг умри ўрта ёшдан 20 йилдан

www.ziyouz.com kutubxonasi

то 5 йилга қадар камайтирилади. Шу асосда нутқнинг мазмуни тингловчининг ҳис-туйғусига таъсир этиш ва янги нутқ вазияти (перлокутив) актининг салбий кўринишидан иборат бўлади.

«*Сиз қариндошларингизга нисбатан узоқ умр кўрасиз*» жумласида эса мазмуний тузилишнинг фалсафий-мантиқий таҳлили қуйидагича бўлади: жумла пропозицияси асосида тушунилишича, қариндошларнинг ҳам умри ўртача ёш миқдори сақланган ҳолда, подшоҳнинг умри бошқаларга нисбатан кўпроқ бўлиш маъноси англанади. Шунинг учун трансформациялаштирилган кейинги жумла мазмуни перлокутив актнинг ижобий кўринишидан иборат бўлади. Сўзловчининг ички мақсади акс этган яширин мазмун тузилишини лингвистик прагматика ўрганади.

Хуллас, лингвистик прагматика тилшуносликнинг янги соҳаси сифатида нутқ субъектининг ички мақсади билан боғлиқ яширин пропозицияларни ўрганади. У белгининг коммуникация жараёнидаги реал муносабатига оид муаммоларни ўрганиши билан тилшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқ қилади. Умуман, лингвистик прагматика муаммоларининг ўрганилиши кишилар ўртасидаги ахборотни ифодалаш ва англаш жараёнини осонлаштиради.

Лингвистик прагматика ва социолингвистика

Кишилар жамиятда яшаш жараёнида ундан маълум бир андозаларни оладилар, ўша ижтимоий муҳитга мос тарзда ҳаракатланиб, ҳаётда баъзи социал вазифаларни бажарадилар. Ҳар қандай шахс ўзининг бажариб турган ижтимоий имкониятларига мувофиқ равишда меъёрий сўзлаш мажбуриятига эга бўлади, бу нутқ эса сўзловчи бажараётган ижтимоий вазифа хусусида маълумот беради. Буни нутқнинг социал хосланиши деб юритиш мумкин. Маълум ижтимоий вазифа бажарувчи ҳар қандай шахс нутқи касб нуқтаи назаридан махсус тил белгиларига эга бўлади. Улар нутқ субъектининг психологик, мантиқий ҳамда фалсафий муносабати билан узвий боғлиқ.

Ижтимоий вазифа тушунчаси нутқ субъектининг эгаллаб турган вазифаси ёки бажариб турган касби маъносини англатади.

– *... Эртадан бошлаб юртга ўттуз икки тангадан солиқ сочасиз.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

... Азизбекнинг бу золимона буйруғига қарши қаттиқ сўзлар айтишка ўйласа ҳам аччиғини қандай кишига айтилишини ўйлаб ўзини йиғди.

– ... Менга қолса бу кунларда ўттуз икки танга эмас, ўттуз икки қора пул солиш ҳам оғирдир... Ҳожининг терс сўзига чидолмаган Азизбек ваҳшийларча ҳайқирди:

– Нима дейсан?!

... Шу дақиқада ишнинг олдини олмаса, энди гап фақат Азизбекнинг жаллод чақиришиға келиб қолди:

– Тақсир, сиз йиғ дер экансиз, эртага эмас, бу кунданоқ йиға бошлайман. Юрт қани бермасин-чи! Фақат менга сизнинг буйруғингиз кифоядир. (А.Қодирий)

Нутқ субъектининг ижтимоий вазифаси фақат унинг касби билангина чегараланиб қолмайди. Нутқ субъекти ўзининг асосий социал вазифасидан ташқари ота, эр, харидор, бемор, қўшни каби қатор қўшимча ва доимий вазифаларни ҳам бажаради.

– Биз ҳозир андишанинг бандаси, мен эмас, онанг бировни ишонтириб қўйган: бизнинг оиладан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўринмайди. (А.Қодирий)

Бу ижтимоий вазифани бажариш нуқтаи назаридан нутқ субъекти ўз нутқи орқали баён қилиши лозим бўлган ахборот кўринишларини нутқ вазиятига ҳамда услубий жиҳатларига кўра «бошқара олиш имконияти»га эга бўлиши керак. Ана шу «бошқара олиш имконияти» нутқнинг психолингвистик йўналишини ташкил этади.

Юқоридаги ижтимоий вазифалар ўзига хос кодланувчи тил элементларига эга бўлиб, сўзловчи нутқ вазиятига кўра шу элементларни алмаштириб туради. Суҳбатдошлар нутқ мазмунидан ижтимоий вазифа бажараётган ҳар бир шахс ахлоқига хос меъёрий элемент чегарасини ажратиш имконига эга бўлади, улар оддий талаффузнинг ўзидаёқ социал вазифага хос маънони ҳис эта оладилар.

Социал вазифа белгилари сифатида дастлаб нутқий меъёр тушунчаси ажратиб олинади. Сўзловчининг доимий ижтимоий вазифаси расмий муносабат белгиларига эга бўлади. Бунга кўра, сўзловчи ўзи бажариб турган касб нуқтаи назаридан бошлиқ, касбдошлари ҳамда ходимларига нисбатан расмий муносабатни ифода этувчи тил ва нутқ элементларидан фойдаланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу этапда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат расмий оҳангни талаб этади. Ҳамма социал вазифадагидек, бунда ҳам сўзлаш оҳанги, ҳаракатланиш темпи, айниқса, имо-ишора тили юқори даражада шаклланган бўлади. Сўзлашувчилар ўртасидаги бундай муносабат социал аспектга кўра мутаносиб муносабат деб ҳисобланади, бироқ бу нутқий муносабатнинг мазмуний аспекти номутаносиб муносабат эканлигини исботлайди. Сўзлашувчилар орасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятга кўра ҳар қандай шахс расмий оҳангдан фойдаланган ҳолда нутқда ҳокимлик ва итоаткорлик элементлари буйруқ ҳамда бўйсуниш каби нутқий актларни юзага чиқаради. Ҳар қандай ривожланган тилда социал вазифаларни бажаришга хизмат қилувчи тил элементлари мавжуд. Сўзлашувчилар ана шу тил элементларидан фойдаланиб ўзлари бажариб турган социал имкониятларни нутқ орқали баён этадилар.

Л.П.Крисин нутқий алоқа-аралашув ва сўзловчиларнинг социал вазифалари ҳақида сўз юритиб, алоқа-аралашув вазиятида иштирок этувчилар нутқини икки гуруҳга ажратади: 1. Мутаносиб нутқ. 2. Номутаносиб нутқ.[87]

Мутаносиб нутқий мулоқотда жинсидан ташқари ёш нуқтаи назаридан ҳам бир хиллик, тенглик талаб қилинади.

Салти энди гап очди:

– Эрта саҳарлаб чопганим бекорга эмас.

– Мен ҳам сезганман... Юрагим бир қур сесканиб ҳам олди.

– Нимага, ўртоқжон?

– Ўзингиз билган совчилар балоси-да... Қиш ичи кети узилмади. (Чўлпон)

Ушбу мисолда коммуникантлар нутқида уларнинг тенг эканлиги «ўртоқжон!» сўзининг луғавий маъносидан, аёл киши эканлигини гап совчилар ҳақида бораётганлигидан билиб оламиз. Демак, бунда нутқий мулоқот иштирокчилари социал мавқеи жиҳатига кўра тобе эмас. Уларнинг ўзаро тенглиги, аёл киши эканлиги симметрик мулоқотда эркин фикрлаш имкониятини яратади. Симметрик нутқ тушунчаси остида 2 хил ҳолатни кузатамиз. Биринчи ҳолатда симметрик нутқий муносабатга киришувчи шахслар симметрия термини назариясига кўра тенглик асосидаги «самимий-

[87] Крысин Л.П. Речевое общение и социальные ролы говоряших // Социально-лингвистические исследования. – М., 1976. – С.49.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лик» муносабатида бўладилар. Бу ҳолатга кўра, уларнинг нутқида «тенгҳуқуқлилик», «самимийлик» оттенкаси ўз ифодасини топади.

Симметрик нутқий муносабатнинг иккинчи кўринишида коммуникантларнинг ёши, жинси, социал мавқеига кўра улар ўзаро тенглик муносабатида бўлсалар-да, бироқ нутқий мулоқотда симметрик муносабатнинг салбий кўриниши кўзга ташланади.

Асимметрик нутқий муносабат тушунчасида эса ўзаро нутқий мулоқот жараёнида нутқ иштирокчиларидан бирининг социал жиҳатдан «тобелиги» ёки «устунлиги» сезилиб туради.

Умумтилшунослик илмида таъкидланишича, тилни социал ҳодиса сифатида тушуниш ҳамда алоқа-аралашув ва фикрлаш-англаш қуроли сифатида тадқиқ этишнинг икки йўналиши мавжуд. Бу тадқиқотнинг биринчи йўналишига тилни жамиятнинг маҳсули сифатида ўрганиш, шунингдек, тилга, унинг структурасига, унинг шаклланиш қонуниятларига турлича умумий социал факторларнинг таъсирини ўрганиш киради. Иккинчи йўналиш эса тилни жамият инструменти, фикрлаш-англашнинг қуроли ва алоқа-аралашув (коммуникация) воситаси сифатида тадқиқ этишдир. Бу йўналиш, ўз навбатида, иккига бўлинади:

1. Тилни фикрлаш-англашнинг қуроли сифатида ўрганиш.

2. Тилни алоқа-аралашув, коммуникация воситаси сифатида ўрганиш.

Алоқа-аралашув жараёнида тилдан фойдаланишнинг икки асосий мақсади мавжуд бўлади: а) нимадир хусусидаги ахборот баёни; б) одамларнинг руҳияти ва ахлоқига таъсир этиш.

Шундай қилиб, тилнинг айрим кишиларнинг ахлоқи ва руҳиятига таъсир этиш воситаси сифатида қўлланиши прагмалингвистиканинг предмети ҳисобланади. Л.А.Киселева лингвистик прагматикани социолингвистиканинг қисмларидан бири деб ҳисоблайди.[88]

Прагмалингвистика ва социолингвистика соҳалари ҳақидаги бу фикрларнинг барчаси тўғри, бироқ уларнинг барчаси, биз-нингча, маълум даражада изоҳ беришни талаб қилади. Жумладан, жамиятдаги ижтимоий воқеликларнинг тилдаги ифодаси

[88] Киселова Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С.100 – 101.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳамда уларнинг умуммиллат тилига таъсири каби масалалар социолингвистика доирасига киради. Масалан, тилдаги баъзи сўз ёки ибораларнинг миллат ҳаётидаги социал ўзгаришлар таъсирида истеъмолга кириши ёки истеъмолдан чиқиши, шунингдек, миллатнинг урф-одатлари билан алоқадор ҳолатларнинг тилнинг баъзи қатламлари билан боғланиш ва таъсири каби йўналишлар бевосита ижтимоий тилшунослик предметини ташкил этади. Тилнинг социолингвистик аспектда тадқиқ этилиши маълум жиҳатлари билан лингвистик прагматика соҳасига яқинлашади, лекин тадқиқот предмети қайси нуқтада иккала соҳа учун бир объектга айланиши нисбийдир. Тадқиқот предмети бир бўлса-да, бу икки соҳа мана шу вазиятда ўзининг тадқиқ этиш усули билан маълум даражада фарқланади. Прагмалингвистика соҳаси учун сўзловчи ва тингловчи орасидаги муносабат, социолингвистикада тил ва нутқнинг шаклланиши учун сабаб бўлган социал факторларнинг таъсири асос қилиб олинади.

Белгида ижтимоий-прагматик концептнинг воқеланиши

Кейинги пайтларда лингвистик тадқиқот майдони кенгайиб бормоқда. Хусусан, тилшуносликда матн лингвистикаси, психолингвистика, когнитив тилшунослик, прагмалингвистика каби янги соҳаларнинг юзага келиши лингвистик бирликлар тадқиқига янгича муносабатда бўлишни талаб қилмоқда. Бу ўз-ўзидан жонли нутқ ёки у билан боғлиқ дискурс назарияси таркибига кирувчи масалаларни ўрганиш эҳтиёжи туғилаётганидан дарак беради. Билиш босқичи билан боғлиқ фаолият барча фанлар сингари лингвистика илмининг ҳам ривожланишига асосий омилдир. Хусусан, кўриш, эшитиш, ҳис қилиш кабилар орқали оламда мавжуд бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеаларни инсон тафаккур оламида акс эттиради, айни пайтда, уларнинг умумий ва дифференциал белгиларини фарқлайди. Албатта, буларнинг барчаси инсон ақлий фаолиятининг бошқаруви натижасида амалга оширилади. Демак, объектив борлиқ ҳақидаги ахборотлар, тушунчалар «илмий билим сифатида инсон ақлий фаолиятининг энг юқори босқичида ҳосил бўлади»[89] ва у тафаккурда комму-

[89] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б.201.

www.ziyouz.com kutubxonasi

никатив ниятнинг пайдо бўлиши, лингвистик борлиқ сифатида юзага чиқиши учун фундаментал база вазифасини ўтайди. Айнан инсон тафаккурида объектив олам бирликларини ифода этувчи ана шу тушунчалар семиотик тил билан белги деб номланади, инсон тасаввурида эса ижтимоий-прагматик концептни ташкил қилади, тафаккурда ҳосил бўлган ижтимоий-прагматик концепт белгилар орқали воқеланади. Сўзловчи назарда тутган концепт онгда шаклланади, нутқда воқеланади. Сўзлашувчилар нутқий мулоқот жараёнида ижтимоий-прагматик маънони белги орқали ифодалайдилар, белги орқали бир-бирларини англайдилар. Шунинг учун ақлий фаолият бошқаруви ёрдамида ташқи оламдаги ҳар бир ҳолатни синчковлик билан кузатиш жараёнида ижтимоий-прагматик тасаввурлар инсон онгида жамланади. Бу борада Абу Наср Форобийнинг ички ва ташқи онг ҳақидаги қарашлари эътиборлидир, унинг таъкидлашича, «ташқи онг – ўқиш, тажриба асосида билиш»[90] инсон тафаккуридаги илмий ва амалий билим кўникмаларини шакллантиради, бундай билимлар эса нутқий мулоқот жараёнини амалга ошириш учун хизмат қилади. Масалан, «Худоё аямди дайдига даво бейгин» жумласидаги «р» товушининг талаффузи белгининг ижтимоий маъно ифодалашига мисол бўлади. Бундай талаффуз персонажнинг ёши, дунёқарашини кўрсатувчи белги сифатида ёзувчи назарда тутган ижтимоий-прагматик концептни воқелантиради, ўз навбатида, китобхон тасаввурида қаҳрамон характерини шакллантиради.

Инсон тафаккурида илмий билим ва тушунчаларнинг тўғри ва асосли шаклланиши учун танланадиган методология асосли ва чегараланмаган бўлиши лозим. Бу ҳақда Ш.Сафаров «собиқ Иттифоқ давридаги лингвистика фанининг ривожланишида илмий билим учун фақат ягона таълимотга таянган диалектик материализм методидан излаш лозим деб ҳисобланганлигини алоҳида таъкидлаб, унинг нотўғри эканлигини эътироф этади».[91] Бундай тезис асосидаги илмий баҳс ва лингвистик таҳлилда турли методологияга асосланган барча методлардан фойдаланиш ҳисобига лисоний ва нолисоний факт ва ҳодисалар таҳлилини

[90] Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 2-жилд. – Тошкент, 2012. – Б.228.

[91] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б.201.

www.ziyouz.com kutubxonasi

амалга ошириш мумкин. Бу нуқтаи назардан эса лисоний белгилар моҳиятини аниқлашда мафкуравий таъсирга мойил бўлмаган, ундан холи бўлган ва барча фанлар ривожида кўмаклашувчи категория сифатида қўлланиб келинаётган диалектик муносабатлар системасига суяниш зарур. Билиш жараёни инсон тафаккурида юз бераётган объектив олам ва унинг элементлари ўзлаштирилиши ҳамда бутун таркибидаги элементларнинг система сифатида қабул қилинишидир. Биз эса система таркибига кирувчи бўлакларнинг умумий белгисига кўра бирлашувчи ва хусусий белгиларга кўра фарқланувчи жиҳатларни тафаккур кўмагида фарқлаймиз. Инсон тафаккурида илмий билишнинг турли босқичга эга идрок қилиш ва мулоҳаза асосида қайта шаклларантиришга асосланган шакллари лингвистик мулоқот учун зарурдир. Шунинг учун инсон тафаккурига хос ва идрок асосига жамланган дунёқараш, маънавий тасаввур, тарбия, характер каби шахсга хос барча белгилар унинг нутқида ўз ифодаси ва бор бўйи билан кўзга ташланади.

Юқорида тўғри қайд этилганидек, объектив оламни билиш, англаш қиёсий идрокка, қиёсий таҳлилга асосланади. Қиёсий таҳлилнинг биринчи белгиси хусусий белги, иккинчиси эса умумий белгидир. Белгилар ўртасидаги боғланиш ва ўзаро зидланиш билиш моҳиятини ҳосил қилади, тафаккурда эса илмий парадигма юзага келади.

Илмий адабиётларда тил ва нутқ илми, тадқиқ этиш усуллари хусусида турлича методологияга эҳтиёж борлиги баён қилиниб, «тил тизими тадқиқида методологик асос сифатида кўпроқ материалистик диалектика ғояларига таянилган бўлса керак, нутқий фаолият таҳлилининг асосий методологик ғояси сифатида фаолият назарияси танланганлиги»[92] жуда ўринли таъкидланади. Умуман, методология ва ундан фойдаланиш ҳақидаги айтилган фикрлар асослидир. Хусусан, аруз жанрига оид асарлар таҳлилида тасаввуф илми методологик асос қилиб олинмаса, ғазал мисралари ортидаги ботиний маъноларни кўздан қочириш мумкин. Шунинг учун лингвистик бирлик ва ҳодисалар тадқиқида тадқиқий методологияни алмаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

---

[92] Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – Б.206.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мазкур тадқиқот нутқий фаолият, сўзловчи нутқи, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатлар ҳақида борар экан, тадқиқот методи ва методологияси фактлар хусусияти билан боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Прагмалингвистиканинг умумий ва хусусий масалалари марказида белгидан фойдаланувчининг белги орқали объектив оламга ва белгига муносабатини ўрганиш турар экан, ўз-ўзидан белгини англаш, уни қайта намоён қилиш, у билан суҳбатдошга таъсир кўрсатиш эҳтиёжини юзага келтиради. Шунинг учун мулоқот жараёнида «конверсацион таҳлил (ички сўзлашиш) методи»дан нутқий фаолият – сўзлашиш жараёнининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш йўлида фойдаланилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

III БЎЛИМ
МАТННИНГ ПРАГМАСЕМАНТИК ТАДҚИҚИ

Матн семантик тузилишининг ўрганилиши

Жумла назариясига оид мавжуд лингвистик адабиётларда унинг семантик тузилиши, ифода мазмунининг ранг-баранглиги хусусида етарлича маълумотлар берилади. Шу нуқтаи назардан ифода назарияси ва унинг семантик структурасини ўрганишга бағишланган қатор ишларни кўрсатиб ўтиш мумкин.[93] Бу ишларда гап, матн, ифода каби бирликларнинг семантик томонларига асосий эътибор қаратилади. Айни ана шу бирликлардаги мазмуний структура сатҳига хос элементлар фарқли ва умумий белгилар асосида ажратилиб, шундай тадқиқотларга эҳтиёж борлиги эътироф этилади. Кўринадики, тилшуносликда матн ёки ифоданинг фонетик ҳамда грамматик жиҳатдан анъанавий ўрганилишининг ўзинигина етарли деб ҳисоблаб бўлмайди. Бунинг учун эса, илмий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, тадқиқот материали билан ишлашда анъанавий методларга мурожаат қилиш керак. Бундай метод тил материалига бир-бирига яқин айрим фанларнинг уйғун ҳолдаги ёндашуви билан боғлиқ. Шунга кўра, «...семиотиканинг юзага келиши ўрта асрлардаги гуманитар фанларда мавжуд бўлган «тривий» шаклига асосланади. «Тривий» грамматика, мантиқ ва риторика каби қисмлардан иборат бўлади. «Тривий» бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан семиотика қисмлари: грамматика синтактикага, мантиқ семантикага, риторика эса прагматикага мос келади».[94] Лингвистикада ҳар қандай

[93] Хоанг Фе. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.399 – 405; Долинин К.А. Имплицитное содержание высказывания // ВЯ. – М., 1983. №6; Сильман Т.И. Подтекст как лингвистическое явление // ФН. 1969. №1; Сильман Т.И. Подтекст – это глубина текста // Вопросы литературы. 1969. №1; Мыркин В.Я. Текст, подтекст и контекст // ВЯ. – М., 1976. №2; Арнольд И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологических изучений // ВЯ. – М., 1982. №4; Кухаренко В.А. Типы и средства – выражения импликации в английской художественной прозе // ФН. 1974. №1; Хализев В.К. Подтекст // Краткая литературная энциклопедия. Т.5. – М., 1968.

[94] Степанов Ю.С. В мире семиотики // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. – С.28 – 29.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тадқиқот кўрсатиб ўтилган фанларнинг ана шу уйғунликдаги тривий – учлигига асосланиши зарур. Шу маънода лингвосемантик, лингвосемотик ва лингвопрагматик йўналишдаги тадқиқотлар актуаллашмоқда.

Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот шакллари вербал ҳамда новербал муносабатга асосланади. Бундай муносабат моҳиятида мазмуний структура етакчилик қилади. Илмий адабиётларда мазмуний структура грамматик формалар билан ифодаланиши алоҳида таъкидланади, хусусан, ҳар бир гапнинг реал борлиқ ҳақида бирор фикр, хабар баён қилиши гап мундарижасининг воқелик билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.[95] Маълумки, предикатив шакллар гапнинг мазмуний структурасини шакллантиради. Ифоданинг мазмуний структур сатҳида сўзловчи ёки тингловчининг ички мақсади ўз аксини топади. Ана шу мазмуний сатҳга хос сўзловчининг коммуникатив нияти сатҳнинг семантик, прагматик ва семиотик бирликлари сифатида ушбу тадқиқот моҳиятини ташкил қилади.

И.Т.Торсуева ўзининг лингвистик қарашларида ифода акти ўрганилишининг тўрт асосий йўналишини ажратиб кўрсатади, уларнинг ҳар бир йўналишига тўғри тавсиф бериб, ифоданинг назарий муаммолари хусусида тўхталади. Жумладан, ифоданинг ўрганилишида «антиграмматик» йўналиш деб номланиши шартлидир, чунки бунда ифода билан жумла қарама-қарши қўйилади. Ифода – бу гапнинг ўзи эмаслиги кўрсатилгани ҳолда, «ифода» атамасини киритиш билан тил системасида сўзлар даражасидаги бирликлар мавжудлигига ишора қилиш эмас, балки жумла синтаксиси доирасига сиғмайдиган умумий масалалар ҳам мавжудлигига ишора қилинади. Шунинг учун ифода билан жумла ўртасидаги қарама-қаршилик тушунчаси қатъий эмас деб белгиланади. «Ифоданинг ўзи бу жумла»нинг[96] нутқдаги намоён бўлишидир. Ифоданинг функционал белгилари бир вақтнинг ўзида тил системаларининг яхлит намоён бўлишидир. Бу ифоданинг шартли равишда номланган фонетик йўналиши тўғри эканлигидир. Фонетик йўналиш ифоданинг бир томони ҳисобланади, холос. Мазмуний

---

[95] Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987. – Б.37.

[96] Степанов Ю.С. В мире семиотики // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. – С.8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

белгилар асосида ажратиладиган йўналиш ифоданинг шартли тарзда номланган функционаллигига оиддир. И.Т.Торсуева таъкидлаганидек, бу йўналишга А.И.Смирницкий, О.С.Ахманова, Ф.Дониш, В.Г.Гакларнинг қарашлари ҳам алоқадор.[97] Шартли равишда матний деб номланган тўртинчи йўналишда ифода матн қисми сифатида абзац, период, «сверхфразовое единства» каби бирликлар сифатида ўрганилишини жуда тўғри таъкидлаб ўтади.

Ифода семантик тузилиши хусусида сўз борар экан, машҳур тилшунос олим Хоанг Фе қарашларига тўхталиб ўтиш муҳимдир. Унда таъкидланишича, ифоданинг йиғиқ вербал шакл (имплицит) мазмуни тўлиқ хабар мазмунини ташкил қилади, ифоданинг бундай мазмуни ёйиқ вербал (эксплицит) баённинг имконияти йўқ бўлгани ёки сўзловчининг иллокутив мақсади бунга йўл қўймаганлиги учун ҳам яширин шаклда қўлланади. Фикрнинг бундай баён қилиш услуби тингловчи тасаввурида яширин мазмун билан диалогик муносабатни юзага келтиради.

Фикрлаш фаолияти натижасида номаълум воқеликнинг маълум воқеликка айланиши учун ифодада яширин семантик компонент иштирок этади. Ифода семантик тузилишидаги ҳамма учун маълум бўлган ахборот ошкора (эксплицит) мазмун деб қаралади. Буни мантиқий атама билан пропозиция деб юритилади. Қолаверса, ифода таркибида очиқ баённга эга бўлмаган пресуппозицион ахборот ҳам иштирок этади. Бу эса мантиқий предикатив структура деб номланади. Ифодада пресуппозицион ахборотнинг юзага чиқиши мантиқий предикатив структура кўмагида амалга оширилади. Бунда сўзловчининг коммуникатив мақсади ёки иллокутив акт пропозитив структурадаги лингводейктик воситаларнинг алоҳида талаффузини талаб қилади. Ифода ёки матннинг семантик структурасида бундай яширин маъно кўринишлари кўплаб кўзга ташланади, бироқ булар ҳали назарий тадқиқотлар сирасига киритилмаган. Хоанг Фе ифода семантик тузилишидаги йиғиқ вербал шакл мазмуни билан пресуппозицион мазмуннинг ўзаро фарқланишини алоҳида кўрсатиб ўтади. Шунингдек, тингловчи аниқ коммуникатив вазиятда сўзловчи томонидан берилган ифода мазмунини қабул қилар экан, йиғиқ

[97] Торсуева И.Г. Теория высказывания и интонации // Вопросы языкознания. – М., 1976. №2. – С.53 – 54.

www.ziyouz.com kutubxonasi

вербал шакл мазмунида сўзловчи нимани назарда тутганлигини англайди. Бунинг учун тингловчи сўзловчи нутқига хос «А» ифодасидан «В» семантик хулосасини топиб олиши шарт деб ҳисоблайди.[98] Бу жараёнда тингловчи ифода баёни билан алоқадор контекст ҳамда коммуникатив вазиятдан тўлиқ хабардор бўлиши керак. Ахборотнинг тўғри тушунилиши учун сўзлашувчиларнинг тил ҳақидаги билимидан ташқари тингловчининг олам ҳақидаги тасаввури, жумла қўлланаётган ижтимоий ҳолат бўйича тушунчаси, сўзлаш жараёнида сўзлашувчилар руҳияти тўғрисида билим ва бошқа маълумотларини ҳам қўшиш керак. Ахборотни тушуниш жараёнида юқоридаги билимларнинг барчаси баробар хизмат қилади. Шунинг учун фақат бу билимларнинг ўзаро муносабатини ҳисобга олгандагина биз нутқий жараённинг моҳиятини англашга яқинлашган бўламиз.[99]

Кўринадики, ифоданинг семантик структураси мазмуний элементлардан иборат бўлиб, буларни прагматик ва семиотик бирликлар сифатида алоҳида-алоҳида ажратиш ҳамда прагмасемантик элементлар сифатида таҳлил қилиш прагмалингвистиканинг муҳим масалаларидандир. Айни вақтда, ифоданинг мазмуний сатҳи иккига бўлинади, биринчиси ошкора мазмуний сатҳ, иккинчиси яширин мазмуний сатҳ деб номланади. Яширин мазмуний сатҳ импликация атамаси ёрдамида ифодаланади. Шунинг учун ифода мазмуний структурасида импликациялашган элементлар мавжуд бўлади. Импликациялашган элементларнинг ўзи грамматик ва семантик таркибдан ташкил топади. Агар жумла пропозициясини ифодаловчи воситалар грамматик жиҳатдан импликациялашса, у ҳолда, гапда фақат кесим иштирок этади, грамматик актантлар эса кесим таркибида импликатив формалар сифатида намоён бўлади. Семантик импликациялашув жараёни эса айнан ифодага тааллуқли бўлиб, сўзлашувчилар онгидаги ижтимоий, прагматик ва психологик концепт иллокутив акт сифатида ифоданинг мазмуний структурасида пропозиция кўриниши сифатида намоён бўлади. Пропозиция таркибидаги сўзловчи назарда тутган ахборотлардан бири семантик имплика-

---

[98] Хоанг Ф. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.399 – 400.

[99] Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995. – Б.8.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ция сатҳига ўтади, иккинчиси эса семантик экспликация сатҳида қолади. Нутқий мулоқот жараёнида сўзлашувчиларнинг иллокуцион мақсадлари таъсирида пропозиция таркибидаги ахборотлардан бири актуаллашади. Ноактуал ахборот нутқ ситуациясига кўра импликация сатҳига ўтади. Демак, ифода ёки матн, нутқ каби бирликларнинг мазмуний структураси, уларнинг актуаллашуви ёки ноактуаллашуви, очиқ ёки ёпиқ структурадан ташкил топиши, айниқса, семантик импликациялашув жараёнини ўрганишга эҳтиёж борлиги кўзга ташланади. Кўринадики, импликациялашув жараёни билан боғлиқ масалалар прагмалингвистика муаммолари қаторидан асосий ўринни эгаллайди. Демак, мазмуний сатҳда ўзаро фарқланувчи семантик импликатура элементларини ажратиш ва уларни маълум тамойиллар асосида тасниф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мазмуний сатҳда ажратилган прагмасемантик бирликларни мазмуннинг яширин компонентлари ҳисоблаш керак. Хоанг Фе ифода семантик структурасидаги пресуппозицион ахборот, ошкора ва яширин ахборот, шунингдек, тагмаънонинг ифодаланиш даражасини аниқ модел ва формулаларда кўрсатиб ўтади. XVI=Z/Z'.[100] Бу фикр ва формулалар матннинг мазмуний элементларини ўзаро ажратиш ва қатъий фарқлаш лозимлигини кўрсатади. Демак, юқоридаги қарашлар мазмунидан англашиладики, матннинг мазмуний тузилиши ўзининг маълум хусусиятлари билан чегараланган ахборот кўринишларидан иборат бўлади. Бизнингча, тилшуносликда матннинг семантик тузилиши билан алоқадор пресуппозицион ва ошкора ахборот кўринишлари синтактик аспектда ўрганилганлиги маълум. Бироқ ифоданинг яширин кўринишлари ҳамда уларнинг пресуппозиция ва ошкора ахборот сатҳларига муносабати, шунингдек, уларнинг умумий ва хусусий дифференциал белгилари аниқ кўрсатилган илмий тадқиқотлар мавжуд эмас. Айниқса, матннинг мазмуний йўналиши билан узвий алоқадор бўлган ва сўзловчи ички ниятини акс эттирувчи прагматик қийматга эга тагмаъно хусусидаги маълумотлар ўзбек тилшунослигида тадқиқ этилмаган. Айни вақтда, тагмаъно, унинг турлича шакллари мавжудлиги сўзлашув нутқида қўлла-

[100] Хоанг Ф. Семантика высказывания // НЗЛ. Вып.XVI. – М., 1985. – С.404 – 405.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нувчи қуйидаги жумлаларда ҳам кўзга ташланади: *«Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит», «Бу билан нима демоқчисан?», «У нимага шама қиляпти?», «У нимага луқма ташлаяпти?».* Булардан ўзбек тили жонли мулоқотида ифода мазмунида тагмаъно сатҳи мавжудлигини кўриш мумкин. Тагмаъно тушунчаси семиологик ҳодиса ҳисобланиб, у матннинг ички семантик структурасида иштирок этади. Сўзлашувчиларнинг объектив олам хусусидаги тасаввурлари ва ўзаро муносабатлари яширин мазмуннинг тагмаъно кўринишларида ўз ифодасини топади. Тагмаъно матннинг семантик таркибий қисмларидан бири саналиб, у нутқ вазияти билан узвий боғланади. Тагмаъно импликатив мазмуннинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади.

В.Я.Мыркин тагмаъно хусусида фикр юритиб, В.Скаличканинг қуйидаги фикрини келтиради: «... у тагмаъно атамасидан мазмунга ўтади... Мазмун ёки тагмаъно ифоданинг нутқдаги реал мазмуни сифатида мавжуд нутқнинг ифодаланиш мақсад ва моҳиятидир... В.Скаличка мазмун тушунчасига аниқлик киритади. Унинг таъкидлашича, мазмун матн қўшилган вазият маҳсулидир».[101] Бундай қараш семиотикага оид илмий адабиётларда дискурс[102] атамаси билан юритилади.

Кўринадики, мазмуний структура тушунчасининг ўзи ифода семантик структурасини ташкил қилади. Ифода мазмунининг тўлиқ, мукаммал ва кенг бўлиши учун, шунингдек, унда сўзлашувчиларнинг семиологик муносабатларидан иборат импликатив мазмун компонентлари акс этиши учун унга қўшилиши шарт бўлган маълум контекст ва нутқ вазияти муҳим роль ўйнайди. Демак, бундай элементларни дискурсив структура деб номлаш мумкин. Мазмун тушунчаси кўп қиррали ҳодиса бўлиб, у ўзига коммуникатив, прагматик, социал ва психологик йўналишни қамраб олади. Булар, ўз навбатида, контекст билан узвий боғланади. Контекстга эҳтиёжнинг туғилиши эса прагмалингвистик таҳлил учун асос бўлади.

Контекст тушунчаси ўзининг ифода моҳиятига кўра фонологик, лексик ҳамда грамматик оттенка ёки тушунчани ойдин-

[101] Мыркин В.Я. Текст, подтекст и контекст // ВЯ. – М., 1976. №2. – С.88 – 89.

[102] Греймас А.Ж., Курте Ж. Семиотика. Объяснительный словарь теории языка // Семиотика. – М.: Радуга, 1983. – С.488 – 493.

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаштириш учун тузилган нутқ ёки матн парчасидир. Контекст хусусидаги бу мулоҳаза ўта тор тушуниш ҳисобланади. Контекст тушунчаси тилнинг қайсидир сатҳида қўлланишига қараб ўзининг функционал таърифини ўзгартириб боради. Гап агар ошкора ёки яширин мазмун хусусида бўлса, мазмун тушунчасининг ўрнини контекст билан тўлдириш мумкин. Нутқий акт масалалари ёритилишида нутқ баёни ва аён бирлиги сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабатларни аниқлаш учун асос бўлганидек, ифодалаш ва англашнинг ўзи нутқий вазият ҳамда контекст масалалари билан узвий боғланади. Нутқий вазият ҳамда контекст тушунчаси ифодалаш ва англашнинг асоси саналади. Демак, контекст тагмаънони ифодалаш ва англашда муҳим ўрин тутади. Назарий адабиётларда тўғри таъкидланганидек, мазмун ёки фикр баён қилишнинг ҳар қандай усули бу турлича контекстдир, шунингдек, вербал ёки новербал воситалар орқали фикр ифодалаш усули тушунчаси остида ҳам контекст маъноси англанади.[103] Бу бир томонлама фикр ёки қарашдир, фикр ифодалаш, ахборот узатиш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Контекст нутқ ситуацияси билан боғлиқдир. Контекстнинг бир неча хил тури бор. Бу сўзловчининг концептуал дунёқараши ва фикр ифодалаш маҳоратига боғлиқ бўлади. Бунда сўзловчи ифодалаган концептни тингловчи ёки китобхон томонидан англаб олиш[104] даражаси билан контекстнинг конкрет тури аниқланади. Шунга кўра, контекстнинг вербал ҳамда новербал шаклларига асосланган социал, психологик, ижтимоий каби турларини ажратиш мумкин.

В.Я.Мыркин тилшунос олимларнинг контекст хусусидаги назарий қарашлари ҳамда контекст таснифи ҳақида тўхталиб, улар қаторига «яширин контекст» кўринишини ҳам киритишни маъқул кўради. Унинг таъкидлашича, «йиғиқ контекст тушунчаси тингловчи позицияси билан узвий боғлиқ бўлади. Яширин контекстнинг характерли томони тингловчининг сўзловчи ҳақидаги билимидир».[105] Йиғиқ контекстнинг моҳияти тингловчи ва сўзловчи ўртасидаги маълум муносабатларнинг яширин ифодаси, яширин ишорасидан иборатдир.

---

[103] Мыркин В.Я. Текст, подтекст и контекст // ВЯ. – М., 1976. №2. – С.91.

[104] Қуронов Д. Мутолаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Академнашр, 2013.

[105] Кўрсатилган асар. – Б.91.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Пирназар... ўз ҳунари руҳида мулоҳазасини сўзлади:

– Ёмонларни битта-битта, териб-териб бош кесмасдан элни тинчитиш қийин, – деди.

... Ҳожи кулиб қўйди, бир оздан кейин:

– Тўғри айтдингиз, жаллод, – деди, – бу тақдирда ёнингизда ўлтурган бизнинг ўғулни ҳам кўмакингизга чақира оласиз...

Ҳамма кулиб юборди. Қутидор ер остидан Отабекка кулимсираб қаради. Отабек дадасининг киноясига тушуниб қип-қизил лавлагидек бўлди. Яхшики, қутидор ва Ҳасаналидан бошқа ҳеч ким бу кинояга тушунмас эди. (А.Қодирий)

Бу матнда иккита яширин мазмун кўриниши мавжуддир. Булардан бири нутқ иштирокчиларининг барчаси учун маълум бўлиши мумкин бўлган пропозицион структура, яъни тасдиқ акти. Иккинчиси *«жаллодлик ҳунарида бизнинг ўғулни ҳам кўмакингизга чақиришингиз мумкин»* хусусидаги тасдиқ актидир. Тасдиқ акти орқали Отабек томонидан содир этилган одам ўлдириш хусусидаги фақат баъзи нутқ иштирокчилари – Ҳасанали ва Қутидоргагина маълум ахборот кўринишига ишора мазмуни тагмаъно сифатида яширин контекстни ташкил қилади. Яширин контекст тушунчаси фақат сўзлашувчилар ўртасидаги маълум фикрнинг вербал контекстдаги кўринмас ифодасидир. Худди мана шу ҳодисани тагмаъно деб тушуниш керак. Ҳар қандай нутқ иштирокчилари учун ҳам имплицит контекст мазмуни аниқ бўлавермайди. Бунинг учун сўзловчи нутқий фаолиятига алоқадор воқелик тингловчи учун маълум бўлиши керак. Баён қилинган вербал ва новербал контекстда сўзловчи ишора қилмоқчи бўлган яширин мазмун йиғиқ контекстдир.

В.Я.Мыркин ўз тадқиқотларида контекстнинг қуйидаги кўринишларини кўрсатиб ўтади:

1. Вазият (ситуатив) контексти.
2. Ёйиқ вербал контекст.
3. Ёйиқ новербал контекст.
4. Йиғиқ контекст.

Ана шу мақолада «психологик контекст» хусусида ҳам сўз боради. Муаллиф «психологик контекст»нинг мазмуний ифодаси «имплицит контекст»га мувофиқ келишини таъкидлайди. «Психологик контекст суҳбатдошларнинг аввалги биргаликдаги таж-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рибаларига асосланган ўзаро маълум реал билимларидир».[106] Бизнингча, психологик контекст тушунчасини изоҳлашда нутқ иштирокчиларининг руҳияти, кайфияти, хотираси, дунёқараши, билими, ўзини тутиши каби шахсга хос хусусиятлар ҳисобга олиниши зарур. Масалан:

Шу маҳалгача ҳеч важ билан кўзга кўринмаган кетмончи сўз олди:

– Отига мажлис, отига маслаҳат! Доим кўзбўямачилик!

Қаландаровнинг оппоқ оқарган юзи, кўзлари атрофидаги табассумни ифодалаши керак бўлган ажин: «Эчкининг орқаси қичиса, чўпоннинг нонини ейди», – деб турганини кўрсатар эди. (А.Қаххор)

Бу мисолда, биринчидан, вербал, новербал, психологик, социал каби контекст турлари мавжуд бўлиб, улардан «*Отига мажлис, отига маслаҳат! Доим кўзбўямачилик!*» қисми вербал контекст сифатида «кетмончи» социал белгисини ифода этмоқда. «*Қаландаровнинг оппоқ оқарган юзи, кўзлари атрофидаги табассумни ифодалаши керак бўлган ажин*» қисми эса новербал контекст сифатида намоён бўлиб, кишининг психологик ҳолатига оид аччиқланиш, ғазабланиш каби маъноларни ифода этмоқда. Бу эса, айни пайтда, психологик контекстни ташкил қилади. «*Эчкининг орқаси қичиса, чўпоннинг нонини ейди», – деб турганини кўрсатар эди*» қисмида эса мантиқий структура орқали айнан ижтимоий белгилар ёки социал контекст назарда тутилади. Бунда «эчки»га хос бўлган подада бошловчилик вазифаси «кетмончи» образи учун мотив асоси сифатида танланади. Иккинчидан, вербал контекстда денотатив маъно билан бирга коннотатив маъно структураси ҳам мавжудлиги кўзга ташланади, шундай ҳолат новербал контекстда ҳам юзага чиқишини кўриш ва илмий асослаш мумкин, хусусан, «*Қаландаровнинг оппоқ оқарган юзи, кўзлари атрофидаги табассумни ифодалаши керак бўлган ажин*» новербал контекстида коннотатив структура ифодаланади ва биринчи планга чиқади. Денотатив структура эса ноактуал қатор сифатида матнда инвариант шаклда яширин берилади. Юқоридаги матнда кишининг руҳий ҳолати новербал контекстда очиқ шаклда берилади. Бу жиҳатдан қараладиган бўлса, вербал

[106] Мыркин В.Я. Кўрсатилган асар. – Б.92.

www.ziyouz.com kutubxonasi

контекстда сўзловчининг психологик ҳолати очиқ баён қилинмайди, ҳар қандай ҳолатда ҳам сўзлашувчилар бир-бирига «ҳозир мен сени қўрқитаман» ёки «ҳозир мен сенга мақтанаман», «мен сени менсимаяпман», «мен сени калака қиляпман» каби психологик муносабатларини очиқ текстда бермайдилар, буларнинг барчаси нутқ ёки матнда нутқий актлар сифатида намоён бўлади. Сўзлашувчилар бир-бирларининг психологиясини билганликлари учун ҳам ўзаро мулоқотга киришадилар ва нутқий актлар ёрдамида муносабат билдирадилар. «Илтимос», «буйруқ», «ялиниш», «ваъда», «таҳдид», «қўрқитиш», «огоҳлантириш», «масхаралаш», «ҳақорат» каби қатор маънолар нутқий акт шакллари сифатида ифода, нутқ ва матн мазмунидан англашилиб туради ҳамда булар очиқ текстда берилмайди.

Масалан,

– Майли, майли! – деди Унсин кўзлари жавдираб. – Лекин лафзингиздан қайтмайсиз...

Додхонинг дами ичига тушиб кетди. Бир гадоваччанинг бу даргоҳдан кетишга ошиқиши унга ҳақорат бўлиб тушди...

Додхонинг оппоқ, узун соқоли, товуши титради. (А.Қаҳҳор)

Ушбу контекстда эркак кишига, яна ўз эрига нисбатан «лафзингиздан қайтмайсиз» ифодасини шижоат билан қўллаш натижасида «менсимаслик», «ҳақорат» маънолари яширин баён қилинади, шунингдек, додхонинг портрет тасвиридан «аччиқланиш» маъноси англашилиб туради, булар, ўз навбатида, психологик контекстга мисол бўлади.

Сўзлашувчиларнинг руҳияти билан боғлиқ социал белгилар нутқий актларнинг хусусиятлари сифатида кўзга ташланади. Шунинг учун нутқ иштирокчиларининг психологияси билан боғлиқ шахс хусусиятини ифодаловчи маънолар «модус»[107] шаклларидан бири сифатида кўпинча имплицит шаклда баён қилинади.

Психологик контекст сўзлашувчиларнинг аввалги биргаликдаги ҳаётий тажрибаларига асосланувчи умумий билимлари билан узвий боғлиқ бўлган хусусий муносабатларидир. Психологик контекст сўзловчининг руҳий ҳолатини ифодалайди, сўзловчининг кайфияти, руҳияти, идроки, тасаввури, қўрқиш ёки қўрқмасли-

[107] Балли Ш. *Общая лингвистика и вопросы французского языка.* – М., 1955. – С.46.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги, рози ёки рози эмаслиги каби маъноларнинг матн мазмунида ифодаланиши назарда тутилади. Масалан:

Ёнида ўтирган кундоши тирсаги билан биқинига икки-уч туртгандан кейин Унсин бошини кўтариб, бало-қазодай тикилиб турган додхога бир кўз ташлади-ю, яна бошини эгиб, дадил жавоб берди:

– Жавоб берсангиз... Ганжиравонга кетсам... Битта гўрга битта пичоқ эмас, ўнта гўрга ўнта пичоқ санчиб келаман... – деди. (А.Қаххор)

Матндаги Унсин нутқига хос бўлган «қатъият» оҳанги орқали ифодаланган «шижоат» ва «қўрқмаслик» каби маънолар нутқий акт сифатида психологик контекстни ташкил қилади.

В.Я.Мыркин психологик контекстни яширин контекстга мувофиқлаштирган ҳолда психологик контекстга алоҳида таъриф беради. Муаллиф «суҳбатдошлар билими ҳақидаги сўзловчининг тасаввури»ни психологик контекст сифатида эътироф этади. Бу билан ўзи билмаган тарзда яширин контекстдан психологик контекст фарқини ажратиб кўрсатади.

Сўзловчи томонидан баён қилинган ахборотнинг қайси кўриниши тагмаъно ифода шаклида берилиши сўзловчи позицияси билан боғлиқдир. Буни ҳис қилиш ҳамда илғаб олиш тингловчининг индивидуал руҳий ҳолати билан боғлиқ бўлиб, суҳбатдошлар ҳақидаги билимлар назарда тутилган нутқ кўриниши психологик контекст деб юритилади. Яширин баён қилинган ахборотнинг қиймати сўзловчи учун, шунингдек, унинг англаниши сўзловчи назарда тутган тингловчи учун ҳам характерли бўлса, психологик контекст коммуникантнинг ички мақсади амалга ошиши учун – тингловчига хос билимлар назарда тутилган нутқнинг таъсири учун ҳам характерлидир. Масалан:

Отабек ҳам ўз томонидан бир кулгу тўқумоқчи бўлиб, Зайнаб билан Кумушга қараб олди:

– Мен бир ишка ҳайронман, – деди.

– Нимага? – деб сўради Моҳира ойим.

– Нега Зайнаб семиз-у, Кумуш озғин?!

Ўзбек ойим жавобланди.

– Бунинг ҳикматини мендан сўра, болам, – деди, – Кумушинг ўзингга ўхшаш серфикр кўринадир, Зайнаб бўлса менга ўхшаш қувноқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Отабекни ўзига ўхшатгани учун Кумуш қайин онасидан рози бўлди. Аммо Зайнаб ўзини Отабекдан четга қоққани учун Ўзбек ойимга ғижинди. (А.Қодирий)

Бу матнда баён қилинган ахборот нутқ иштирокчилари учун турли даражадаги таъсир кучига эга бўлиб, у психологик контекст кўриниши сифатида перлокутив акт хусусиятларидан иборат бўлади.

К.А.Долинин ифоданинг яширин мазмуни хусусида сўз юритиб, унинг кўринишларини фарқлаш лозимлигини алоҳида таъкидлайди. Жумладан, яширин маъно ифоданинг номинатив мазмунига алоқадор бўлиб, у ёки бу референт вазиятни акс эттирувчи ифода референциал тагмаъно деб юритилади. Ифоданинг коммуникатив мазмунига кирувчи коммуникация акти ва унинг иштирокчилари билан алоқадор мазмун коммуникатив тагмаъно[108] деб юритилади. Тагмаъно кўринишларининг фарқланиши Ирена Беллертда ҳам учрайди. Унинг таъкидлашича, ифода семантик қаторидаги яширин мазмун қуйидаги икки қоидага кўра фарқланади.

1. Ифода семантик тузилишидаги референциал мазмун «тил билимлари» асосида фарқланади.

2. Ифода семантик тузилишидаги референциал мазмун «олам билимлари» асосида фарқланади.[109] Масалан: *Рўзаи рамазон ойида Карим ота ва онаси «Умра» сафарига бордилар.*

Жумладаги квазиимпликатив мазмуннинг тил билимлари ҳамда олам билимлари принципига кўра таҳлили қуйидагилардан иборат.

1. Карим ота ва онаси она ва бола, эркак ва аёл эканлиги хусусидаги референциал ахборот квазиимпликациянинг тил билимлари асосида фарқланиши ҳисобланади. Тил билимлари асосида квазиимпликатив мазмунни ажратиб олиш учун лисоний бирликлар референциал маъноси назарда тутилади ҳамда луғавий бирликларни компонент таҳлил қилиш орқали аниқланади. Демак, ифода семантик тузилишидаги импликатив мазмун компонентларининг тил билимлари ёрдамида аниқланиши тил ва

---

[108] Долинин К.А. Имплицитное содержание высказывания // ВЯ. 1983. №6. – С.38.

[109] Беллерт И. Об одном условии связности текста // НЗЛ. Вып.VIII. – М., 1978. – С.179 – 181.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқ бирликларини тизим сифатида таҳлил қилиш усули билан амалга оширилади.

2. Карим ота ва онаси кекса ёшли одамлар эканликлари, бу эса уларнинг исломий фарзнинг бажариш имкониятига эга эканлиги хусусидаги референциал ахборот квазиимпликациянинг «олам билимлари» асосида фарқланишидир. Квазиимпликатив мазмунни ажратиб олишнинг иккинчи қоидаси нутқ иштирокчиларининг «олам ҳақидаги билимлари» асосида амалга оширилади. Бунга кўра, ифода таркибидаги элементларнинг референциал маънолари билан мантиқан бошланувчи ижтимоий воқелик тафсилотларига алоқадор маънолар таҳлил қилинади. Масалан:

Додхонинг оппоқ, узун соқоли, товуши титради.

– Хўп, лафзимдан қайтмайман, мана хотиржам бўла қол: мен ҳозир сени бир талоқ қўйдим, қайтиб келганингдан кейин уч талоқсан! Бор қумғонни кўтар!..

Унсин додходан юзини беркитганча чиқиб кетди. (А.Қаххор)

Демак, ифода семантик тузилишидаги референциал импликатив мазмун билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий воқелик маънолари олам билимлари асосида фарқланади. Матндаги тагмаънонинг аниқланиши сўзлашувчиларнинг борлиқ ҳақидаги билимлари билан узвий боғлиқдир. Бу ўринда борлиқ ҳақидаги билим «номаҳрам эркак олдида аёл кишининг юзни тўсиш билан боғлиқ ҳаракати»дан иборат бўлиб, ижтимоий контекстни ташкил қилади.

Л.М.Салмина, Л.М.Костичевалар ҳам бадиий матн семантик таркибини қуйидаги компонентлардан ташкил топишини кўрсатиб ўтади. Матн семантикасининг номинатив компоненти воқелик режасини ташкил этади. Матн семантикасининг модус компоненти воқелик режаси – эмоционал ёки рационал жиҳатларни ташкил этади. Матн семантикасининг прагматик компоненти – матннинг иллокутив ва перлокутив кучлари, унинг фаолият кучи ва адресатга таъсирини ташкил этади. Матннинг иллокутив кучи ифода – гап каби муаллиф фикри, мотиви сифатида асарнинг у ёки бу жанр шаклини танлаб олади. Таъсир этувчи (перлокутив) кучлар танланган жанр хусусиятларига кўра аниқланади.[110]

[110] Салмина Л.М., Костычева Л.М. Семантическая структура художественного текста и перевод // Экспрессивность текста и перевод. – Казан, 1991. – С.107.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юқоридаги назарий қарашларда матн семантикаси таркибидан ифода модуси алоҳида ажратилгани ҳолда, матн семантикасининг учинчи компоненти сифатида унинг прагматик жиҳатлари алоҳида тасниф қилиниб, бу йўналиш матннинг иллокутив ва перлокутив хусусиятлари билан алоқадор эканлиги кўрсатилади. Демак, матн мазмуний тузилиши номинатив, модус ҳамда прагматик йўналишларга эга бўлади. Матннинг прагматик йўналиши сўзловчи коммуникатив ички ниятини акс эттириш даражасига кўра индивидуал услубий жанр шаклларидан бирини танлаб олади. Ана шу танланган жанр шакли ахборотнинг турлича кўринишлари сифатида намоён бўлади ва улар тил босқичида қуйидаги тартибда номланиши мумкин: 1. Ахборотнинг пресуппозицион жанр шакли. 2. Ахборотнинг пропозиционал жанр шакли. 3. Ахборотнинг тагмаъно жанр шакли.[111]

Матннинг бу жанр кўринишларига хос умумий ва дифференциал белги-хусусиятлари бугунги ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу ҳодисалар нутқ субъекти ва унинг индивидуал услуби билан узвий боғлиқ бўлганлиги орқали соф маънода лингвистик прагматика учун йўл очади. Матннинг лингвопрагматик табиатини ўрганиш учун имконият яратади.

Матннинг прагмадиктал белгилари

Матнда сўзловчи назарда тутган ахборот ҳар доим ҳам вербал ифода таркибида тўлиқ маънода ошкора баёнга эга бўлавермайди. Кўпинча ошкора баён қилинмаган, аммо сўзловчи ички мақсади акс этган яширин мазмун кўринишларини матн мазмуний структурасидан илғаб олиш тингловчи, нутқ иштирокчиларига катта масъулият юклайди. Бунинг учун сўзловчи, тингловчи ҳамда нутқ иштирокчилари нутқ вазияти ва социал контекстдан тўлиқ хабардор бўлиш билан бирга вербал ифоданинг мазмуний тузилишидаги нозик ифода қирраларини англаш учун ўша тилга хос маъно оттенкаларини билиши шарт.

Маълумки, ҳар қандай матнда ахборот сўзловчининг ички мақсади бошқарувида икки мазмуний кўринишдан иборат бўла-

[111] Бу бизнинг таснифимиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Булар ёйиқ ва йиғиқ мазмун шаклларидир. Бундай мазмун шакллари сўзловчининг коммуникатив нияти билан боғлиқ равишда матннинг у ёки бу қисмларида намоён бўлади. Ахборот баён этишнинг ёйиқ шаклларига хос ифода имкониятлари хилма-хил бўлганидек, йиғиқ яширин ифода усуллари ҳам турличадир. Йиғиқ-яширин ахборот контекстлари турлича шакллардан иборат бўлганлиги учун унга нисбатан лингвистикага оид назарий адабиётларда «бир умумий тушунчани ифода этувчи умумяширин («импликация») атамасини қўллайдилар. Бу атама, асли, мантиқшунослик йўналиши билан боғлиқ бўлиб, нолингвистик категория сифатида намоён бўлган».[112] Кейинчалик эса тилда прагматика йўналишининг янги тармоқ сифатида шаклланиши билан умумяширин (импликация) ва унга ёндош бўлган атамалар ўз лингвистик мақомига эга бўла бошлади. Тилда бундай хилма-хил атамаларнинг пайдо бўлиши ижобий ҳодиса сифатида тадқиқотчидан уларга хос аниқ таърифлар беришни талаб қилади.

Йирик тилшунос олим И.В.Арнольд яширин ахборот кўринишларини услубий аспектда тадқиқ ва талқин этади. Унингча, вербал ифода воситаси билан айтиб улгурилмаган ва сўзловчи томонидан ишора қилинган яширин маънолар стилистик объект сифатида қаралиши шарт. Умумяширин мазмун кўринишларига хос бундай қараш бизни қониқтирмайди. Бизнингча, яширин маънонинг ифода имкониятлари тўлиқ маънода сўзловчининг хусусий хоҳишига кўра намоён бўлишининг ўзи бу йўналиш соф маънода лингвистик прагматиканинг объекти деб қаралсагина мутлақо тўғри бўлади.

Умумяширин атамаси лингвистик тушунча сифатида баён қилинган яширин маънонинг барчасини қамраб олувчи мазмунни англатади. Таърифдан англашиладики, яширин маъно кўриниши фақат бир шаклдан иборат бўлиб қолмасдан, у бир неча кўринишлардан иборат бўлади. Умумяширин атамасининг луғавий маъноси матнда вербал ифодалаб бўлмайдиган ёки вербал баён маромига етмаган ҳолатда сўзловчи ишора қилган ва тингловчи англаб олиши лозим бўлган ношаклий мазмун кўринишидир. Бундай ношаклий ифода кўринишлари, албатта, сўзловчининг ички

[112] Арнольд И.В.Стилистика современного английского языка. – М., 1990. – С.103.

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақсади билан узвий боғлиқ равишда нутқий вазият таъсирида намоён бўлади. Юқорида таъкидланган дискурс ҳодисаси тизимли категория сифатида ифодалаш ва англаш билан боғлиқ барча жиҳатларни қамраб олади. Шу маънода умумяширинлик матнда вербал баённга эга бўлмаган, аммо адресат томонидан зийраклик билан англаб олинувчи контекстуал мазмундир.

Ўзбек тилшунослигида бу йўналиш қай тарзда ёритилган, қандай назарий ишлар амалга оширилган деган савол жавобсиз қолмоқда. Ўзбек тилида яширин мазмун кўринишлари алоҳида диссертацион планда тадқиқ этилмаган, ҳатто бу масалага оид тезис ёки мақолаларга ҳам дуч келинмади. Пресуппозиция билан боғлиқ анчагина ишлар амалга оширилган, бироқ классик адабиёт намуналари кузатилганда бу йўналишга оид фактик материалларга ниҳоятда бой эканлигимизнинг гувоҳи бўлинди. Ҳатто классик адабиётнинг назарий йўналишига оид жуда кўп асарларда[113] «ёйиқ» ва «йиғиқ» атамаларнинг мумтоз шакллари мавжуд эканлиги, буларнинг мумтоз адабиётда «ботиний» ва «зоҳирий» атамалар билан номланиши ўзбек тилида ёйиқ ва йиғиқ мазмун кўринишлари тадқиқот объекти сифатида танлангани мутлақо тўғрилигини кўрсатади.

Юзаки қаралганда, матнда ифодаланган ахборотни ёйиқ ва йиғиқ кўринишларга ажратишнинг нима ҳожати бор мазмунидаги савол туғилиши табиий. Албатта, бу ҳаётий талаб, эҳтиёж ва зарурият таъсирида юзага келади. Нутқ вазияти сўзловчидан ҳар қандай ахборотни ҳам ошкора ифодалашга йўл қўймайди. Бунинг учун, албатта, сўзловчи ҳар қандай вазиятда фикр ифодалашга тайёр туриши керак. Баъзан нутқ вазияти ёки ижтимоий муҳит вербал ифодада ошкора тасвирга йўл қўявермайди. Ҳазрат Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги қуйидаги ривоят яширин мазмуний ифоданинг вербал матн таркибига қандай сиғдирилганининг классик намунаси ҳисобланади:

Ҳусайн Бойқаронинг рафиқаси оғир касалга дучор бўлиб, бир йил ётади. Оқибат ўлим тўшагида ётганда Бойқаро вазирларига тайинлайди:

– Мен фалон жойга шикорга кетаман. Ким менинг изимдан хотинингиз ўлди деб борса, ўша кишини ўлдираман.

---

[113] Қодиров В. Мумтоз адабиёт: ўқитиш муаммолари ва ечимлар. – Тошкент: Миллий кутубхона, 2009.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳусайн кетгач, уч кундан кейин хотини вафот этади. Вазирлар хотинни кўмиш учун, албатта, Бойқарога хабар бериш зарурлигини билсалар-да, ўз жонларидан қўрқиб саросимага тушадилар. Бу воқеани Ҳусайннинг дўсти ва мактабдоши Алишерга етказадилар. Алишер хотин ўлиш олдидан қаерда ётганини суриштиради. Хабарчи эса малика сарв дарахтининг тагида ётиб жон берганини айтади. Навоий дарҳол бир мисра шеърни қоғозга битиб, ўша кишининг қўлига тутқазади:

Сарв гулнинг соясида сўлди гул, нетмоқ керак?

Хабарчи ушбу бир мисра шеър ёзилган қоғозни олиб, дарҳол Ҳусайн Бойқаро ёнига отланди. Ҳусайн қоғозни олиб ўқиди ва бунга жавобан яна бир мисра шеър битди:

Сарвдин тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак.

Уни чопарга тутқазди. Чопар етиб келгач, марҳума Ҳусайн айтганидек ўз қоидаси билан кўмилди.

Юқоридаги мисра мазмунидан кўринадики, сўзловчи нутқ предмети ҳақидаги ахборотни яширин, аниқроғи, тагмаъно шакл воситаси билан ифодалайди. Демак, нутқ вазияти вербал ифодада ошкора тасвирни қатъий инкор этади. Бу матнда тагмаъно эвфемистик усул билан амалга оширилади. Шу ўринда эвфемизм билан умумяширин маъно кўринишларини фарқлаш муҳимдир. Эвфемизмлар, яширин маънодан фарқли равишда, тил ҳодисаси саналади. Эвфемистик луғавий қатлам кишилар хотирасида сақланади. «Эвфемистик сўз ва иборалар вақт ўтиши билан контекстсиз ҳам ўз маъноларида тушунаверадиган бўлиб қолиши мумкин».[114] Яширин маъно эса нутқ ҳодисаси саналади. Эвфемизмлар фақат ижобий муносабатни ифодалаши билан ажралиб туради. Умумяширин мазмун кўринишлари эса нутқий ҳодиса сифатида сўзловчининг ҳар қандай ниятини яширин ифодалаш учун хизмат қилади. Эвфемизмлар тилда мавжуд сўзларнинг синонимларидир. Баъзи тилшунослар эвфемизмларни стилистиканинг объекти сифатида тўғри талқин қиладилар. Уларнинг таъкидлашича, «эвфемизм тўла маънода стилистиканинг эле-

[114] Исматуллаев Н. Эвфемизмларнинг луғат составини ва сўз маъноларини бойитишдаги аҳамияти // Илмий асарлар. 42-том, 2-китоб. Тилшунослик масалалари / М.Асқарова таҳрири остида. – Тошкент 1964. – Б.3.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ментидир».[115] Бу жуда тўғри, эвфемизмга бундай қарашнинг давоми яна тилшуносликнинг қандайдир соҳасига мурожаат қилиш учун эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, «...У (эвфемизм) орқали инсон руҳияти, ўзаро муносабати, бир-бирига бўлган эъзози, ҳурмати, такаллуфи акс этади. Айтиш мумкинки, унда халқнинг миллий руҳи, этик ва эстетик диди, одоби ва назокати мужассамлангандир, чунки эвфемизмлар инсон ҳаёти, турмуши, физик-биологик ҳолатлари ва муомала маданиятига алоқадор тушунчаларни ифодалайди».[116] Кўринадики, эвфемизм билан яширин маъно ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни кўрсатишнинг ўзи ҳамда эвфемизмларнинг вербал ифодада ижобий муносабатнинг ифодалаши каби масалалар соф маънода лингвистик прагматика муаммоларидир.

Умуман, яширин мазмун ифодалаш шакллари турлича кўринишлардан иборат бўлганлиги учун уларни дастлаб икки гуруҳга ажратиб оламиз.

1. Умумий яширин маънолар.
2. Хусусий яширин маънолар.

Умумий яширин маънолар сўзловчи, тингловчи ва барча нутқ иштирокчилари англаб олиши мумкин бўлган яширин маънолардир. Уларга ибора, реплика, матал, мақол, топишмоқ ва шу кабилар киради. Бундай матнлар орқали ифодаланган тагмаънолар ҳар қандай нутқ иштирокчиси учун маълум бўлишлик белгиси билан характерланади. Яширин маънонинг ҳар қандай синтактик бирликлардаги новербал мазмуний имкониятлари кўп ҳолларда матннинг жанр хусусиятлари билан боғланади. Умумий яширин маъно кўринишлари паремиологик жанрга хос матнларда кўзга яққол ташланади. Бундай матнлар тор вербал синтактик шакл сифатида сўзловчи назарда тутган яширин маънони ифодалаш учун кенг мазмуний имкониятга эгалиги билан ажралиб туради. Масалан: «*Аҳмоққа Қува бир тош*», «*Аҳмоқ калла оёққа тинчлик бермайди*», «*Кўз бўлмаса, пешона*» каби ибора типидаги маталларнинг мазмуний тузилишида умумяширин мазмун кўринишлари акс этади. Бу яширин компонент «*Минг ҳаракат қилмагин, барчаси бекор*» мазмунидаги яширин маънодан иборат бўлиб,

[115] Шамсиддинов Ҳ. Сўзларнинг эвфемистик функционал-семантик синонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1997. №6. – Б.22.

[116] Кўрсатилган асар. – Б.22.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг моҳияти ақлсиз кишиларнинг масофани, вақтни идрок қила олмасликлари ҳамда куч-қувватни мақсадсиз сарф қилиши хусусидаги маъно билан мантиқан боғланади. Тилшунос олим Б.Йўлдошевнинг ибора хусусидаги қарашлари фикримизни тасдиқлайди. «Фразеологик бирликлар сўзлардан фарқли ҳолда объектив реалликдаги муайян воқеа-ҳодисани номлаш учун эмас, балки унга нисбатан модал муносабатни ифодалаш мақсадида юзага келади. Тилдаги фразеологик бирликнинг асосий қисми маъно жиҳатидан инсонга қаратилган: улар кишини бирор физик, руҳий, ахлоқий, интеллектуал хусусиятини, хатти-ҳаракатини баҳолайди. Шу сабабли фразеологик бирликларнинг маъно таркибида кўпинча коннотатив элемент иштирок этади. Бу элемент фразеологик бирликнинг денотатив маъносига эмоционал-экспрессивлик юклайди».[117] Коннотатив структура эса прагмалингвистика муаммолари сирасига мансубдир.

Мақоллар ҳам умумяширин маъно кўринишларини юзага чиқарувчи махсус матнлар сифатида ажратилади. Буларда ҳам сўзловчи назарда тутган умумяширин маъно шакллари ўзига хос тарзда баён қилинади. Масалан, «*Осмон йироқ, ер қаттиқ*». Ушбу матндаги яширин маъно «*Ҳеч нарсанинг иложи йўқ*» мазмуни билан намоён бўлиб, бундай матнлар воситаси билан ошкора тасвир инкор этилса-да, бироқ бу яширин мазмун ҳамма нутқ иштирокчисига тушунарли бўлгани учун умумяширин маъно деб ажратилади.

Бундай типдаги яширин маъно ифодаловчи мақол матнларига «*Отнинг ўлими – итнинг байрами*», «*Ола қарға қағ этади, Ўз вақтини чоғ этади*», «*Кўрпангга қараб оёқ узат*» кабиларни киритиш мумкин. Бу матнларга хос умумяширин маъно ҳамма учун тушунарли бўлиши билан характерланади.

«*Эшон олдида турган рюмкани битта отди ва оғзини қўлининг орқаси билан артди, закуска қилмасдан дўпписининг ичини ҳидлади.*

Отам... қозиқнинг учи ҳам бўлма, боши ҳам бўлма, ўртаси бўл; учи бўлсанг ерга кирасан, боши бўлсанг тўқмоқ ейсан деганлар. (А.Қаҳҳор)

[117] Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. докт... дисс. автореф. – Тошкент, 1993. – Б.12.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мақолларга хос умумяширин маъно билан эллипсис ҳодисасини фарқлаш лозим. Умумяширин мазмун эллипсисдан контекст чегарасининг кенглиги билан фарқланиб, матнда қўшимча ахборот ифодалаши билан ажралиб туради, бу вақтда эллипсис фақат компрессия беради, холос, шу билан бирга, эллипсисни тор шаклий синтактик бирлик сифатида қайта вербал тиклаш имконияти мавжуд.

Саида эшондан:

– Сиз колхозда нима иш қиласиз?

...

– Старший чойхончик! (А.Қаххор)

Бу мазмуний мундарижага ва ҳатто сўзловчининг ички мақсадига таъсир қилмайди. Матний умумяширин мазмунни вербал тиклашнинг имкони бўлмайди, чунки сўзловчи назарда тутган мазмунни атайин яширин ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлади. Демак, матний яширин маъно нутқий вазиятни ҳам қамраб олиши билан характерланувчи вербал тасвирни инкор этувчи кенг социал контекстдир. Эллипсисда образлилик бўлмайди, яширин маънода образлилик биринчи планда туради. Образлиликнинг акс этиш нуқтаи назаридан ўзида яширин маънони тўлиғича ифода этувчи топишмоқ жанрига хос матнларда «инсонни ўраб олган нарса, воқеа ҳамда ҳодисалар ҳақида кўчма маънода сўз юритилиб, жумбоқ яратилади ва тингловчидан ана шу жумбоққа жавоб талаб қилинади».[118] Демак, бу жанрга хос матнларда барча сўзларнинг, асосан, кўчма маънода қўлланиши образлиликни кучайтиради:

Бу на гумбаздур, эшиги, туйнугидан йўқ нишон,
Неча гулгун-пўш қизлар манзил айлабдур макон.
Синдуруб гумбазни қизлар ҳолидин олсам хабар,
Юзларига парда тортиғлиқ, турарлар бағри қон.
(Увайсий)

Бундай жанрга хос матнларда сўзловчи маълум бир предметга хос умумий белгиларни образли воситалар ёрдамида тасвирлай-

[118] Соатов Б. Мақолларнинг матал ва топишмоқларга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. №5. – Б.39.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди, асосий мақсад эса жумбоқ сифатида тингловчи томонидан топиш талаб қилинадиган предметнинг ҳақиқий маъноси прагмадиктал тасвир остига берилади. Демак, мақолда ҳам, маталда ҳам маълум маънода нутқ вазияти билан боғлиқ равишда умумяширин маъно баён қилинади, топишмоқларга хос матнларда эса матндаги диктал мазмуннинг ўзи фақат яширин маъно тасвири учун хизмат қилади.

Шунинг учун топишмоқ матнларига хос яширин маънони прагмадиктал яширин маъно деб юритамиз. Матал, мақол ва топишмоқларда ифодаланган яширин маъноларнинг ҳам англаниш даражаси тингловчи ва нутқ иштирокчиларининг прагматик имкониятлари даражасига кўра турлича бўлиши мумкин. Жумладан, «... мақолнинг мазмуни муайян халқ учун бир хилда тушунилса, топишмоқ асосида яширинган мазмун – жавоб фақат топқир, фаросатли, зукко кишилар учунгина тушунарлидир».[119] Демак, сўзловчи ва тингловчи прагматик имкониятлари умумяширин мазмунни ифодалаш ва англашда муҳим ўрин тутади.

Хуллас, импликатив мазмуннинг умумяширин шаклларига хос матнлар таркибига матал, ибора, мақол, топишмоқ кабилар киритилиб, уларда баён қилинган яширин маъно кўринишлари фаросатли ва зукко тингловчиларнинг барчаси учун аниқ бўлиши билан ажралиб туради. Шунинг учун бундай типдаги яширин мазмунни умумяширин мазмун деб юритиш мақсадга мувофиқдир.

Ифоданинг семантик тузилиши ва тагмаъно

Объектив оламда содир бўлаётган воқеликларнинг тилдаги ифодасига сўзлашувчиларнинг олам хусусидаги тасаввурлари ва ўзаро муносабатлари қўшилиб кетади. Кишилар ўртасидаги коммуникатив муносабатларнинг юзага чиқиши вербал ҳамда новербал ифодаларнинг қўлланиши билан амалга оширилади. Сўзловчи нутқий фаолияти давомида ва ифода ҳаракатлари ёрдамида маълум факт, воқелик хусусидаги ахборотни оламда акс этган реалликнинг ҳақиқийлик шарти асосида баён қилади.

Ахборот баёни ошкора ёки яширин шаклда бўлиб, бу коммуникация жараёнидаги нутқий вазият ва сўзловчининг ички мақ-

[119] Соатов Б. Кўрсатилган асар. – Б.39.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сади билан узвий боғланади. Ифода семантик тузилиши мураккаб бўлиб, у ўзининг таркибига сўзловчи шахси ва нутқий вазият билан алоқадор бир неча мазмун кўринишларини қамраб олади. Коммуникация жараёнида сўзловчи ва тингловчи хусусий муносабатларининг шартномавий баёни ошкора ва яширин мазмундан иборат, улар ифодаланиш даражаларига кўра бири иккинчисидан кескин фарқланади. Ахборотнинг ошкора шакли ифоданинг ҳар қандай кўринишида мавжуд, у кўпинча нутқ предмети хусусидаги оддий пропозицияни ташкил қилади ва бу ошкора мазмун деб юритилади. Ахборотнинг яширин шакли эса ана шу ошкора баён таркибига жойлаштирилади. Бу яширин мазмун деб қаралади. Баъзи ифодаларга шундай кўз тушиши билан ундаги ахборот мазмунини илғаб олиш қийин бўлмайди. Бошқа бир ифодаларда эса гарчи уларнинг шаклий тузилиши содда бўлишига қарамай, сўзловчи назарда тутган ахборот мазмунини англаш қийин. Бундай ифодалар мазмуний тузилишида ахборотнинг бир неча кўринишлари иштирок этгани учун уларни ўзаро бирини иккинчисидан чегаралаш мезонларини кўрсатиш сўзловчи назарда тутган ахборот шаклини тўғри англаш имконини яратади. Демак, нутқий мулоқотнинг меъёрий амалга ошишида ифода мазмунининг маълум гуруҳларга ажратилиши муҳим ўрин тутади.

Ифоданинг яширин баёни, жумланинг тагмаъноси коммуникация иштирокчиларининг фикрлаш фаолияти билан ва уларнинг олам ҳақидаги тасаввурлари билан узвий боғланади. Сўзловчининг ташқи олам ҳақидаги тасаввури қанча кенг бўлса, у нутқий вазият даражасини шу қадар тез фаҳмлайди. Шунинг учун ифода семантик структурасидаги ахборот кўринишларини ошкора ёки яширин баён қилиш, ошкора ифодалаб бўлмайдиган ахборот кўринишини тагмаъно шаклида бериш сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқдир. Умумяширин мазмун вербал шаклнинг тагмаъно усулига айлантирилади ёки новербал ифода ва унинг гавда ҳаракатлари билан боғлиқ кўриниши орқали юзага чиқарилади.

Сўзловчи нутқ предмети ҳақидаги ахборотни тил белгилари йиғиндиси ёрдамида юзага чиқаради. Бу ифода семантик тузилишидаги оддий хабар мазмунини ташкил этади. Ошкора шакл, асосан, ифода диктумидан иборат бўлади. Диктум моҳияти пропозиция мазмуни билан яна ҳам ўзининг аниқ маъносига

www.ziyouz.com kutubxonasi

эга бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги хусусий муносабат пропозиционал мазмун асосидаги диктумнинг қуршовида баён қилинади ва баъзида бундай ифодалар яширин мазмун кўриниши сифатида матн ичига жойлаштирилади. «Матн ичидаги матн» тушунчаси рус тилшунослигида «подтекст»[120] атамаси билан номланади. Подтекст атамаси матн, контекст ва нутқ атамалари ифодалаган тушунчалар мазмуни билан боғлана олмайди, уларнинг варианти сифатида ҳам қўлланмайди. «Подтекст» атамаси ифодалаган тушунча мазмуни матн ичидаги «яширин матн» маъносидан иборатдир. Бу ҳодиса коммуникация иштирокчиларининг нутқий фаолияти, индивидуал услуби ва шахснинг ички ҳис-туйғуси билан узвий боғлиқ. «Яширин матн» тушунчасини аниқ англаш ва тўғри тушуниш мақсадида биз уни «тагмаъно» атамаси билан номлаймиз. Тагмаъно яширин ифода бирликларидан бири бўлиб, у ўзининг юқоридаги белги-хусусиятлари билан лингвистик прагматиканинг марказий масалаларидан бири деб қаралади.

Тагмаъно кўпинча пропозиция воситасида баён қилиниб, фақат баъзи ҳолатлардагина пропозициядан кейин муаллиф изоҳи сифатида ошкора вербал баёнга эга бўлади. Масалан:

Анчадан кейин Қаландаров худди ўзига гапиргандай деди:

– Колхозда айшингизни қилиб юра берасиз. Партия ташкилотининг секретарига иш йўқ дейиш мумкин. Пахта ҳар йили юз! Пилла юз! Оқсаган тармоғимиз йўқ дейиш мумкин. Ўзингиз ҳам билсангиз керак?

Саида нима деярини билмай қолди. Қаландаровнинг бу гапларидан: «Сен эмас, сендан дурустроқ секретарга ҳам муҳтож эмасман» деган маъно чиқар эди. (А.Қаххор)

Бу матнда сўзловчи коммуникатив фаолияти билан боғлиқ тагмаъно пропозиция таркибида яширин баён қилинади. Нутқ субъекти пропозиционал мазмунни сўроқ акти билан баён этиш натижасида мазкур акт воситаси билан тагмаънога ишора қилади. Бу тагмаъно «*Сен эмас, сендан дурустроқ секретарга ҳам муҳтож эмасман*» мазмунидан иборатдир. Сўроқ акти орқали тагмаънога ишора қилиш билан тингловчидан маълум нутқий акт тасдиғи талаб этилади.

---

[120] Сильман Т.И. Подтекст как лингвистические явление // ФН. 1969. №1.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўп ҳолларда сўзловчи ўзи учун муҳим бўлган ахборот кўринишларидан бирини ошкора баён қилишни истамаганлиги учун уни матн ичига тагмаъно сифатида жойлаштиради.

Ошкора баёнга эга бўлмаган тагмаъно кўриниши, гарчи яширин берилган эса-да, тингловчи учун маълум бўлади. Масалан:

Қайтиш хабари Офтоб ойим қулоғига етишгандан кейин унинг аввалғи учрашиши қизи билан эди. Чунки эрига қарағанда ҳам кўпроқ ихтиёрни қизида бўлганини яхши билар эди. Шу хабарни Ҳасаналидан эшитиш ила тўғри Кумушнинг ёнига киради:

– Кумуш, – деди кулимсираб, – қайтар эмишмиз, даданг айтибтилар.

Кумуш қўлида нимадир тикиб ўлтурғон эди. Кўзини ишдан олмади.

– Қайтсаларингиз хайр-хўш. (А.Қодирий)

Бунда сўзловчи ахборот кўринишларидан бирини, ўзи учун муҳим бўлганини тагмаъно қаторига киритади. Сўзловчи учун муҳим саналган тагмаънонинг аргументлари нутқ субъектига тўла маънода тушунарли бўлади, шунинг учун бу тагмаъно кўриниши дарак мазмуни билан баён қилинади.

Баъзи ҳолатларда сўроқ акти ҳам тагмаънони ифода этади.

Масалан:

«*Танишгани бошқа ҳеч нарса бўлмагани учун Саида кабинетни қулфлаб, боққа чиқди. Қаландаров олдида бир чойнак чой, сўрида оёғини саланглатиб ўтирар эди. Саидани кўриб «кабинетни қойил қилибманми» деган маънода: «Хўш қалай?» – деб илжайди. (А.Қаххор)*

Тагмаъно фақат адресант томонидангина содир этилмайди, балки сўзловчи назарда тутган тагмаъно тингловчи томонидан ҳам изоҳ сифатида баён қилинади. Масалан:

«*Эшон аскарликдан қолиш учун бир ҳафтанинг ичида бисотидаги йигирма олти тишининг ҳаммасини суғуртириб ташлабди.*

Саида ҳайрон бўлди.

– От эканми тишига қараб олади! – деди. – Мен илгари даданғиз билан эшон орасидаги муносабатга бир чеккаси қудалик деб қарар эдим, модомики ундоқ экан, модомики эшон шундай одам экан.

Козимбек унинг сўзини оғзидан олди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Даданг нима учун эшонни ўзига бунчалик яқин тутади демоқчисиз-да? (А.Қаххор)

Бундай вазиятларда тингловчи сўзловчи ички ниятини акс эттирувчи тагмаънони англайди ва ошкора вербал ифода билан баён қилади.

Ифоданинг умумяширин мазмуни ўзининг қуйидаги баъзи кўринишларига ёки услубий шаклларига эга бўлади: «имликация, тагмаъно, аллюзия, пресуппозиция, номатний маъно («затекст»)».[121] Матндаги умумяширин мазмуннинг хилма-хиллиги таниқли тилшунос олим И.В.Арнольд томонидан ҳам алоҳида кўрсатилади. Унинг таъкидлашича, тагмаъно эллипсис, аллюзия, семантик мураккаблашиш ва матний яширин мазмуннинг ўзи умумяширин мазмун шакллари ҳисобланади.[122] Матнда баён қилинган диктал ва модал ахборот мазмунининг нутқий вазиятга кўра тенглик даражага хос ифодаси аллюзия ҳодисасининг моҳиятидир. Буни қандай тушуниш мумкин? Аллюзия ҳодисасини содир этиш учун сўзловчи бир неча нутқ иштирокчиси ичида ўзи назарда тутган яширин мазмунни объектив мазмун семантик қаторига тенглаштиради. Бунда нутқ иштирокчилари яширин мазмун баёнини умуман пайқамай қолишлари ёки уларда идрок қилиш жараёни тизимга асосланган дискурс таъсири билан мураккаблашади. Аллюзия ҳодисасида мазмуний структуралар ҳисобланган диктум ва модус бир предикатив шаклда ифодаланади, бунда сўзловчи коммуникатив ниятини модусга сингдиради ҳамда диктум орқали унга ишора қилади. Анекдот, аския каби жанрга хос матнларда аллюзия ҳодисаси кўп учрайди, яширин семантик структураларда ҳазил, қочириқ, пичинг каби маънолар қўлланади. Аллюзия ҳодисаси бадиий адабиётда ҳам мавжуд бўлиб, «(лот. allusio – ишора, ҳазил) – барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул сифатида талқин қилинади... Аллюзияда талмеҳга нисбатан ишора объектининг доираси кенгроқ».[123]

---

[121] Долинин К. А. Имплицитное содержание высказывания // ВЯ. – М., 1983. №6. – С.37.

[122] Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М., 1990. – С.103.

[123] Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, 2013.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тилда ҳам адабиётдаги аллюзияда ҳам ишора модуси яширин формада берилади. Булардан «тагмаъно» жумладаги ахборотнинг асосий кўриниши қуршовида баён қилинади. Ифоданинг яширин мазмуни хилма-хил, унинг таркиби пресуппозиция, ёйиқ мазмун, йиғиқ мазмун, тагмаъно ва унинг турлича кўринишлари – луқма, пичинг, киноя, кесатиқ кабилардан иборат бўлади.

Тагмаъно шакллари лингвистик прагматика йўналишининг асосий муаммоларидан бири саналади. Тагмаъно ўзининг турлича кўринишлари билан характерланиб, у пичинг, киноя, кесатиқ тушунчаларини ҳам қамраб олади. Бу масалаларнинг лингвистик прагматика таркибига киритилишининг асоси бор. Киноя ва унинг кўринишларини тўғридан-тўғри прагматика соҳаси билан *боғламай туриб, нутқий акт назарияси ҳақида маълумот бермай* туриб, ифода таркибидаги семантик структурани ажратмай туриб, пресуппозиция, ёйиқ мазмун – пропозиция, яширин мазмун ва унинг бир неча кўринишларини чегараламасдан туриб булар ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Яна мана шу йўналишларнинг умумтадқиқот объекти сифатида бирлашуви уларнинг бир тўғри чизиқда жойлашувидан иборат эканлигидир. Жумладан, лингвистик прагматика ва унинг муаммолари нутқий акт, пресуппозиция, ёйиқ ва йиғиқ мазмун кўринишлари, шунингдек, тагмаъно ва киноя турлари доимо субъект-объект, сўзловчи-тингловчи муносабатида намоён бўлади. Нутқий акт компоненти сифатида адресант-адресат, нутқий вазият кабилар тушунилса, тагмаънонинг муваффақиятли амалга оширилиши учун, албатта, ана шу компонентларнинг иштироки муҳимдир.

Фикрни ошкора баён қилиш ёки уни тагмаъно асосида беришнинг нима аҳамияти бор; фикр ифодалашнинг қайси кўриниши сўзловчининг коммуникатив мақсади юзага чиқишида муҳим ўрин тутади; буларнинг нутқий вазият билан алоқадорлиги қандай каби саволларнинг туғилиши умумяширин мазмуннинг коммуникациядаги аҳамиятини кучайтиради.

Тагмаъно сўзловчининг коммуникатив мақсадини амалга ошириб, у нутқ иштирокчиларидан бирортасини келгуси нутқ вазиятидан огоҳ этади. Масалан: *Бу киши Аҳмаджоннинг укаси Каримжон бўладилар.* Бу жумла семантик тузилишида *«Каримжоннинг таништирилиши»* ҳақидаги пропозиция ичида қуйидаги тагмаънолар мавжуд: *1. Аҳмаджоннинг тингловчи учун таниш эканлиги.*

www.ziyouz.com kutubxonasi

2. Аҳмаджон ҳақида ёмон гапларни айтмаслик. Тагмаъно нутқ иштирокчиларини келгуси нутқ вазиятидан огоҳ этади. Сўзловчи нутқ вазиятидан келиб чиқиб нутқ иштирокчиларидан бирини тагмаъно орқали маълум вазиятдан огоҳ этади.

Ифода семантик тузилишидаги хабар мазмунидан пропозицияни, мантиқий пропозицияни, умумяширин мазмунни ва тагмаъно кўринишларининг бирини иккинчисидан фарқлаш лозим бўлади.

1. «*Каримжоннинг таништирилиши» пропозиция.*

2. *«Нутқ субъектининг ёнидаги одам Аҳмаджоннинг қариндоши эканлиги»* мантиқий пропозиция.

3. Мантиқий пропозициянинг айнан шу вазиятда берилиши яширин мазмун.

4. «*Аҳмаджон ҳақида ёмон фикрлар айтмаслик»* хусусидаги «*Карим Аҳмаджоннинг укаси»* типидаги ахборот тагмаъно ҳисобланади.

Тагмаъно ўзининг семантик структурасида хабар қилиш ва номлаш функциясини бажаришига кўра дастлаб иккига ажратилади:

1. Коммуникатив тагмаъно.

2. Референциал тагмаъно.

Коммуникация акти иштирокчиларининг ички мақсади асосидаги мазмуннинг ўзаро индивидуал баёнига хос ифодалар коммуникатив тагмаъно кўринишлари сифатида ажратилади. Жумладан:

Қайтиш хабари Офтоб ойим қулоғига етишкандан кейин унинг аввалғи учрашиши қизи билан эди. Чунки эрига қарағанда ҳам кўброқ ихтиёрни қизида бўлғанини яхши билар эди.

Шу хабарни Ҳасаналидан эшитиши ила тўғри Кумушнинг ёниға кирди:

– Кумуш, – деди кулимсираб, қайтар эмишмиз, даданг айтибтилар.

Кумуш қўлида нимадир тикиб ўлтурған эди. Кўзини ишдан олмади:

– Қайтсаларингиз хайр-хўш. (А.Қодирий)

Бу матнда Кумуш нутқида *«Ҳаммаларининг қайтишлари, жумладан, ўзининг ҳам»* хусусидаги тасдиқ актини англагани ҳолда онаси билан «хайрлашади» ва бу билан *«Менинг мақсадим Марғилонга кетиш эмас, Тошкентда қолишдир, шунинг*

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун сиз билан хайрлашяпман» мазмунидаги коммуникатив тагмаъно кўринишини юзага чиқаради.

Тагмаъно мазмуни ифоданинг номинатив хусусиятларидан бирини англатишига кўра референциал тагмаъно деб юритилади. Референциал тагмаъно кўринишларида сўзловчи ўз ички мақсади билан боғлиқ референциал белгилар хусусида сўз юритади. Масалан:

– Ношукур экансиз, опа, – деди, – поччамдан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга мени кунимни солса, нима қилар эдингиз?

– Мен ҳам Зайнаб бўлсам, албатта, солар эди. (А.Қодирий)

Бу матнда «Зайнабнинг бўшашганлиги» хусусидаги воқелик актининг номинатив аспекти референциал тагмаъно деб юритилади.

Матндаги тагмаъно ўзининг юзага келишидаги белги хусусиятларига кўра қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

1. Фонопрагматик тагмаъно. Тагмаънонинг бундай кўриниши сўзловчининг талаффуз оҳанги билан боғлиқ бўлади. Сўзловчи бунда матн таркибидаги пропозиционал акт элементларини ўзига хос оҳанг билан – эмфатик усул билан талаффуз қилади. Сўзловчи бунда матннинг талаффуз оҳангига алоҳида урғу бериш билан тингловчига «*мен шунақаман*» типидаги тагмаънони узатишга ҳаракат қилади. Тагмаънонинг фонопрагматик кўринишида матннинг умумий мазмуни иккинчи планга ўтади. Сўзловчи талаффузига хос фонопрагматик оҳанг усули биринчи даражали маъно усули деб қаралади. Масалан:

Ҳуринисо эрини ўлардай гўл подшо, ўзини ниҳоятда қув вазир қилиб кўрсатишга ҳаракат қилар эди.

Қаландаров келди. Ҳуринисо эри ҳақида айтилганларини амалда кўрсатмоқчи, яна «шундай одам ҳам менга бўйин эгади» демоқчи бўлди, шекилли, уни ғазабига олди:

– Келар эдингиз-да... Шу ҳам ишми! Ҳамиша шунақа қиласиз!.. Қачон ташлайсиз шу феълингизни?! – деб шовқин солди. (А.Қаххор)

Фонопрагматик тагмаънонинг баъзи кўринишларида сўзловчи ўз нутқи орқали баён қилинган пропозициянинг эмфатик усул билан талаффуз қилиши натижасида ундаги алоҳида оҳанг самимийлик маъносини ифода этади. Масалан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марғилонға шом вақтида кирган эдим, кўзлаган жойимни тополмай адашдим...

– Қани бўлмаса, журинг бизникига, меҳмон, – айткучининг сўз оҳангидан ўртоқлик бўйи келиб Отабекнинг димоғига урди. (А.Қодирий)

Бу матнда сўзловчи нутқига хос «*чин юракдан ўз уйига таклиф қилиш*» «*ўртоқлик бўйи*» мазмунига тенг келган ҳолда нутқий мулоқот жараёнида кундалик одатга кўра шаклан таклифга тенг бўлса-да, «*суҳбатни тугатиш*», «*хайрлашиш*» мазмунидан иборат такаллуф кўринишларининг «*Самарқанд манзилат*» типидаги шаклларида оҳангнинг функцияси ўзгачадир. Масалан:

– Чой ичмаймизми?

– Ичкарига юрсангиз бўлар эди шаклидаги ифода таркибида ҳам тагмаъно мавжуд бўлиб, бу «*юракдан таклиф қилиш оттенкасига эга эмас*»лик мазмунидан иборатдир.

2. Стилопрагматик тагмаъно. Тагмаънонинг бундай кўриниши сўзловчининг индивидуал услуби билан боғлиқ бўлади. Бунга кўра, сўзловчи томонидан ундаш акти воситаси билан талаб қилинган маълум ахборот кўриниши сўзловчи назарда тутган мазмунни сақлаган ҳолда бошқа пропозицонал шакл билан ифодаланади. Тингловчи бошқа пропозицонал шакл орқали айнан сўзловчи назарда тутган ахборот кўринишини ифодалаш унинг индивидуал услубий маҳорати саналади. Шунинг учун бундай шаклдаги тагмаъно кўринишлари стилопрагматик тагмаъно деб юритилади. Масалан:

– Саодат, – дедим. Қаради. Ўчоқда ёнган олов иссиғиданми ёки уятданми унинг юзи қип-қизил олма эди. Қўлидаги сочиғи билан олдимга яқин келиб тўхтади. – Эшитдингми? – дедим. Ерга қаради. Уни ортиқча уялтирмас учун эшикка қараб юрий бошладим-да: – Майлими? – деб сўрадим. Жавоб ўрнига:

– Ош емай кетасизми? – деди. Бу унинг иккинчи турлик қилиб айтилган «майли» жавоби эди. (А.Қодирий)

Бу матндаги тингловчи нутқига хос «*майли*» жавобининг «*ош емай кетасизми?*» типидаги меҳрибончилик маъносини ифода этувчи бошқа пропозицонал шакл воситасида баён қилиниши стилопрагматик тагмаъно деб юритилади.

Услубий тагмаъно кўринишларида сўзловчи ўз ички мақсади акс этган мазмунни бошқа услубий шаклда ифодалайди. Масалан:

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ниҳоят, Қаландаров ғаши келганини билдирмаслик учун кулиб:

– Хўжайин, меҳмонга ҳам сўз берамизми, йўқми? – деди. (А.Қаҳҳор)

Бу матн парчасидаги услубий тагмаъно кўриниши «*Гапни тўхтат*» мазмунидан иборатдир.

3. Метафорик тагмаъно. Тагмаънонинг бундай кўринишларида сўзловчи тингловчини маълум бир предметларга ўхшатиш асосидаги пропозицияни бериш билан ўзи назарда тутган ахборот кўринишига ишора қилади. Натижада матн таркибида метафорик тагмаъно юзага келади. Масалан:

Колхозни опичлаб катта қилгансиз!.. Колхознинг дарди қаерда, қитиғи қаерда эканини яхши биласиз!.. «Бўстон»га ўхшаган колхозлардан ўнтасини битта синчалоғингиз билан кўтарасиз!.. Синчалак деган қушни биласизми, оёғи ипдай... Шу қуш «осмон тушиб кетса ушлаб қоламан» деб оёғини кўтариб ётар экан! (А.Қаҳҳор)

Бу матнда метафорик тагмаъно кўриниши мавжуд бўлиб, у «*Сен ҳам синчалак деган нозик қушга ўхшайсан, шунинг учун қўлингдан келмаган ишга уринма*» мазмунидан иборатдир.

Метафорик тагмаънонинг матндаги ифодаси сўзловчининг ички мақсади билан узвий боғлиқ бўлиб, фикрнинг таъсир этиш даражасини кучайтиради. Тингловчининг ҳис-туйғусига таъсир этиш ва янги нутқ вазиятини юзага чиқариш (перлокутив актлар) нинг бошланғич нуқтаси сифатида намоён бўлади. Масалан:

Саида бир лаҳза ўйланиб қолганидан кейин мийиғида кулиб:

– Дунёда бунақа жониворлар кўп, Арслонбек ака, – деди, – хўроз ҳам: «Мен қичқирмасам, тонг отмайди», – деб ўйлар экан... (А.Қаҳҳор)

Метафорик тагмаънонинг ушбу кўриниши «*тонгнинг отиши учун хўрознинг қичқириши шарт бўлмаганидек*», пропозицияси таъсирида «*сиз бўлмасангиз ҳам колхознинг ишлари бўлаверади*» мазмунидан иборатдир. Метафорик тагмаъно кўринишларида баён қилинаётган пропозионал акт ўхшатиш мазмунидан иборат бўлади ва ана шу ўхшатиш кучлилик белгиси асосида юзага чиқиб, бунда сўзловчи мақсади акс этади. Масалан:

– Сиз болалик қилиб бунақа хом хаёлларга бориб юрманг! Мен аравадан бошқа ишга ярамайдиган пачоқ отдай кўринсам ҳам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

унча-мунча чавандоз минолмайдиган улоқчи отман! Унча-мунча одамни ерга чалпак қиламан!.. Чалпак! Буни билиб тушуниб қўйинг! (А.Қаххор) Матнда баён қилинган тагмаъно «*Мен билан ҳазиллашманг, кучингиз етмайди*» мазмунидан иборатдир.

Метафорик тагмаъно новербал ифода шаклида ҳам намоён бўлади. Бунда сўзловчи хатти-ҳаракатлари ва имо-ишорасида унинг ички нияти яширин ифода мазмунида тагмаъно юзага келади. Масалан:

Шу маҳалгача ҳеч важ билан кўзга кўринмаган оддий бир кетмончи сўз олди...

– Кўзбўямачилик... Отига мажлис, отига маслаҳат...

... Қаландаровнинг оппоқ оқарган юзи, қисиқ кўзлари атрофидаги табассумни ифодалаши керак бўлган ажин унинг «эчкининг орқаси қичиса, чўпоннинг нонини ейди» деб турганини кўрсатар эди. (А.Қаххор)

Вербал ифода бўлса ҳам, новербал ифода бўлса ҳам уларнинг семантик структураси сўзловчи ва тингловчи нутқига хос хусусий маъно кўринишлари билан тўлдирилади. Шунинг учун ҳар қандай ифода семантик тузилишида нутқий вазиятга кўра яширин хусусий маъно компонентлари мавжуд, улар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Тагмаъно кўринишлари фақат вербал ифодаларда, балки новербал ифодаларда ҳам ўз баёнига эга бўлади. Жумладан:

– Айби йўқ, ўғлим, – деди, – муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладирган юрак жавҳаридир. Шунинг билан бирга, кўб вақтлар кишига зарарлик ҳам бўлиб чиқадир. Шунинг учун куч сарф қилиб бўлса ҳам унутиш, кўп ўйламаслик керакдир.

Бу кейинги гап билан Отабек кўтарилиб Ҳасаналига қаради ва узоқ тин олиб ерга боқди. Гўё бунинг ила «унутиш мумкин эмас» деган қатъий фикрга келган эди. (А.Қодирий)

4. Индивидуал хусусий тагмаъно. Индивидуал тагмаъно кўринишлари фақат баъзи шахслар нутқидагина қўлланиб, уларнинг характерини очиш учун хизмат қилади. Бунда сўзловчи нутқида қўлланаётган тагмаъно шартли тагмаъно сифатида сўзловчи ва тингловчи учун тушунарли бўлгани ҳолда, бошқа нутқ иштирокчилари учун номаълум бўлади. Масалан:

Бирпас жимликдан кейин Қаландаров гулзорнинг нариги томонидаги идорага қараб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Эшон, ҳой! – деб чақирди. (А.Қаххор)

Индивидуал тагмаънонинг баъзи кўринишлари сўзловчи ёки тингловчининг характери билан узвий боғлиқ бўлиб, тингловчининг нима демоқчи эканлиги унинг қандай сўз билан муносабат билдириши воситасида англанади. Бундай шартли тагмаъно кўринишлари, асосан, сўзловчининг характери билан алоқадордир. Бундай тагмаънолар индивидуал хусусий тагмаъно кўринишлари сифатида фақат баъзи шахслар нутқигагина тааллуқли бўлади. Индивидуал хусусий тагмаъно кўринишларидан ёзувчи образ характерини очиш мақсадида фойдаланади.

Ҳожи бир неча вақт сўзлағучини ўз оғзиға тикилтириб ўлтурғандан сўнг, агар маъқул тушса «хўб» дейдир, гапка тушунмаган бўлса «хўш» дейдир, номаъқул бўлса «дуруст эмас» дейдир ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса бир илжайиб қўйиш билан кифояланади.

Ўзбек ойим ўзининг итоб ва хитобига эридан бир илжайиб қўйиш жавобини олиб дами ичига тушадир. (А.Қодирий)

Бу матнда сўзловчи фикрининг жуда номаъқул эканлиги хусусидаги тагмаъно новербал ифода «бир илжайиб қўйиш» билан баён қилинади.

5. Экспрессив тагмаъно. Экспрессив тагмаъно кўринишларида сўзловчи назарда тутган ниятга унинг ҳис-туйғулари ҳам қўшилади. Сўзловчи пропозиционал актни содир этар экан, ўзи қилган ишлардан ғурурланиш, мақтаниш оттенкалари акс этган яширин мазмунни пропозиционал акт орқали баён қилади. Масалан:

Ҳуринисо:

– Ҳаммаси ҳам униб-ўсди: бири колхоз раиси, бири район маданият бўлимининг бошлиғи, бири депутат... Ҳа, айтгандай, қайси куни Ҳакима келган эди, қаҳрамон бўлишига ўттиз бир тонна етмабди.

Ҳуринисонинг бу аёллар ҳақидаги гапларидан «Мен ўқитган аёллар мана шунақа мартабаларга эришди» деган ифтихордан кўра кўпроқ «барибир ҳаммасидан яна ўзим доно» деган бир ғурур акс этар эди. (А.Қаххор)

6. Монологик акт маъно кўриниши. Тагмаънонинг монологик нутқ типига хос кўриниши ҳам мавжуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«... босилмағунча Тошкандға келмаслигинг маслаҳатдир!» – бу жумлани ўқуғанда, – ундоғ бўлса сира тинчимангиз, – деди-да, ёвошғина илжайиб қўйди. (А.Қодирий)

Бу мисолда Отабек *«ундоғ бўлса сира тинчимангиз»* дейиш билан *«ўзимнинг ҳам Марғилондан сира кетгим йўқ эди, хайриият»* тарзидаги яширин тагмаъно кўринишини ифода этади. Баъзи ҳолатларда сўзловчи назарда тутган тагмаънонинг тўғридан-тўғри ифодаланиши мумкин бўлмай қолади. Бунга тагмаъно қаратилган адресатнинг ижтимоий мавқеи йўл қўймайди. Шунинг учун бундай вазиятларда тагмаъно *«қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит»* қабилида баён қилинади.

... Қаландаров, афтидан, яна «гаплашиб туринглар-чи» деб чиқиб кетгани баҳона излар эди. Шу пайт «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида огоҳлантириш, интизомга чақириш учун жуда қулай баҳона топилиб қолди: носқовоғида ўз аксини кўришга уриниб уни диваннинг бахмалига ишқаб ялтиратаётган Зулфиқоров нос отди-ю, ҳаял ўтмай лабини чўччайтириб, энгашганича эшикка томон йўналди.

– Сўраб чиқилсин! – деди Саида. (А.Қаххор)

Бу матнда Зулфиқоровга қарата айтилган «*Сўраб чиқилсин*» пропозицияси орқали Қаландаровга *«Раис бўлсангиз ҳам интизомга риоя қилиб ўтиринг»* мазмунидаги тагмаъно баён қилинади.

Тагмаъно кўринишларида, асосан, киноя, пичинг, кесатиқ мазмуни баён қилинади ва бунда сўзловчининг ички мақсади аниқ сезилиб туради:

Ўзбек ойимнинг ўғлига қарши кинояси тағин бир неча қат ортқан, аммо бу гал салом бергучига бир қарайдир-да, «ўғлим, менга салом бериб нима қиласан, марғилонлиқ онангнинг дуосини ол!» деб юзини четга ўғирадир. (А.Қодирий) Бу матндаги тагмаъно... «*ўғлим, мен сенинг онанг эмасман, сенинг онанг марғилонлиқ қайнангдир, шунинг учун менга салом берма, унинг дуосини ол*» мазмунидаги нутқий актнинг элементар таҳлили билан ечилади ва асосий тагмаъно *«ўғлим, мен сендан қаттиқ хафаман»* мазмуни билан ойдинлашади.

Нутқ объектига хос гина, киноя, пичинг, кесатиқ мазмуни бошланишининг ўзи матнда тагмаъно мавжудлигига ишора деб қаралишидан дарак беради. Шунинг учун юқоридаги белгиларга эга матн кўринишларини ҳеч иккиланмасдан тагмаъно мавжуд матн

www.ziyouz.com kutubxonasi

сифатида ажратиш мумкин. Баъзи матн воситасида ифодаланган тагмаъно кўринишларида сўзловчи киноясн ошкора сезилиб туради. Масалан:

– Хўш, сизга қайси йўл билан ойлик тайин қилсак экан? – деди Қаландаров худди «сени кимнинг ҳисобига боқсам экан» дегандай бир оҳангда. – Клубга мудир қилсак бўладими? (А.Қаххор)

Юқоридагилардан кўринадики, ифода семантик тузилишида пропозиция, мантиқий пропозиция, унинг яширин баёни ва тагмаъно кўринишлари мавжуд бўлади. «Булардан ташқари, ифода семантик тузилишида ошкора баёнга эга бўлмаган ифода пресуппозицияси ҳам мавжуд бўлади. Пресуппозиция хабар қилинаётган ахборот мақомига эга бўлмайди, шунинг учун, Ч.Ж. Филлморнинг кўрсатишича, уни ифоданинг яширин мазмунига тенглаштириб бўлмайди. Дюкро таклифича, «пресуппозицияни яширин кўринишлар»дан бири деб ҳисоблаб бўлмайди. Пресуппозиция асосини тил, олам билимлари, контекст ва коммуникатив вазият хусусиятлари ташкил этиб, конкрет нутқий фаолиятда бу билимлар актуаллашади ва ифода пресуппозициясига айланади».[124]

Яширин мазмундаги пресуппозиция билан тагмаънони ўзаро фарқлаш лозим.[125] Пресуппозицияда жумладаги пропозицияни зидлаш асосида мантиқий мазмун англашилади. *Дарсга фақат қизлар келди.* Бу жумладаги пресуппозиция «*ўғил болаларнинг дарсга келмаганлиги*» хусусидаги ахборотдир. Тагмаъно семантик ифодаланишига кўра пресуппозициядан фарқланади. Тагмаъно ҳам худди пресуппозициядаги каби сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқ ҳолда бирор факт хусусидаги ахборотга ишора қилиш вазифасини бажаради. Тагмаънонинг пресуппозициядан асосий фарқи шундаки, у ҳар қандай ҳолатда пропозицияга қарама-қарши қўйиш билан ҳосил қилинмайди. Тагмаъно бу жиҳатига кўра нутқий актнинг назарий моҳияти билан узвий боғланади.

Тагмаъно атамасида ифодаланган тушунча моҳияти ҳар қандай матннинг семантик тузилишида мавжуд пропозиция қобиғида-

[124] Хоанг Ф. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.400.

[125] Тагмаъно ва пресуппозициянинг ўзаро фарқланиши алоҳида мавзу билан берилади, шунинг учун бу ўринда қисқагина тўхталдик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги яширин ахборот кўринишидир. Ахборотнинг бундай кўриниши сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқ ҳолда иллокутив функцияга эга бўлади. Матнда бундай тагмаънонинг берилиши нутқ иштирокчиларининг маълум нутқий вазиятни аввалдан ҳис этиб, унинг юзага чиқиши учун меъёрий шароитни вужудга келтиришлари билан боғлиқ. Кишилар ўртасидаги нутқий мулоқот мураккаблашишининг олдини олиш мақсадида сўзловчиларнинг матн ортида «ичин ора» суҳбатлашиши тагмаъно воситасида амалга оширилади. Пресуппозицияни[126] ҳосил этиш унинг зидди – пропозиция асосида амалга оширилганидек, тагмаънонинг ҳосил бўлиши ҳам унинг зидди «затекст»[127] – матнга боғлиқ, лекин ундан ташқаридаги маълумотлар таъсирида амалга оширилади. Ташқи номатний маъно («затекст») – нутқий актларнинг содир бўлишидан аввалги маъноларнинг маълум нутқий вазиятга кўра содир этилиши мумкин эмаслиги «тагмаъно»лар ёрдамида ишора қилинади.

Тагмаъно матн семантикаси билан узвий боғлиқ бўлиб, у билан мантиқан боғланган бошқа қатор маълумотлар таъсирида юзага чиқади. Тагмаънонинг пресуппозициядан ажратилиши булар бири иккинчиси учун аҳамиятсиз дегани эмас. Балки пресуппозициянинг «матн-мазмунига алоқадор ва мантиқан боғланган матн мазмунидан ташқаридаги маълумот»ларни[128] эслатишнинг даракчиси деб қаралади.

Машҳур тилшунос олим Хоанг Фе шундай бир кўчирмани келтиради: «... принцип нуқтаи назаридан инсон нимани айтишни хоҳласа, шуни аниқ гапириши керак».[129] Бу фикрга кўра, қуйидаги контекстни келтирамиз: ... *аммо мирзабошингиз саводхонликдан бошқани билмайди.*

– Билмаганини сиз қаёқдан биласиз, тақсир?

– Чунки мен ўз қўлимда ўқитганман... бир етим бола эди!

– Худонинг бериши, тақсир! – деди Сафар ўйлаб-нетиб турмай. – Жанобингиз Бухорои шарифда неча йил ўқиб ниҳояти

---

[126] Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994.

[127] Долинин К.А. Имплицитное содержание высказывания // ВЯ. – М., 1983. №6. – С.37.

[128] Кўрсатилган манба. – С.38.

[129] Хоанг Ф. Семантика высказывания. Новое в зарубежной лингвистике // Вып.XVI. – М., 1985. – С.399.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳаллага имом бўлдингиз... Худой бермаса шундай, тақсир. У бўлса мадраса кўрмасдан мирзоларнинг мирзоси бўлмоқчи, худой берса шундай, тақсир.

Сафар бўзчининг бу сўзидан имомнинг қонсиз ранги яна қонсизланган, оламунчоқ кўзи алланечук ҳолатга кирган эди.

– Аблаҳ одам экансиз! – деди.

– Сиз аҳмоқ мулла экансиз! – деди Сафар бўзчи. (А.Қодирий)

Нутқий ахлоқ меъёри ҳамда миллат руҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, сўзлашувчилар ўз фикрларини нутқ вазиятида ошкора, шунингдек, яширин шаклда беришлари мақсадга мувофиқ. Бу билан берилган матндаги фикрларнинг ошкора баёни нотўғри демоқчи эмасмиз, бу муаллифнинг образ яратиш маҳорати билан узвий боғлиқдир. Бироқ нутқий мулоқот жараёнида матннинг ошкора шаклидан ташқари яширин шаклига хос ифода кўринишларидан ҳам фойдаланиш нутқнинг таъсир этиш (перлокутив) эффектини янада оширади. Бу матн парчасида ҳам айтилмай қолган тагмаъно кўринишлари мавжуддир.

Баъзи ҳолатларда ифоданинг каузативлик даражасини ошириш мақсадида сўзловчи назарда тутган оддий пропозициянинг ўзи метафорик маъно кўчириш асосида яширин мазмундаги тагмаъно моҳиятига айланади. Мисоллар қиёсланади: 1. *Ёмғир ёғяпти:* а) *«ёмғир ёғаётганлиги»* хусусидаги оддий хабар пропозиция; б) *«бугун ишга боролмайман, оёқ кийимим ярамайди»* хусусидаги ахборот тагмаъно ҳисобланади. Ифоданинг тагмаъноси ошкора мазмун таркибидан маълум контекст ва коммуникатив вазиятни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Баъзи ҳолатларда сўзловчи ошкора баён қилиши шарт бўлган иллокутив пропозиция маълум реплика – афоризм таркибида тагмаъно кўринишида берилади, бу билан ифода таъсир кучи даражаси оширилади. 2. *Арслонбек ака, хўроз ҳам мен қичқирмасам, тонг отмайди дер экан, – деди Саида.* а) *тонгнинг отиши учун хўрознинг қичқириши шарт эмас* – шаблон пропозиция; б) *сиз бўлмасангиз ҳам колхознинг ишлари бўлаверади* – перлокутив пропозициянинг тагмаъно кўриниши. Биринчи жумладаги тагмаъно сабаб-оқибат муносабати асосида баён қилинади. Иккинчи жумладаги тагмаъно метафорик усул билан қиёслаш асосида баён қилинади. Ўхшатиш-қиёслаш асосидаги тагмаънони баён қилишда ўхшатилаётган воқеликни ифодаламасдан, ўхшаётган воқеликнинг ўзини

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўғридан-тўғри бериш мумкин, бироқ бунда ифоданинг каузатив вазифаси сусаяди.

Сабаб-оқибат муносабати асосидаги тагмаънонинг ифодаланишида бундай эмас. Маълум тагмаъно баёнидан аввал унинг юзага чиқиши учун асос бўлувчи оддий пропозициянинг ошкора баёни шартдир. Сўнгра тагмаънога ишора қилинади.

Умумяширин мазмун нутқий акт маънолари асосида бошқарилади. Бу мазмунга эга бўлган маълум бир воқеликнинг ошкора сатҳдаги баёнга айланиши учун сўзловчи нутқий вазиятга кўра ёки нутқ иштирокчиларининг ризолик аломатидаги тасдиқ аргументини инкор ё инкор этмасликларидан келиб чиқиб ўз муносабатларини давом эттирадилар. Демак, ҳар қандай ифодадаги маълум воқеликка асосланган ахборот кўриниши ўша ифодадаги нутқий актлар бошқарувида ўз сатҳини ўзгартиради. Нутқий актлар ахборотнинг ҳар қандай кўринишида мавжуд бўлиб, у сўзловчининг хусусий муносабати моҳиятини ташкил этади. Пресуппозицион ахборотда ҳам, ёйиқ ахборотда ҳам, йиғиқ ахборотнинг барча кўринишларида ҳам нутқий акт маънолари амал қилади. Яширин (импликатив) мазмунга алоқадор атамаларнинг вазифаси маълум ахборот кўринишини яшириб ифодалашдан иборат бўлса, ифода семантик тузилишида намоён бўлувчи тасдиқ, тақиқ, инкор, сўроқ ва маслаҳат каби нутқий актлар яширин мазмун сатҳини ўзгартириб туради ёки янги мазмун хусусида дарак беради.

Нутқий актлар матн ва тагмаънони ўзаро чегаралаш заруратини туғдиради.[130] Нутқий акт назарияси бир жиҳатига кўра нутқнинг элементар маъно кўринишлари билан шуғулланган учун матн таркибидаги қатор ахборот кўринишларини ўзаро чегаралаш ва фарқлашни тадқиқотчи олдига муҳим вазифа сифатида қўяди.

Ифода семантик тузилиши доирасида сатҳ тушунчаси воқе бўлаётган ахборотнинг шаклий чегараси аниқланиши билан изоҳланади. Бунга кўра, пресуппозиция асосидаги ахборот пропозицион ахборот таркибидаги импликатив терминларнинг зидлаш усулидаги баёнидан келтириб чиқарилади ва ўз мазмуний чегарасига эга бўлади. Ана шу мазмуний чегара пресуппозиция

---

[130] «Теория речевых актов» в контексте современной зарубежной лингвистической литературы // НЗЛ. Вып.XVII. – М., 1986. – С.226.

www.ziyouz.com kutubxonasi

сатҳи деб юритилади. Ифодадаги ошкора ахборот кўриниши асосий воқелик (пропозиционал сатҳ)даги сатҳ сифатида ажратилади.

Ифода семантик тузилиши хусусидаги ахборот кўринишларининг сатҳий ажратилишини йирик тилшунос олим Хоанг Фе томонидан берилган қуйидаги чизма асосида аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Х пресуппозиция сатҳи

ёйиқ мазмуний сатҳ

Умумяширин (импликация) йиғиқ мазмуний сатҳ

. . . . . .

(луқма) тагмаъно сатҳи

Боланинг ўз онаси тирик бўлганида, у бу қадар бахтсиз бўлмас эди.

1. Пресуппозиция сатҳи.

Х – боланинг онаси йўқ, унинг ўгай онаси бор, у шунинг учун бахтсиз.

2. Ёйиқ мазмуний сатҳ.

– Агар бола ўз онасини йўқотмаганида эди, у бу қадар бахтсиз бўлмас эди.

3. Йиғиқ мазмуний сатҳ.

– У онаси йўқлиги учун бахтсиз.

4. Тагмаъно сатҳи.

– Ўгай она боланинг онаси ўрнини эгаллаганига қарамай, у билан ёмон муносабатда бўлади.[131]

Хуллас, ифода семантик тузилиши бир неча мазмуний сатҳдан иборат бўлиб, буларнинг барчасини умумяширин мазмуний элементлар сифатида талқин ва тадқиқ этиш зарур. Айниқса, бу яширин мазмуний ахборот кўринишларини алоҳида ҳодисалар сифатида ўрганиш ва уларнинг ўзаро умумий ҳамда фарқли белгиларини ажратиб кўрсатиш бугунги кунда лингвистик прагматиканинг назарий моҳияти учун катта амалий аҳамият касб этади.

---

[131] Хоанг Ф. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.402.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тагмаъно ва пресуппозициянинг умумий ва дифференциал белгилари

Кейинги йилларда матн лингвистикаси билан алоқадор тадқиқотларнинг юзага келаётганлиги тилшуносликда бу йўналишнинг ўз ўрни борлигини кўрсатади. Айниқса, матн семантикаси ва прагматикаси турли томондан чуқур ва мунтазам ўрганилмоқда, матннинг семантик жиҳатдан тузилиши ва у билан боғлиқ хилма-хил ҳодисалар тадқиқ этилмоқда. Бу масалаларга прагматик таҳлилнинг қўшилиши эса семантик синтаксис муаммоларини янада мураккаблаштирмоқда.

Матн ичида яширин мазмун мавжудлиги хусусида таниқли адабиётшунос олим шундай ёзади: «Китоблар борки, уларда акс эттирилган воқеалар ва қаҳрамонлар биринчи қарашда унчалик муҳим ва замон нуқтаи назаридан зарур эмасдек кўринади, аммо уларни ҳаяжонсиз ўқий олмайсиз. Чунки бундай китобларнинг ғоялари муаллиф томонидан усталик билан текст тагига сингдириб юборилган бўлади. Уларда ёзувчи ишлатган бадиий воситалар ҳам «*ана мен*» деб кўзга ташлана бермайди».[132] Кўринадики, матннинг семантик ва прагматик тузилиши ҳам мумтоз адабиёт дурдоналаридаги сингари зоҳирий ва ботиний маънолардан иборатдир. Матннинг мазкур масалаларини ўрганиш ўзбек тилшуносларининг диққат марказидан четда қолмоқда. Матн семантикаси ва прагматикасининг бу долзарб муаммолари кейинги даврдаги тадқиқотларда ўзига хос тарзда ўртага ташланмоқда.

«Матн»... семантикаси тадқиқи билан шуғулланувчи йўналишнинг тараққиёти билан боғлиқ равишда гапнинг шаклий тузилишида бевосита ифодаланмайдиган, аммо унинг семантик қурилишида ҳалигача у ёки бу тарзда иштирок этадиган семантик элементлар тилшунослар диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда».[133]

Бу ҳақда З.Вендлернинг қарашлари муҳимдир. Унинг таъкидлашича, «ишора вазиятида сўзловчи ўз мақсадини яширмайди, балки тингловчига ишорани тушуниш имкониятини яратишга ҳаракат қилади».[134] Матнда сўзловчи ички нияти билан боғлиқ ва унга ишора

---

[132] Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – Б.3.

[133] Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап // ЎТА. 1986. №6. – Б.28.

[134] Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // НЗЛ. Вып.XVI. – М.,. 1985. – С.245.

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилувчи семантик элементлар турлича кўринишда бўлиб, уларнинг ўзаро умумий ва фарқли белгиларини кўрсатиш муҳим саналади. Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, бундай семантик элементларнинг ҳаммаси ҳам ўз характер эътиборига кўра бир хил эмас. Айниқса, таъкидлаш лозимки, лингвистикага оид назарий адабиётларда матн семантик тузилишини мураккаблаштирувчи пресуппозиция ҳодисаси хусусида жуда кўплаб назарий ҳамда амалий маълумотлар берилгани ҳолда, яширин грамматик категория ва яширин ифода таркибига кирувчи пропозицион субъект элементлари тўғрисида ҳеч қандай фикр айтилмайди. Матн орқали баён қилинган пропозицион субъект таъсирида яширин ифода структураси ичида тагмаъно кўриниши ҳам мавжуд бўлади. Матндаги тагмаъно пропозиция ва номатний маъно ёрдамида аниқланади. Пресуппозиция кўриниши ҳам матндаги пропозицион структуранинг таҳлил қилиш жараёнида аниқланади. «Ҳеч шубҳасиз, пресуппозиция муаммосининг ўрганилиши гапнинг семантик-синтактик қурилиши, матн таркибидаги гапларнинг алоқаси, шунингдек, семантик-синтаксиснинг яна бир қатор муҳим масалаларини объектив тадқиқ этишга имкон берганидек»[135], тагмаъно муаммосининг ўрганилиши ҳам матн услуби ва прагматикаси билан боғлиқ яна бир қатор муҳим масалаларни тадқиқ этишга имконият яратади.

Матн семантикаси ва прагматик тузилиши масалалари билан алоқадор йўналишлар қатор олимларнинг ишларида ўзига хос тарздатадқиқэтилган.[136]

---

[135] Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // ЎТА 1986. №6. – Б.28.

[136] Хоанг Ф. Семантика высказывания //Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.399 – 405; Долинин К.А. Имплицитное содержание высказывания // ВЯ. – М., 1983. №6; Сильман Т.И. Подтекст как лингвистическое явление // ФН. 1969. №1; Сильман Т.И. Подтекст – это глубина текста // Вопросы литературы. 1969. №1; Мыркин В.Я. Текст, подтекст и контекст // ВЯ. – М., 1976. №2; Арнольд И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологических изучения // ВЯ. – М., 1982. №4; Кухаренко В.А. Типы и средства выражения импликация в английской художественной прозе // ФН. 1974. №1; Хализев В.К. Подтекст // Краткая литературная энциклопедия. Т.5. – М., 1968; Харитонова И.Я. Роль категории скрытой грамматики в организации текста // Лингвистика текста. Материалы научной конференции. Ч.II. – М., 1974. – С.126 – 130; Салмина Л.М., Костычева Л.М. Семантическая структура художественного текста и перевод // Экспрессивность текста и перевод. – Казан, 1991. – С.107.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тагмаънонинг ифодаланиш субъекти матн пропозицияси саналади. Пропозиция қурилмалар орқали ифодаланади. Айни вақтда, мана шу қурилмалар ҳам пресуппозиция ифодалаб, матн семантик структурасини мураккаблаштиради. Пресуппозицияни аниқлаш матн орқали баён қилинган семантик структурани таҳлил қилиш усули билан амалга оширилади.

– Дуруст, дуруст! – деди. – Аёл тоифасидан бўлсангиз ҳам, дуруст чиқдингиз!..

Саида кулди.

– Ҳеч андиша қилмайсиз, одамга қаттиқ тегади ҳам демайсиз-а, Арслонбек ака!.. Аёл тоифасидан бўлсангиз ҳам... Бу мақтаганингизми? (А.Қаҳҳор)

Матнда пресуппозиция ва тагмаънони фарқлаб олиш керак. Бундай тадқиқотларнинг қизиғи шундаки, сўзловчи назарда тутган пресуппозицияга ҳам, тагмаънога ҳам кўпинча бир нуқтада ишора қилинади, шунинг учун уларнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ажратиб олиш тадқиқотчидан ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Жумладан, юқоридаги матнда «*Аёл тоифасидан бўлсангиз ҳам*» ифодасида «*Эркак киши бўлмасангиз ҳам*» тушунчаси пресуппозицион ахборот сифатида қарама-қарши томонга тортилади. «*Аёл кишининг қўлидан ҳеч нарса келмас эди, сизнинг қўлингиздан анча-мунча ишлар келар экан*» мазмуни тагмаъно сифатида сўзловчи хусусий муносабатини ифода этади. Тагмаънонинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, баён қилинган жами пропозицион ахборотнинг умумий якуни сўзловчи назарда тутган тагмаъно ҳисобланади. Сўзловчи назарда тутган тагмаъно кўриниши ўзида баҳо мазмунини ифодалайди. Сўзловчи бу билан тингловчининг хатти-ҳаракатларига ва сўзларига ўз хусусий муносабатини кўрсатади.

Умуман, матннинг семантик тузилиши фақат пресуппозиция билан мураккаблашиб қолмай, балки сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги муносабат яширин маъно компонентлари билан ҳам мураккаблашади. Ана шу маъно компонентларидан бири матн орқали яширин баёнга эга бўлувчи тагмаъно кўринишидир. Тагмаънонинг матндаги баёни икки хусусиятга эга: биринчидан, кўп ҳолларда тагмаъно ошкора вербал баёнга эга бўлмайди. Бундай вазиятларда матндаги тагмаъно кўриниши пропозицияларнинг мантиқий таҳлили ёрдами билан аниқланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саидани бу одамларга бегона тоифадан қилиб кўрсатмоқчи бўлди:

– Ошдан ичмадингиз-а... Буларнинг овқати оғзингизга ёқмади... ёқмайди! (А.Қаҳҳор)

Бу матнда «*сен бутунлай бошқа тоифадансан, шунинг учун колхозчининг овқати сенга ёқмайди*» мазмуни тагмаънони ҳосил қилади. Бундай вақтларда таҳлилнинг моҳияти нутқ вазияти билан боғланади. Нутқ иштирокчилари нутқ вазияти ва мантиқий таҳлил ёрдамидаги ҳукмлар билан тагмаъно моҳиятини ёки нимага ишора қилаётганини англаб оладилар. Мисол:

– Подшо ҳазратлари! Севимли филингиз овқат емаяпти, сув ичмаяпти ва ҳатто нафас ҳам олмаяпти, – дебди таъзим қилиб. (С.Мўмин)

Тагмаънонинг бу тури ҳамма нутқ иштирокчилари учун маълум бўлган содда шаклдан биридир. Бундай тагмаъно умумтагмаъно деб номланади.

Матндаги тагмаъно мазмунини аниқлаш пресуппозиция сингари мантиқий таҳлил ёрдамида амалга оширилади:

Чўққилар жилвасига кўпам маҳлиё бўлаверма, болам. У ерда қашқирлар бор. (С.Аҳмад)

Бу матндаги тагмаъно мантиқий таҳлил ёрдамида аниқлаб олинади. Яъни *«Мирвали тадбиркор, мард, танти, тинимсиз давлат, халқ манфаатини ўйловчи киши* (чўққилар жилваси, тоғлар), *аммо ана шулар остида унинг ўта мараз, давлатга, гўзалликка, соф қалбли инсонларга нисбатан қабиҳ нияти, ёвузлик яширинган (қашқирлар бор)»*.

Иккинчидан, сўзлашувчилар ўртасидаги вербал муносабат воситасида асосий пропозицияни ифодалаш билан бирга тагмаъно хусусида ҳам ахборот берилади. Мазкур ахборот фақат ишора мақомига эга бўлиб, баъзи матнларда бу тагмаъно ишорасидан сўнг ёки ундан аввал унинг ошкора вербал баёни ҳам берилади:

– Ўша куни ойингиз бор-йўғи икки оғиз сўз айтдилар. Менга тикилиб туриб қишлоққа буни олиб боролмайсан мазмунида: «Бу қиз жуда нозик экан-ку!» – дедилар. Кейин сизга қараб: «Бўйнингизни қисманг, ўғлим. Йигит киши бошини кўтариб юради!» – дедилар. (О.Мухтор)

Юқоридаги матнда сўзловчи назарда тутган тагмаъно пресуп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

позиция таъсирида яширин берилгани ҳолда, *«қишлоққа буни олиб боролмайсан»* мазмунида ошкора вербал баёнга ҳам эга бўлади.

Одатда, тагмаъно ошкора вербал баёнга эга бўлмайди. Сабаби тагмаънонинг энг асосий хусусиятларидан бири нутқ иштирокчиларидан кимдир матндаги тагмаънодан бехабар бўлиши лозим ёки сўзлашувчилар ўзлари назарда тутган фикрни маълум ички прагматик мақсад билан тагмаъно воситасида баён қиладилар:

Анчадан кейин Қаландаров худди ўзига гапиргандай деди:

– Колхозда айшингизни қилиб юра берасиз. Партия ташкилотининг секретарига иш йўқ дейиш мумкин. Пахта ҳар йили юз! Пилла юз! Оқсаган тармоғимиз йўқ дейиш мумкин. Ўзингиз ҳам билсангиз керак? (А.Қаххор)

Ушбу матн мазмуни билан нутқ вазиятидан хабарсиз киши танишмоқчи бўлса, бу матнда ҳеч қандай яширин мазмун ҳам, тагмаъно ҳам йўқ, балки бу жумла одатдаги пропозиционал актдан бошқа нарса эмас деган хулосага келади. Бироқ нутқ вазияти ва асар мазмунидан келиб чиқилса, Қаландаров нутқига хос юқоридаги матнда пропозиция фақат шакл учунгина эканлиги, унинг остида ғиж-ғиж яширин маъно кўринишлари мавжудлиги сезилиб туради. Кўпинча образ нутқи томонидан ишора қилинган тагмаъно вербал ифода сифатида кўзга яққол ташланмайди, фақат баъзи санъаткорларнинг индивидуал услуби билан узвий боғлиқ ҳолда нутқ муаллифининг ниятини аниқроқ кўрсатиш мақсадида пропозиция орқали яширин ифодаланиши кўзда тутилган тагмаъно ички матннинг изоҳи сифатида ошкора берилиши мумкин. Масалан:

Саида нима деярини билмай қолди. Қаландаровнинг бу гапларидан «Сен эмас, сендан дурустроқ секретарга ҳам муҳтож эмасман» деган маъно чиқар эди. (А.Қаххор)

Назарий адабиётларда таъкидланишича, пресуппозиция матнни «семантик мураккаблаштиради. Бундай вақтда айрим сўз ёки грамматик шакл орқали ифодаланган пропозиция ўзининг энг ихчам шаклига эга бўлади. Сўзловчи ва тингловчи учун унинг тушунарли бўлишида пресуппозиция ёрдамга келади».[137]

---

[137] Нурмонов А., Маҳмудов Н. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992. – Б.113.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тагмаънода эса пропозиция субъект вазифасини бажариб, пропозициянинг бу вазифаси иккинчи даражали ҳолатга ўтади. Бунда фақат пропозиция шаклигина сақланиб, ундаги мазмун-моҳият эътибори тагмаънога қаратилади. Сўзловчи назарда тутган ахборот прагматик қийматга эга бўлиб, пропозиция фақат шаклий структура учун хизмат қилади, асосий маъно эса номатний ҳолат таъсирида ҳосил бўлган тагмаънога қаратилади. Мисол: *Ҳой эшон!* Бу вазиятда ҳам кимдир матндаги тагмаъно мазмунини англашдан маҳрум бўлади:

Қаландаров мундайроқ меҳмон келса, югурдагига: «Эшон!» – дер экан, бу «иккита нон билан бир чойнак чой олиб кел» дегани, «Ҳой эшон!» – деса, ош буюргани, «Эшон, ҳой!» – дегани эса «ҳовлига бориб хотинимга айт, нозик меҳмон олиб бораман» дегани бўлар экан... Қаландаров гулзорнинг нариги томонидаги идорага қараб:

– Эшон, ҳой! – деб қичқирди.

Саиданинг кўнгли бир оз ёришди, ичида: Мухбирнинг айтгани рост бўлса, демак, мен «нозик меҳмон» бўлсам керак...» деб қўйди. (А.Қаххор)

Агар бу матнда баён қилинган тагмаъно мазмуни пресуппозицияга қиёс қилинса, улар бутунлай бошқа-бошқа ҳодисалар эканлиги кўзга яққол ташланади. Матндаги мазкур яширин ифода кўринишини «шартли равишда индивидуал хусусий тагмаъно» деб юритамиз. Шартли тагмаъно иштирок этган матнларда пресуппозиция ҳодисаси учрамайди. Шартли тагмаъно турлари новербал ифода кўринишлари сифатида карта ўйинларида қўлланади, масалан, «*бурунга имлаш*» *топпонни юриш, «кўзга имлаш» чилликни юриш, «сочга имлаш» қорани юриш* каби тагмаъноларни ифода этади.

Тагмаъноларнинг ифодаланиши, асосан, сўз ўйинларида кўзга яққол ташланади. Шахмат ўйинида ўз шоҳи мағлуб бўлаётганини сезган малика сўз ўйини билан ишора қилди:

– Руҳингни туширма, шоҳим, малика отини эҳтиёт қил. Бу матнда сўз ўйини воситасида маълум ҳолатга ишора қилувчи тагмаъно ҳосил қилинади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, матнда тагмаънонинг қўлланишидан мақсад кимдандир маълум ахборот кўринишининг сир сақланишидир. Шунга кўра, маълум бир воқелик ёки ҳодисага

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишора қилувчи тагмаъно мазмуни нутқ иштирокчиларидан бирига номаълум бўлади:

Ҳамроҳларим шошиб мени Абдулла деб таништиргач, негадир (хотиним – тўлдириш бизники – М.Ҳ.) юзини четга бурди. Ниҳоят, демак, бирга ишлаган экансизлар, лекин сиз бу уйга келмаслигингиз керак эди деб қўйди.

Мен тушунмаяпман, бирон пайт Ҳалима сендан озор чекканмиди, Абдуллажон? (О.Мухтор)

Бу матнда Ҳалима нутқи орқали берилаётган *«Абдулла, турмушга чиққунимга қадар сиз билан менинг ўртамдаги интим муносабат бу хонадонга келишингизга йўл қўймас эди, бекор келибсиз»* мазмунидаги тагмаъно Бурҳон шариф учун номаълум эканлиги унинг «*Мен тушунмаяпман, бирон пайт Ҳалима сендан озор чекканмиди, Абдуллажон?*» гапидан маълум бўлади.

Умуман, тагмаъно, пресуппозициядан фарқли равишда, сўзлашувчиларнинг ички мақсадини яширин ифодалаш учун хизмат қилади. Тагмаъно ҳар қандай матнда ҳам бўлавермайди. Пресуппозиция эса исталган матн семантик тузилишининг мантиқий таҳлили ёрдамида аниқланиши мумкин. Хоанг Фенинг таъкидича, пресуппозиция хабар қилинаётган ахборот мақомига эга эмас, уни ифоданинг яширин мазмунига тенглаштириб бўлмайди. Бу ишда, Ч.Ж.Филмор фикрича, пресуппозицияни яширин ифода кўринишларидан бири деб ҳисоблаб бўлмайди.[138] Кўринадики, пресуппозиция ҳатто ифоданинг имплицит мазмун кўринишларидан бири сифатида ҳам таъкидланмайди. У ифоданинг семантик тузилишидан ҳам ташқарида жойлашади.

Пресуппозиция матн пропозициясини терс тушуниш асосида аниқланса, баъзи ҳолатларда бу қоида ўз моҳиятини оқламайди. Масалан, *«Ўқувчилар хонани тозалади»* жумласидан *«хонанинг ифлос эканлиги»* пресуппозицияси англашилса, *«Ўқувчилар хонани тозаламади»* жумласида ҳам *«хонанинг ифлослиги»* пресуппозицияси сақлангани ҳолда, тозалаш фаолияти билан боғлиқ буйруқнинг ўқувчилар томонидан бажарилмаганига вазият орқали ишора қилувчи тагмаъно ҳосил бўлади. Бундан кўри-

[138] Хоанг Ф. Семантика высказывания // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.XVI. – М., 1985. – С.310.

www.ziyouz.com kutubxonasi

надики, ҳар қандай матнда бир вақтнинг ўзида «бирдан ортиқ»[139] пресуппозиция бўлиши мумкин. Бироқ бундай вазиятда пресуппозиция ва иккинчиси пресуппозиция таъсирида ҳосил бўлувчи тагмаънони фарқлаб олиш лозим.

Пресуппозиция маълум матн ифодалаётган пропозициянинг тўғри тушунилишига имкон берадиган сўзловчилар ўртасидаги «билишнинг умумий фонди», «олдиндан билишнинг жами» сифатида белгиланади.[140] Тагмаъно ҳам «билишнинг умумий фонди» асосида аниқланади, бироқ у пресуппозиция сингари пропозиция таъсирида эмас, балки сўзлашувчилар томонидан аввал содир этилган ҳаракат, фаолиятга ёки келгусида юз бериши мумкин бўлган номатний маъноларга ишора қилади.

Пресуппозиция ҳам, тагмаъно ҳам лингвистик прагматика муаммолари эканлиги, шунингдек, матн семантик қаторининг яширин бирликлари эканлиги билан интеграл белгига эга бўлади. Умуман, модаллик моҳияти нуқтаи назаридан матн семантикаси мантиқий таҳлил қилинганда экспликация ва импликация кўринишлари ўз мазмуний сатҳига эга бўлиб, кўзга яққол ташланади. «Пресуппозиция муайян гапнинг тўғри қўлланиши ва тўғри англаниши учун имкон берадиган олдиндан маълум бўлган билимлар («фоновие знание»)нинг жами эканлиги, пресуппозиция тушунчаси контекст тушунчаси (айни тил бирлигининг лингвистик қуршови) ва вазият (айни тил бирлиги – гапнинг нолингвистик субстрати, бу гап айтилаётган шароит кабилар)ни ўз ичига олади».[141] Матндаги тагмаънонинг тўғри англаниши учун ҳам нутқ иштирокчилари маълум билим, социал контекст ҳамда нутқ вазиятидан хабардор бўлиши шарт. Бу жиҳатлари билан пресуппозиция ҳам, тагмаъно ҳам бир умумий белгиларга эга. Бироқ улар тилда айни бир ҳодиса сифатида эмас, балки алоҳида-алоҳида ҳодисалар сифатида ўрганилиши лозим. Баъзи ҳолатларда сўзловчи назарда тутган тагмаъно матннинг бошланғич қисмида берилади. Масалан:

Қаландаров иложи борича осойишта гапиришга ҳаракат қилди:

---

[139] Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1992.

[140] Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // ЎТА. 1986. №6. – Б.28.

[141] Кўрсатилган манба. – Б.30.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Гап бундай, Саидахон... икковимиз бир қозонда қайнай олмаётибмиз.

Бу матнда *«сиз билан бирга ишлай олмаймиз»* мазмуни тагмаъно деб қаралади. Матннинг кейинги қисмларида эса юқорида берилган тагмаъно давоми ифода пресуппозицияси мақомига эга бўлади. Бу икки ҳодисанинг бир матнда айнан кетма-кет берилиши ифоданинг таъсир этиш даражасини кучайтиради:

Мен қизиққонроқ, бунинг устига, қўполроқ одамман. Сиз ёшсиз, бунинг устига, аёл кишисиз, ўқиган қизсиз... Ҳар қайсимиз ўз иззатимизда қолсак... Мен жон деб кетар эдим, лекин колхозга кўп меҳнатим сингган, бундан ташқари кетгани қўйишмаса керак. (А.Қаҳҳор) Бу пресуппозицион ахборот *«Сиз колхоздан кетинг, ҳеч ким қаршилик қилмайди, чунки колхозга меҳнатингиз сингани йўқ»* мазмунидан иборатдир.

Маълум гапнинг асосий мазмуни пропозиция тушунчаси билан изоҳланади. Пропозиция маълум ахборотни ифода этувчи ҳукм бўлиб, у ўша вазиятдаги ахборот кўриниши ҳақидаги ҳукмдир. Пресуппозиция тушунчаси эса ўша вазиятдаги ҳукмнинг мантиқий таҳлили билан алоқадор аввалги ҳукм – мазмундир. Тагмаъно, аввалги ҳукм – пресуппозициядан фарқли равишда, пропозиция орқали ишора қилинувчи ҳукм ичидаги ҳукмдир. Тагмаъно нутқ иштирокчилари томонидан очиқ шаклда ифода этиб бўлмайдиган матн остидаги ички яширин фикрдир. Пресуппозиция тушунчаси ҳар қандай нутқ иштирокчиси учун маълум бўлиши мумкин, жилла қурса, матндаги пропозицияни мантиқий таҳлил қилиш асосида пресуппозицияни аниқлаб олиш мумкин. Тагмаънода эса яширин айтилиши лозим бўлган фикрдан нутқ иштирокчиларидан камида бир киши бехабар бўлади. Тагмаъно ана шу белгиси ва матн ичидаги «яширин ифода» белгиларига кўра пресуппозициядан фарқланади. Ҳатто бу икки ҳодиса атамалари ифодалаган тушунчаларнинг ўзи ҳам уларнинг фарқланиши учун асосдир. Кўп ҳолларда матндаги тагмаъно пресуппозиция таъсирида ҳосил бўлади:

Эр хотинига деди:

– Хотин, ўғлимизга ақл мендан ўтган деб ўйлайман.

– Ҳа, мен ҳам шундай ўйлайман. Чунки менинг ақлим жойида. («Эколаш» қатраси)

Бу матнда пресуппозиция *«сенинг ақлинг жойида эмас»* маз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мунидан иборат бўлиб, *«ўғлинг ҳам сенга ўхшаб аҳмоқдир»* мазмуни тагмаъно сифатида англанади. Пресуппозиция ва тагмаънонинг бундай ифодаланиши матнда сўз ўйинларини юзага келтиради. Тагмаънони пресуппозицияга қиёслаш асосида унинг ўзига хос белгиларини кўрсатиб ўтиш муҳимдир. Қуйидаги мисолни олайлик: *Вагон коридорида кетаётган хушбичим аёлга нотаниш эркак деди:*

– Мен сизни яна кечагидек ўпгим келяпти!

Бу гапдан ҳайратланган аёл:

– Кеча қачон мени ўпибсиз!?

– Кеча вокзалда роса ўпгим келганди, бугун ҳам ўпгим келяпти. (Фильмдан)

Бу матнда индивидуал услубий тагмаъно мавжуд бўлиб, бу фақат сўзловчининг ўзигагина маълумдир. *«Мен сизни кечагидек ўпгим келяпти»* жумласи орқали баён қилинган пропозицияда (матннинг қолган қисми баён қилингунга қадар) ҳақиқатан ҳам гўё ўша воқелик содир бўлганлиги хусусидаги пресуппозицион ҳукм англанади. Бироқ матннинг қолган қисмлари баён қилингач, бу ўринда пресуппозиция эмас, балки фақат сўзловчининг ўзигагина тушунарли бўлган индивидуал-услубий тагмаъно кўриниши мавжудлиги кўзга яққол ташланади.

Н.Маҳмудов риторик сўроқ гапларнинг семантик-синтактик табиатини тушунтиришда пресуппозициянинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унга кўра, ўзбек тили грамматикаларининг барчасида «риторик сўроқ гапларга жавоб талаб қилмайдиган, жавоби ўзидан англашилиб турадиган сўроқ гаплар» тарзида таъриф берилади ва «уларнинг формасигина сўроқ, мазмун тасдиқ ёки буйруқдан иборат» деб кўрсатилиб, шакл ва мазмун ўртасидаги номутаносибликнинг моҳияти пресуппозиция орқали ойдинлашиш ғояси берилади.[142]

Бу фикрга кўра, пресуппозиция матндаги инкор мазмунидаги пропозицияни тасдиқ мазмуни ёки тасдиқ мазмунидаги пропозициянинг инкор мазмунини ифода этиш учун хизмат қилади.

А.Нурмонов ҳам «тасдиқ ва инкор гапларда мавжуд бўлган яширин инкор мазмунни (*Аҳмад келди* гапидан: 1) Аҳмаднинг келганлиги; 2) Аҳмад келмаганлигининг инкори) мантиқий пре-

[142] Кўрсатилган манба. – Б.30.

www.ziyouz.com kutubxonasi

суппозиция таркибига киритади».[143] Бу фикрда ҳам пресуппозиция тушунчаси гап орқали баён қилинган асосий пропозицияни акс мазмунидан иборат бўлади деган ғоя келиб чиқади. Д.Лутфуллаева ҳам пресуппозиция ҳодисаси хусусида тўхталиб, диссертациянинг тасдиқ гапларда пресуппозиция орқали инкорнинг ифодаланишига бағишланган қисмида тасдиқ ёки инкор пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар турларга бўлинган ва инкор гаплар таркибида қўлланиб, тасдиқ пресуппозицияга ишора қилувчи воситалар санаб кўрсатилган.[144] Бу ишда ҳам пресуппозиция ифодадаги пропозиция мазмунига зид бўлган мазмуний тушунчани ифода этишига ишора қилинади. Д.Лутфуллаева «инкор гапларнинг мазмунан тасдиқни англатишида пресуппозиция ҳодисаси муҳим ўрин тутади. Шаклан инкор гапларнинг мазмунан тасдиқ англатиши учун айни гап тасдиқни англатувчи пресуппозицияга эга бўлиши шарт. Агар гапда ана шу пресуппозиция мавжуд бўлмаса, инкор гапдан тасдиқ англашилмайди» деган хулосага келади.

У.Раҳимов пресуппозициялар лексик бирликларнинг омонимик, синонимик, антонимик хусусиятлари асосида белгиланишини таъкидлаб, қуйидаги мисолларни беради. Масалан, «тоза» сўзининг гап ичидаги мазмуний хусусиятидан «кирлик» тўғрисидаги пресуппозиция англашилиши мумкин. *Адолат келиб ётоқхона ҳам тоза бўлиб қолди* гапидан *«ётоқхона аввал ифлос бўлган»* деган пресуппозицияни тушуниш мумкин.[145]

Умуман олганда, юқоридаги фикрларнинг асосий мазмуни пресуппозициянинг асосий белгиси матн орқали баён қилинган пропозицияга – ҳукмга зид тарзда мазмуний муносабатнинг англанишидир.

Йирик тилшунос олим Хоанг Фе ифода семантик тузилишидаги мазмуний сатҳларни [X]VI=Z/Z формуласи ёрдамида аниқ ажратиб кўрсатади.[146] Ана шу формула асосида қуйидаги мисолни таҳлил қиламиз:

---

[143] Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // ЎТА. 1986. №6. – Б.43.

[144] Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – Б.18.

[145] Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – Б.9.

[146] Хоанг Ф. Кўрсатилган асар. – С.402.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ашулангиз янгими, жўра? Олдин эшитмаган эканман...

– Эй бу минг йиллик ашула, – синиқ жилмайди Ғуломжон. – Ҳар замонда кимдир чиқиб айтиб тураркан. Айтяпмиз!

– Бир куни қоқ ўртасида узилиб қолмайдими?

– Бўлиши мумкин, – деди Ғуломжон кўзлари туб-туби қандайдир йилт этиб. – Аввалдан номаъқулнинг нонини еб, қўлингга соз олдингми, узулгунича айтаверасан-да! (О.Мухтор)

X – пресуппозиция сатҳи.

Аввалдан маъқул (тўғри)нинг нонини ейиш, номаъқулнинг созини чалмаслик керак эди.

V – ошкора мазмун сатҳи.

Аввалдан номаъқулнинг нонини едингми, энди унинг созини то узилгунича чалиб айтаверасан.

I – яширин мазмун сатҳи.

Аввалдан номаъқул ўйинга кириб қолгансан, энди ундан қутула олмайсан.

Z – тагмаъно сатҳи.

Бунинг оқибати яхшилик билан тугамайди.

Хуллас, юқоридаги тадқиқот материаллари натижаси сифатида матн семантикаси, бир томондан, пресуппозиция, иккинчи томондан, тагмаъно кўринишлари билан мураккаблашиб, уларни алоҳида ҳодисалар сифатида ўрганиш ва талқин этиш лингвистик прагматика масалалари моҳиятининг ойдинлашувида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, стилистика ҳамда прагматика йўналишларининг умумий қирраларини кўрсатиб ўтиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Прагматик тўсиқ услубий восита сифатида

Лингвистик прагматика нутқий фаолият йўналиши билан узвий боғлиқ равишда қатор масалаларни ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Жумладан, нутқ субъектининг фаолияти билан боғлиқликда унинг баён қилинаётган ахборотга муносабати, нутқ адресатининг фаолияти билан боғлиқ ҳолда матннинг англанишидаги ўзига хос қонун-қоидалари, коммуникация иштирокчиларининг ўзаро муносабати билан боғлиқ вазиятда нутқий аралашув шакллари ва нутқнинг социал-этикет жиҳатлари, ара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лашув вазияти билан боғлиқ ҳолда нутқнинг услубий (расмий, норасмий) шакллари хусусидаги масалалар лингвистик прагматиканинг объекти ҳисобланади. Бундан ташқари, тилда яна шундай ҳодисалар мавжудки, уларни бир қарашда тилшуносликнинг қайси соҳалари ўрганиши мумкинлигини ажратиш қийин. Жумладан:

«Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга». (А.Қаххор)

Ёки:

– Бу эркак товуқча деганингиз хўрозми?

– Йўқ! – деди Баширжон ҳамсуҳбатининг лаби бурчида яширинган кулгини сезмай. – Хўроздан ёшроқ...

– Товуқми?

– Йўқ! – деди Баширжон ўша бепарволик билан. Ўзи эркак, товуқдан сал ёшроқ... Эркак товуқчага ўхшаш.

– Э, офарин! – деб кулиб юборди Қурбонов. Шуни бир оғизгина қилиб жўжахўроз десангиз-ку, бўлади. (Н.Аминов)

Биринчи матн парчасида нутқ субъекти уйида ўз хотинига бағишлаган нутқини расмий оҳангда баён қилиши китобхонга ғайритабиий туюлса, иккинчи матнда маълум жониворнинг нореференциал акт сифатида номланиши тадқиқотчини ўйлантиради. Баъзи матнларда сўзлар ва уларнинг луғавий маънолари нотўғри баён қилинганининг гувоҳи бўламиз. Буларнинг барчаси хато деб хулоса чиқарадиган бўлсак, Абдулла Қаххор ва Неъмат Аминовлардек сўз усталарининг хатога йўл қўйиши сира мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан бадиий адабиётда учрайдиган бундай ҳодисалар дастлаб икки гуруҳга ажратилади. Биринчиси – ёзувчи ҳақиқатан ҳам янглишиши натижасида хатога йўл қўйган матнлар. Иккинчиси – санъаткорнинг индивидуал услуби билан боғлиқ равишда образнинг характерини очиш мақсадида унинг нутқида атайин хатога йўл қўйилган матнлар.

Озод Шарафиддинов Иброҳим Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романини биринчи типдаги – ёзувчининг янглишиши асосидаги матнлар сифатида таҳлил қилади.[147] Биз ҳақиқатан ҳам

[147] Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади. Адабий-танқидий мақолалар, ўйлар, мунозаралар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.34.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёзувчининг янглишиши натижасида юзага келган матнларни тадқиқ этишни эмас, балки маълум мақсад асосида ва образнинг характерини очиш учун хизмат қиладиган ғайритабиий матнларни тадқиқот объекти сифатида ўрганамиз.

Синтактик қурилмаларнинг номеъёрий қўлланиши ва фикр ифодалашнинг меъёрсиз услуби каби ҳодисалар лингвопрагматика йўналишининг масалалари сифатида таҳлил қилинади.

«Назарий услубшунослик марказида матн ва нутқий акт муаммолари унинг натижаси сифатида кўринади. Одатдаги нутқий актлар уч компонентдан ташкил топади: акт муаллифи («йўналтирувчи», адресант)»; матн; актни ўзлаштирувчи, идрок қилувчи («қабул қилувчи адресат)».[148] Модомики нутқий акт масалалари назарий услубшунослик муаммолари таркибида кўринар экан, унинг лингвистик прагматика доирасидаги асосий объект эканлигини унутмаслик лозим. Шу маънода услубшунослик ҳамда прагматика тадқиқий майдонда ўзаро алоқадорликда ва муносабатда бўлади.

Юқорида таъкидланганидек, нутқий акт, асосан, уч компонентдан ташкил топади. Лингвистик прагматика ана шу уч компонент – коммуникат, матн (нутқ), коммуникантларнинг ўзаро икки томонлама ифодалаш ва англаш муносабати, шунингдек, бир томонлама аён бўлиш (нутқ объекти хусусида ҳукм чиқариш) муносабати кабиларни тадқиқ этади. Сўзлашувчилар орасидаги фикр мазмуни, фикр ифодалаш услуби масалалари билан эса услубшунослик йўналиши шуғулланади.

Сўзлашувчилар ўртасидаги вербал коммуникатив муносабат масалалари бир жиҳати билан прагматикага, бошқа бир жиҳати билан эса услубшуносликка алоқадор бўлади. Маълумки, коммуникант матн ёрдамида маълум вазиятдаги воқеликларни ифода этади. Шу билан бирга, матн мазмуни ичида сўзловчининг коммуникатив нияти – сўзловчи назарда тутган хусусий мазмун ҳам ўз ифодасини топади. Матн тузилишидаги ана шу мазмуний тузилиш қаторларини тингловчига аниқ ва мукаммал тарзда етказиш сўзловчининг асосий мақсади ҳисобланади. Бироқ ҳар қандай вербал ифода мазмунининг баён этилишига, ифодаланишига «халақит қилувчи», ифоданинг асосий мазмунини хиралаштирувчи, унинг тингловчи томонидан аниқ идрок қилинишида

[148] Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1990. – С.493.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўсиқ бўлувчи «прагматик тўсиқ» мавжуд бўлади. Бу фақат тингловчи учун маълум хабар кўриниши сифатида, фақат тингловчи тасаввурида англанадиган услубий ҳодиса эканлиги билан ажралиб туради. Бу хусусда лингвистик адабиётларда «помех» (шум)[149] атамаси қўлланади. «Прагматик помех» тушунчаси матндаги пропозиция мазмунининг англаниши учун тўсиқ вазифасини бажаради, бунда тингловчи диққатини асосий ахборотга эмас, балки ана шу ахборотнинг англаниши учун тўсиқ бўлаётган бошқа мазмунга қаратади. Бу мазмун ҳақида сўзловчи ҳеч қандай маълумотга эга бўлмайди. Прагматик тўсиқ хусусида сўзловчи муносабати 0 даражани ташкил этади. Прагматик тўсиқ мазмуни сўзловчининг ички мақсадига алоқадор эмас. Коммуникатив ниятнинг ифодаланиши (иллокутив акт) ҳам, тингловчининг ҳис-туйғусига таъсир этиш ва янги нутқ вазиятини ҳосил қилиш (перлокутив акт) ҳам прагматик тўсиқ тушунчаси билан умуман боғланмайди.

Прагматик тўсиқ деб номланаётган ҳодисанинг мавжудлиги йирик олимлар томонидан эътироф этилади. Жумладан, йирик адабиётшунос олим ўзининг «Адабиёт тилдан бошланади» мақоласида шундай фикрларни беради: «Кўп ҳолларда муаллиф бир-бирига боғлаб бўлмайдиган тушунчаларни ёнма-ён қўяди ёки шундай ифодалар қўллайдики, улар автор айтмоқчи бўлган маънони аниқ ифодалаш ўрнига хиралаштиради».[150] Мана шундай ҳодисалар йўналишига оид дастлабки маълумотлар тилшунос олим Низомиддин Маҳмудов асарларида учрайди.[151] Унда бу ҳодисалар прагматик тўсиқ деб номланмаса-да, ўртага ташланган «ғайриодатий бирикмалар», «ўзига «ёт» стилда қўлланган сўзлар», «сўзнинг аниқлиги» каби мавзуларнинг таҳлил натижаси прагматик тўсиқ хусусидаги ҳодисанинг мавжудлиги ҳақида яна бир карра маълумот беради.

Демак, биринчидан, юқоридаги фикрлар мазмунида прагматик тўсиқ хусусидаги ҳодисанинг мавжудлиги тасдиқланади. Иккинчидан, прагматик тўсиқ ҳодисасидан ёзувчилар бадиий адабиётда услубий восита сифатида фойдаланадилар. Шу нуқтаи

[149] Гелгард Р.Р. Помехи в понимании речевых сообщений // Русский язык в школе. 1968. №3.

[150] Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади. – Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.34.

[151] Абдураҳмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981.

www.ziyouz.com kutubxonasi

назардан прагматик тўсиқ ҳодисасини тадқиқ этиш лингвистик прагматика йўналиши учун муҳимдир. Коммуникант вербал ифодани бериш билан ҳар доим маълум коммуникатив ният (иллокутив) ва нутқий таъсир қилиш (перлокутив) актини содир этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бироқ баъзи ҳолатларда сўзловчи назарда тутган иллокутив ҳамда перлокутив нутқий актлар муваффақиятли амалга оширилмайди. Сўзловчининг вербал ифода баён қилиш услуби асосидаги прагматик тўсиқ коммуникант ниятини юзага чиқиши учун тўсиқ бўлади. Бунда тингловчи диққати матн таркибидаги асосий мазмунга эмас, балки нутқ субъектининг нутқий актларни талаффуз қилиш услуби таъсирида юзага чиқувчи маълумотларга жалб бўлади. Мана шу асосда тингловчи тасаввурида нутқ субъекти ҳақида баъзи маълумотлар пайдо бўлиб, бу прагматик тўсиқ деб номланади.

Прагматик тўсиқ ифоданинг шаклий ҳосил бўлиши билан боғлиқ ҳодиса ҳисобланади. Прагматик тўсиқ ифода мазмунининг тўғри англаниши учун ҳамда сўзловчи назарда тутган хабар даражасини камайтирувчи нутқ субъекти ҳақидаги номатний маълумотлардир. Сўзловчининг меъёрсиз нутқий хатти-ҳаракатлари ва ифода талаффузининг меъёрсиз услуби режалаштирилган иллокутив мазмунга тўсиқ бўлади. Ифоданинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ ҳукм кўринишларидан бири прагматик тўсиқдир, у нутқ предмети ҳақидаги ахборотдан фарқланади. Нутқ предмети хусусидаги ахборот сўзловчининг ички мақсади билан боғлиқ, у маълум воқелик хусусида тингловчига хабар беради. Прагматик тўсиқ мазмуни эса фақат тингловчи позициясидаги нутқ иштирокчисининг нутқ субъекти ҳақидаги тасаввуридан иборат. «У ёки бу ҳодисани прагматик тўсиқ сифатида тасниф қилишда қуйидаги факторлар муҳим ўрин тутади: 1. Режалаштирилган прагматик эффектнинг белгилари. 2. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ижтимоий муносабатлар. 3. Тезаурус (интеллект имконияти) фонди ва характери. 4. Лингвистик материалнинг хусусияти».[152]

Прагматик тўсиқ тушунчаси сўзловчи учун ноль қийматга эга бўлиб, бунда фақат тингловчи позицияси эътиборга олинади. Масалан:

---

[152] Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С.135.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаландаров тузган нутқ шундай бошланар эди:

«Ҳиндистонлик хотин-қизлар делегациясига «Бўстон» колхозчилари ва раҳбарларидан колхозчилик саломи. Бизким «Бўстон» колхозчилари, идора хизматчилари пахтакорлар қурултойининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, пахтачиликда ўтган йил орден-медалларга эга бўлдик, бу йил ҳам об-ҳаво шароитига қарамай, қўшимча мажбурият олиб, ҳар гектаридан ўттиз икки центнердан бажариш учун курашиб, ҳозир ғўзаларни бригадалар бўйича юз процент кўтариб олдик...» (А.Қаҳҳор)

Ҳинд хотин-қизлари делегациясининг кутиб олиниши учун Қаландаров томонидан ёзилган нутқ мазмуни раиснинг услубий-грамматик томондангина эмас, балки маданий-маърифий нуқтаи назардан ҳам саводсизлигини ифодалайди. Прагматик тўсиқ ҳодисаси асосий пропозициянинг тингловчи томонидан тўғри англаниши учун тўсиқ вазифасини бажаради. Бу ҳодисадан бадиий адабиётда ёзувчининг индивидуал услуби билан боғлиқ равишда образнинг характерини очиш учун услубий восита сифатида фойдаланилади.

Прагматик тўсиқ тушунчаси, асосан, сўзловчи ҳамда тингловчи ўртасидаги коммуникатив муносабатда аниқ кўринади, айниқса, нутқ иштирокчилари тасаввурида олам ҳамда тил билимларининг даражаланиши прагматик тўсиқнинг асоси деб қаралади.

Прагматик тўсиқлар ҳам импликатив мазмун кўринишларидан биридир, у фақат тингловчи учун маълум бўлиши билан ажралиб туради. Прагматик тўсиқ ҳам импликатив мазмун доирасига киритилади. Бироқ матн мазмунининг англанишида пайдо бўлувчи прагматик тўсиқни тагмаънодан фарқлаш лозим.

Матннинг тагмаъноси ошкора ва яширин ахборотнинг мантиқий таҳлили ёрдамида аниқланса, прагматик тўсиқ на пропозиция мазмуни, на пресуппозиция мазмуни ва на тагмаъно ёрдамида аниқланади. Прагматик тўсиқ мазмуни услубий восита сифатида сўзловчи шахси фикрлаши ҳамда талаффуз имкониятлари воситасида аниқланади. Прагматик тўсиқ сўзловчининг нутқий ахлоқи кўринишларидан бири сифатида унинг ички маънавий олами хусусидаги маълумотдир. Шунинг учун нутқ сўзловчининг маънавий қиёфасини ўзида мужассамлаштиради. Бундай қараш охирги пайтларда нашр қилинган лингвистикага оид назарий адабиётларда ҳам учрайди. Жумладан, «Жумла кишилар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасидаги алоқа жараёнида вужудга келади. Шунинг учун уларнинг ҳар бирида шахснинг изи ўз ифодасини топади. Чунки «тил – борлиқнинг уйи» (М.Хайдеггер)», унда инсониятнинг маънавий, руҳий олами акс этади.[153] Прагматик тўсиқ ахбороти юзасидан сўзловчи позицияси ноль даражада бўлади. Баъзи ҳолатларда сўзловчининг ички мақсади акс этмаган сўз ва қурилмаларнинг қўлланиши прагматик тўсиқни ҳосил қилади. Буларнинг ҳаммаси ҳам прагматик тўсиқ ҳисобланавермайди дейилган янглиш хулосага келмасликлозим.[154]

Тилшунос олим Л.А.Киселева прагматик тўсиқ хусусида сўз юритади. Прагматик тўсиқнинг нолисоний ҳамда лисоний асосдаги кўринишлари мавжудлигини таъкидлайди. Лисоний тўсиқнинг ўзи иккига ажратилади:

1. Ифоданинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ тўсиқлар. Бунга кўра, ҳаддан ташқари тез ва ғайриодатий талаффуз қилиш ҳамда ёзма нутқнинг ўқиб бўлмаслик даражада сувашганлиги прагматик тўсиқ сифатида матн мазмунини англашни қийинлаштиради.

2. Ифода формаси билан боғлиқ тўсиқлар. Бу гуруҳдаги прагматик тўсиқлар ҳам тасниф қилинади: а) меъёрсиз талаффуз; б) меъёрсиз сўз қўллаш (сўзларни ўз маъносига номувофиқ қўллаш); в) грамматик форма ва синтактик қурилмаларнинг меъёрсиз қўлланиши ҳам прагматик тўсиқни юзага келтиради[155]; г) бизнингча, маълум функционал услубнинг меъёрсиз қўлланиши ҳам прагматик тўсиқни юзага чиқарувчи лингвистик белги сифатида ажратилади.

Баъзи атамаларнинг меъёрсиз қўлланиши натижасида тингловчи тасаввурида прагматик тўсиқ пайдо бўлади:

«Баъзан «заград олов» каби ибораларни кўриб Иброҳим Раҳимдай тажрибали одамнинг тилга бу қадар беписанд қараганига ажабланасан. Баъзан эса «бодроқчи» типидаги ибораларни кўриб муаллиф русча ибораларни ўзбекчалаштирганда уларнинг маъносига сира эътибор бермаганига ачинасан. Ав-

---

[153] Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995. – Б.10.

[154] Биз фақат услубий воситага айланган прагматик тўсиқлар хусусида сўз юритамиз.

[155] Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С.136.

www.ziyouz.com kutubxonasi

тор «бодроқчи»ни «кукурузник» сифатида қўллайди. (О.Шарафиддинов. Адабиёт тилдан бошланади)

Баъзи сўз ва сўз бирикмалари ўз маъносига номувофиқ қўлланиши натижасида тингловчи тасаввурида прагматик тўсиқ пайдо бўлади.

«Хўп, имло луғатида айб кам дейлик. Чунки луғатчилар биз аллақачон кириб қолган сўзларнинг қандай ёзилишини кўрсатдик, холос, деб айтадилар». (Кенжабек М. Тил эрки – эл эрки. Фитна санъати. – Тошкент, 1993. – Б.95) *-чи* қўшимчасининг меъёрсиз қўшилуви натижасида матн мазмунининг англанишида прагматик тўсиқ пайдо бўлади.

Мантиқсиз тузилган сўз бирикмалари прагматик тўсиқни ҳосил қилади: *«Муаллиф ўйлаб ўтирмай «етим отлар» ... ёки «пўстинли картошка», «чивиндай ғиншиб», «беишликдан совқотдим» деб ёзади. Ахир от етим бўлмайди, той етим бўлиши мумкин. Ғиншиш чивинга хос эмас, у ғинғиллайди.* (Шарафиддинов О. Адабиёт тилдан бошланади. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б.33)

Сўзловчи нутқининг мантиқий номувофиқлиги ахборот баёнида прагматик тўсиқнинг юзага келишига сабаб бўлиб, у пропозиция ўрнида биринчи даражали хабар мазмунига айланади. Прагматик тўсиқ тушунчаси нутқ субъектининг фикрлаш даражасига кўра сўзловчи шахси билан алоқадор барча маълумотлар кўриниши сифатида таҳлил қилинади.

Прагматик тўсиқнинг юзага келиши билан узвий боғлиқ прагматик ва нопрагматик ахборот кўринишлари хусусида маълумот бериш бу ҳодиса моҳияти тўғри талқин қилинишида муҳим аҳамият касб этади. Прагматик матн ўзида сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалайди ва тингловчининг ҳис-туйғуларига таъсир этиш натижасида маълум янги вазиятни ҳосил қилишни назарда тутади. Масалан:

«Адабий кечада Ғафур акани табриклаш ва тўн кийдириш Отқулоқ тоғага топширилади. Бу одам умрида шеър ўқимаган, шоир ким, композитор ким унга барибир эди. Мактаб директори икки кун унга гап ўргатади. Адабиётимизнинг карвонбошисиз денг. Шеъриятимизнинг фахрисиз денг. Сизнинг «Шум бола», «Ёдгор» қиссаларингиз, «Вақт», «Сен етим эмассан» каби фалсафий шеърларингиз халқ орасида машҳурдир. Биз бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ноёб шеърият дурдоналаридан баҳраманд бўлганимиздан ғоятда миннатдормиз деб айтасиз». (С.Аҳмад)

Демак, прагматик ахборот сўзловчининг ички мақсади асосида шаклланади. Прагматик хабар сўзловчи мақсадини амалга ошириш учун хизмат қилади. Нопрагматик матн эса сўзловчи ички мақсадининг ифодаламаслиги ёки нутқ мазмуни билан нутқ субъекти ўртасидаги вазиятнинг номувофиқлиги таъсирида юзага келган матн эканлиги билан характерланади. Йирик тилшунос олим З.Вендлернинг таъкидлашича: «... секретнинг алжираб қўйилиши бу сирнинг очилиши ёки сирнинг сир эмаслигини содир этиш эмас, балки кейинги икки фаолият онгли равишда амалга оширилади».[156] Бу ўринда «алжираш» тушунчаси прагматик матнлар учун мувофиқ термин эмас. «Сотқин маълумотларни секрет эканлигини тушуниб тургани ҳолда хабар беради, «алжираш» тушунчаси эса бутунлай бошқа фаолият кўриниши. Агар бирор киши алжираб қўйса у ё буни билмай содир этади, ёки эсидан чиқиши натижасида гапириб қўяди».[157] З.Вендлер айнан шу ҳодисани «иллокутивное самоубийство» деб атайди. Демак, нопрагматик матнларда сўзловчи ички нияти акс этмайди. Яъни сўзловчининг коммуникатив нияти ифодаланмайди, натижада бошқа нутқ иштирокчилари томонидан назарда тутилган нутқий вазият тамомила ўзгаради. Бу ҳолат икки сабаб билан кузатилади. Бирида сўзловчи баён қилиши лозим бўлган ахборот мазмунини ташқи вазият таъсирида ёдидан чиқаради, натижада режалаштирилган прагматик матн ўрнида режалаштирилмаган нопрагматик матн баён қилинади. Бундай матнда хабар мазмуни сўзловчининг ички мақсадини юзага чиқаришга хизмат қилмайди. Маълум мақсад учун қаратилмаган бундай хабар нопрагматик ахборот деб юритилади:

– ... Сўзни ҳозиргина яхшилаб таъриф қилинган маккажўхорикор Эралига берамиз.

Эрали мақтовларни эшитиб эриб кетган экан, айтадиган гапларини тамоман эсидан чиқазиб қўйиб Ғафур Ғуломга мўлтираб туради. Бир минут туради, йўталиб қўяди. Икки минут туради, йўталиб қўяди. Кейин қўлтиғидаги тўнни ёзиб унга тутади.

---

[156] Вендлер З. Иллокутивное самоубийство // НЗЛ. Вып.XVII. – М., 1986. – С.245.

[157] Ўша жойда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Бу майда қавиқ тўнни Ургут бозоридан етмиш сўмга олганмиз.

Кейин унинг бошига дўппи кийгизади.

– Буни Шаҳрисабз бозоридан олтмиш сўмга олганмиз.

Ана ундан кейин қийиқни учбурчак қилиб бир учига жез пойнакли карки сопли пичоқ солинган қиннинг бандидан ўтказиб белига боғлайди.

– Буни Чироқчидаги пичоқчига машина рессоридан юз сўмга ясатганмиз.

Ҳамма ишни кўнгилдагидек қилдим деб ўйлаб залга қараб керилиб турди-да, одамлар ундан яна ниманидир кутаётганини сезиб:

– Шу, – дейди. (С.Аҳмад)

Ғафур Ғуломни кутиб олиш вазиятида Эралига «ўргатилган нутқ»нинг ташқи таъсир натижасида эсдан чиқиши ва унинг ўрнига «оғзига келган гаплари» нопрагматик матн сифатида кутилган натижа бермайди. Шунинг учун бундай типдаги матнлар нопрагматик матн деб юритилади. Бу нопрагматик матнда ҳам нутқ вазияти бутунлай ўзгаради. Нопрагматик матнларда прагматик тўсиқ тушунчаси кўзга яққол ташланади.

Иккинчисида сўзловчининг руҳий ҳолати у ифода этаётган матн мазмуни билан объектив борлиқ ўртасидаги ўзаро мувофиқликнинг меъёрий даражасига тўсиқ бўлади. Натижада, прагматик тўсиқ назариясига кўра, дастлаб баён қилинаётган ифода мазмунига эмас, балки нутқнинг мантиқий номувофиқлиги таъсирида юзага келган прагматик тўсиққа эътибор қаратилади. Масалан: *«Кунлардан бир кун Тожихон жинни битта кетмон дастаси билан ўтган-кетганни қувлаб уриб-сўкиб: «Ҳамманг бир томонга юр, тарқалиб юрма! Тартиб керак, интизом керак», – деяр эди. Ҳеч ким унга бас келолмас эди. Шунда Олим жинни келиб қолди.*

– Ҳой, ҳой, нима деяпсан, жинни? – деб сўраб қолди.

– Нимага одамлар бир томонга юрмасдан, ҳар қаёққа тарқалиб юради? Николай пошшо замонида тартиб-интизом керак, бир томонга юрсин-да!

Бунга Олим жинни:

– Аҳмоқсан, Тожи, аҳмоқсан. Ер ахир тарозига ўхшаган бўлади, ҳамма бир томонга юрса, ер баркашдай бир ёққа оғиб, ҳаммамиз Қуркум дарёга ғарқ бўлиб кетамиз-ку, – деди. (Ғафур Ғулом)

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу матнда баён қилинган ахборот мазмунининг объектив оламдаги воқеликларнинг ҳақиқийлигига зидлиги натижасида «сўзловчи нутқининг мантиқсизлиги» хусусидаги прагматик тўсиқ юзага келади.

Сўзловчи нутқининг бундай мантиқсизлиги тилда «афазия» ҳодисаси билан узвий боғланади. Aphasia грекча сўз бўлиб, а – «инкор» мазмунини ифода этувчи қўшимча, phasis – «ифода» тушунчаларини англатиб нутқнинг бузилиши маъносини беради.[158] Демак, нутқнинг бузилиши ёки унинг мантиқсизлиги натижасида прагматик тўсиқ тушунчаси юзага келади.

Ёзувчи прагматик тўсиқ ҳодисасини услубий воситага айлантиради ва ундан образнинг индивидуал ўзига хослигини кўрсатишда фойдаланади. Маълум сўз ёки синтактик қурилмаларнинг мантиқсиз боғланиши натижасида прагматик тўсиқ юзага келади. Масалан:

Пода олдида хуржунли кўк эшак калласини эгганча ҳорғин одимларди. Зевархон ўша томонга қараб эрини туртди.

– Эшак!

– Эшак! – деди Баширжон хаёл суриб.

– Эркак, нар эшак бўлмайди. (Н.Аминов)

Бу матнда прагматик тўсиқ эшакнинг эркагига нисбатан «нар» сўзининг қўлланиши натижасида ҳосил қилинади. Муаллиф образнинг характерини яратиш мақсадида сўзни ўз парадигматик қаторида қўлламайди, натижада муаллиф назарда тутган прагматик тўсиқ услубий воситага айланади. Муаллиф «нар» сўзининг ўрнига «ҳанги» сўзини ҳам ишлатиши мумкин эди. Бироқ бунда муаллиф назарда тутган образ нутқига хос коммуникатив характер намоён бўлмасди. «Нар» сўзининг ноўрин қўлланиши натижасида унинг парадигматик қатори бузилади. Жумладан, ўзбек тилининг изоҳли луғатида «мода» сўзи товуқ ва бедана-дан бошқа қушларнинг урғочисига қўлланади[159] дейилгани ҳолда, унинг антоними «нар» сўзи «эркак жинсли зот»[160] маъносини ифодалайди деб тушунтирилади. Бунда маълум даражада мантиқ бор деб тушунилса ҳам, унга «мода» сўзининг антоними си-

[158] Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С.54.

[159] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. Т.II. – Б.469.

[160] Кўрсатилган манба. – Б.495.

www.ziyouz.com kutubxonasi

фатида қаралганида нар сўзининг ўз парадигматик чегара қатори мавжудлиги кўзга яққол ташланади.

Умуман, «эркак-урғочи» парадигмаси қайси жонли зотга нисбатан қўлланишига кўра ўзининг чегара қаторига эга бўлади. Жумладан, отга нисбатан айғир – бия, қўйга нисбатан қўчқор – совлиқ, эчкига нисбатан така – эчки, эшакка нисбатан ҳанги – моча сўзлари лексик бирликлар парадигмасининг чегара қатори деб қаралади. Шунинг учун парадигматик чегара қатори тушунчасига биноан асли «нар эшак» деб номлаш мумкин бўлмаса-да, ёзувчи маълум прагматик мақсадни назарда тутиб «ғайриодатий» боғланишни юзага чиқаради. Бу билан ёзувчи сўз қўллашни билмайди деган янглиш тушунчага келмаслик лозим. Демак, юқоридаги келтирилган мисолда сўзларнинг мантиқсиз боғланиши натижасида прагматик тўсиқ ҳосил бўлади ва у услубий восита сифатида муаллиф назарда тутган мақсадни юзага чиқариш учун хизмат қилади.

Ҳар қандай нутқда нутқ предмети ҳақидаги ахборотдан ташқари сўзловчи дунёқараши ва руҳияти ҳақида ҳам ахборотлар яширин тарзда ифодаланади. Масалан:

– *Худоё, аямди дайдига даво бейгин.* (А.Қаҳҳор)

Ахборотнинг мазкур қўшимча кўринишлари прагматик тўсиқ деб қаралса-да, бироқ бу матн мазмунини англашни қийинлаштирмайди, аксинча, унинг таъсир кучини оширади. Чунки прагматик тўсиқнинг ўзи матнда сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалайди ҳамда тингловчи ҳис-туйғуларига таъсир этиб, янги нутқий вазиятни юзага чиқариш учун хизмат қилади.

Прагматик тўсиқ кўриниши муаллифнинг индивидуал услубига кўра баъзи ҳолатларда образнинг характерини очувчи услубий воситага айланади. Моҳир сўз санъаткори прагматик тўсиқнинг ўзидан услубий восита сифатида фойдаланади. Бунда прагматик тўсиқ матн мазмунидаги асосий ахборотга тўсиқ бўлмайди, балки унинг таъсир этиш даражасини оширади. Ифоданинг услубий мантиқсизлиги прагматик тўсиққа айланади. Масалан:

– *Сиз билан биз бир йиллик оилавий фаолиятимиз натижасида қандай ютуқларга эришдик? Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, биз у ёки бу масалада юз берадиган принципиал келишмовчиликларни четдан куч жалб қилмасдан ўз кучимиз билан, ўзаро кенг муҳокама қилиш йўли билан бевосита барта-*

www.ziyouz.com kutubxonasi

раф қиладиган бўлиб қолдик. Иккинчидан, ўртоқ рафиқам, оиламизни ташкилий хўжалик жиҳатидан мисли кўрилмаган даражада мустаҳкамладик. Мен бу бобда фактларга мурожаат қилиб ўтирмайман, чунки орденли онангиз ўзларининг ҳар бир тарихий келишларида бу нарсани айрим равишда қайд қилдилар... (А.Қаҳҳор)

Бу матнда ифоданинг услубий мантиқсизлиги, яъни сўзловчининг ўз хотинига норасмий вазиятда (уйда) расмий муносабати прагматик тўсиқни юзага келтиради. Аслида, прагматик тўсиқ матн мазмунини англашга тўсиқ бўлиши лозим эди. Бироқ А.Қаҳҳордек буюк сўз санъаткори прагматик тўсиқдан услубий восита сифатида фойдаланади. Нотиқнинг норасмий вазиятда расмий муносабати прагматик тўсиқ сифатида кўрсатилгани матндаги асосий ахборот кўринишига тўсиқ бўлмайди, балки муаллиф мақсадига кўра бу прагматик тўсиқ таъсир этиш кучини ошириш учун услубий восита сифатида қўлланади.

Объектив оламдаги реал предмет ёки ҳодисаларнинг сўзловчи нутқидаги ноҳақиқий тасвири прагматик тўсиқни юзага келтиради:

Вафо аттор унга яқинлашиб, кафти билан кесиб гапирди:

– Мани синтим (ёшим) етмиш иккида. Ўттиз икки пора каломи шарифни хатм қилганман. Мулло сифатида шариат номидан фатво бераман... (Н.Аминов)

Маълумки, каломи шариф – Қуръон ўттиз порадир. Сўзловчи ислом илмидан тўлиқ хабардор бўлса, *«ўттиз пора» каломи шарифни хатм қилганман»* тарзида ўз нутқини баён қилиши лозим. Қуръон китоби хусусидаги сўзловчи нутқининг ноҳақиқий тасвири матнда прагматик тўсиқни ҳосил қилади ва бу образнинг характерини очиш вазифасини ўтовчи услубий воситага айланади.

Хуллас, нутқда прагматик тўсиқ ҳодисаси мавжуд бўлиб:

– меъёрсиз талаффуз, номеъёрий сўз қўллаш, грамматик шакл ва синтактик қурилмаларнинг меъёрсиз боғланиши, функционал услубнинг меъёрсиз қўлланиши натижасида юзага келади;

– прагматик тўсиқ ҳодисаси тилшунослик позицияси нуқтаи назаридан тадқиқ этилади;

– прагматик тўсиқ афазия ҳодисасининг таъсирида ифоданинг инкори сифатида намоён бўлади;

www.ziyouz.com kutubxonasi

– матнда муаллиф ўз ички ниятини ифодалаш ва образнинг характерини очиш мақсадида прагматик тўсиқдан услубий восита сифатида фойдаланади.

Лингвистик прагматика бирликлари

Тилшуносликда мазмуний синтаксис йўналишига оид назарий адабиётларнинг юзага келиши ҳамда ушбу ишнинг боб ва параграфларида тадқиқ этилган барча ҳодисалар лингвистик прагматиканинг тадқиқот майдони ўта кенглигидан далолат беради. Шунингдек, бадиий адабиётда мавжуд фактик материаллар ҳамда сўзлашув услуби билан боғлиқ кундалик нутқий мулоқот шаклларига хос хилма-хил мазмуний ифодаларнинг лингвистик тадқиқ ва прагматик талқини прагматикани тилшуносликнинг алоҳида тармоғи сифатида ажратишни талаб этади. Лингвистик прагматика тилшунослик фанининг алоҳида тармоғи сифатида ажратилар экан, унинг асосий бирликларини белгилаш тадқиқот натижаларини кўрсатиш учун бош мезон вазифасини ўтайди. Шу маънода прагматика бирликларини тил ва нутқ элементлари сифатида талқин этиш ишнинг тилшунослик фани таркибидаги қийматини оширади. Шунинг учун тадқиқотнинг якуний қисмида лингвистик прагматиканинг асосий бирликларини ажратиш ва тасниф қилиш лингвистик прагматика назарияси учун муҳимдир.

«Семантикага бўлган қизиқишнинг уйғонишига лингвистик назария ривожига таъсир этган бир қатор омиллар: лингвистиканинг гап мазмуни – пропозицияга алоҳида диққат қилувчи мантиқ билан муносабатининг янги поғонага кўтарилиши, тил ва нутқнинг маъно томонига умумий бурилиши, нутқ фаолиятининг прагматик компонентига эътиборнинг кучайиши, гапга ўзининг махсус маъноси бўлган тил белгиси сифатида қарашнинг пайдо бўлиши ҳамда гапларнинг мазмуний эквивалентлиги тушунчасига таянадиган синтактик трансформация назариясининг вужудга келиши сингари омиллар туртки бўлди».[161]

Маъноли бирликларни икки йўналишда – ономасиологик ва семасиологик томондан ўрганиш мавжуд. Ономасиологик план-

[161] Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент, 1962. – Б.26.

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, объектив оламдаги макро ва микрооламларнинг тилда қандай ифодаланишига эътибор қаратилади. Бунинг натижасида ҳар қайси тилнинг ўзига хос ифода имкониятлари очилади. Худди шуни ҳисобга олиб тилни майдон сифатида ўрганишга диққат қилинади.[162] Ўзбек тили прагматикаси ҳам белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан сифатида семиологиянинг таркибий элементларидан бири саналади ва, ўз навбатида, объектив оламдаги воқеликларни акс эттирувчи элементлардан ташкил топиб, функционал майдон сифатида маълум системага бирлашади. Демак, тил элементлари хусусий муносабатни ифодалаш вазифасига кўра прагматик майдонни ҳосил қилади.

Ўзбек тилшунослигида прагмалингвистика йўналиши бўйича баъзи тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, бироқ сўзловчи ва тингловчи шахси, нутқий акт иштирокчиларининг ўзаро муносабати, ахлоқий туйғуларга таъсир этиш ва уни бошқариш кабилар лингвистик прагматиканинг муаммолари сифатида ўз талқинига эга бўлмади. Шунингдек, прагмалингвистик бирликлар, тилнинг прагматик моделлари хусусида ўзбек тилшунослигида умуман сўз юритилмайди. Прагматика тилшунослик фанининг алоҳида бўлими сифатида эндигина ўрганилаётганлиги туфайли прагмалингвистика категорияси ҳамда унинг бирликлари тўғрисида сўз юритиш ғайритабиийдек туюлади. Бироқ Л.А.Киселева ҳар қандай тадқиқот объекти маълум лингвистик бирликлар системасидан иборат эканлиги, уларда махсус тил моделларидан иборат прагмалингвистик бирликлар ва категориялар мавжудлигини тўғри таъкидлайди. У прагмалингвистик бирликлар хусусидаги назарий қарашларини таниқли тилшунослар – Л.Берталанфи, А.А.Леонтев каби олимлар ғояси ёрдамида асослайди. Уларнинг таъкидлашича, «ўзида аниқ йўналишга эга бўлган барча илмий тузилмалар моделлар саналади», шунингдек, «Таҳлил натижаси сифатида биз нимага эга бўламиз, ўзимизнинг лингвистик фаолиятимизда нимага эришамиз? Бу тил моделларидир»[163], – деб таъкидлайди.

---

[162] Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон сифатида ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 1998. – Б.12.

[163] Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С.105.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Демак, лингвистик фаолият билан алоқадор ҳар қандай тадқиқот натижаси нимадир беради. Шу маънода тилшуносликнинг прагматика бўлими ҳам таъсир этиш ҳамда бошқариш бирликларига эга бўлиб, тил моделини ҳосил қилади. Бунинг учун эса «тилнинг прагматик хусусиятларини акс эттирувчи (бу хусусиятлар таъсир этиш ва бошқариш функцияларидан иборат бўлиб, улар сўзловчи мақсади асосида бирлашади) махсус прагмалингвистик бирликлар системасини ажратишдан иборатдир».[164] Тил алоқа-аралашув воситаси сифатида кишилар ўртасидаги социал муносабатларни йўлга солади.[165] Айни пайтда, тил бирликларини лингвопрагматик йўналишда ўрганиш учун нутқий акт тушунчасининг ўзи етарли ҳисобланмайди.[166] Нутқий таъсир этиш ва нутқий коммуникация назариясининг функционал асосга эга бўлишига кўра синтактик бирликлардаги ахборот таркиби тил бирлиги сифатида иккига ажратилади: 1. Информема. 2. Прагмема. Булар прагмалингвистик бирликлар саналади. Прагмалингвистик бирликлар тил бирликлари билан функционал тил майдонида тўғридан-тўғри зидланишда кўринади.[167]

Матн ёки нутқ воситасида баён этилган ҳар қандай ахборот сўзловчининг маълум ички мақсадини ифодалаш учун хизмат қилади. Шу маънода матн таркибидаги ахборот кўриниши икки гуруҳга ажратилди. Информема матн ёки нутқда фақат сўзловчи назарда тутган нейтрал вазифага эга бўлган оддий ахборот кўриниши ёки сўзловчи хусусий муносабатидан холи пропозитив мазмундир.

Информема – тилнинг турли сатҳига оид бирликлар бўлиб, улар фақат рационал, интеллектуал ахборот ташувчи белгиларга эга бўлади[168]. Информемалар ўзида фақат рационал, интеллектуал ахборот кўринишларини ифода этиш билан прагмемалардан ажралиб туради. Информемалар интеллектуал-информатив ахборот бирликлари бўлиб, улар бажараётган вазифасига кўра

---

[164] Ўша жойда.

[165] Азнаурова Э.С. Прагматика художественного слова. – Ташкент: Фан, 1988. – С.13.

[166] Ўша жойда.

[167] Киселева Л.А. Вопросы теории речевого воздействия. – Л., 1978. – С.106.

[168] Кўрсатилган асар. – Б.107.

www.ziyouz.com kutubxonasi

интеллектуал-информатив тил майдонининг қурилиш унсури сифатида кўринади.

Прагмемалар эса инсон ахлоқига таъсир этиш функциясига кўра информемалар билан оппозицияга киришади. Агар информема фақат интеллектуал-информатив белгиси билан намоён бўлса, прагмемалар сўзлашувчилар ўртасидаги муносабатда инсон ахлоқини акс эттириш хусусиятига кўра ажралиб туради ва айнан шу белгиси билан оппозицияда бўлади.

Л.А.Киселеванинг таъкидлашича, прагмемалар ҳам тилнинг турли сатҳ (даража)даги бирликларидир, улар махсус прагматик топшириқ бажаришга хосланган бўлади. Улар инсон хулқини бошқариш учун тайинланади. Уларга нутқ субъекти ички руҳияти билан алоқадор эмоционал ҳодисаларни ифода этувчи тил бирликлари киради. Прагмемалар доимий прагматик ахборот ташувчилардир.[169] Прагмемалар ўз семантикасига кўра ёки бажараётган вазифасига кўра икки гуруҳга ажратилади. Баъзи прагмемаларда фақат прагматик вазифасига кўра доминантлик хусусияти мавжуд бўлади. Бундай прагмемалар фақат адресат руҳиятига таъсир этишга мўлжалланган, улар ахлоқий ҳолатни бошқариш учун тайинланган бўлади.

Қўй, қўй қийи ва кичик рўмолчада бир чангал жун боғланган юкни ортиб олган машина баланд қирдан тушиб, кўздан пана бўлганида, Жўра ферма:

– Кетди! – деди чуқур уф тортиб, кейин носини туфуриб ташлаб. – Мумсик! – дея қўшиб қўйди. (Н.Аминов)

Бу матнда «мумсик» сўзи муаллифнинг эмоционал баҳолаш мазмунидаги муносабатини ифода этади.

– Бу ... Хўжақуловани танийсизми?

– ...

– Танийман! – деди Баширжон манглайини силаб. – Бир оз маҳмаданароқ. (Н.Аминов)

Мумсик, маҳмадана, чақимчи, енгилтак, иккиюзламачи, айёр, мунофиқ каби сўзлар прагмемалар сифатида эмоционал баҳо майдони бирликлари саналади.[170] Бундай бирликлар эмоционал,

---

[169] Кўрсатилган асар. – Б.106.

[170] Айрим адабиётларда бундай маъно коннотатив маъно атамаси билан ҳам юритилади. Қаранг: Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив маънолари. Фил. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1998.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмоционал-баҳо ва ундаш муносабатини ифода этувчи прагматик функционал майдон ядросини ҳосил қилади. Бу майдон таркибига кирувчи прагмемалар фақат прагматик вазифага хосланганлиги билан характерланади.

Прагмемаларнинг иккинчи гуруҳига эса ўзида прагматик функцияга эга бўлиш билан бирга хабар вазифасидан иборат белгига ҳам эга тил бирликлари киритилади. Бундай прагмемалар фақат прагматик функция бажариш билан чегараланиб қолмайди. Улар ахборот бериш вазифасини бажаришга хизмат қилади. Бироқ бундай прагмемаларнинг ахборот бериш вазифаси прагматик функция учун ҳам асос бўлади. Л.А.Киселеванинг таъкидлашича, бундай прагмемалар ўз семантикасига кўра информема билан приватив оппозицияга киришади. Бундай бирликларга эмоционал-баҳо билдирувчи сўзлар киради. Уларда маълум факт ҳақида ахборот беришдан ташқари прагматик вазифадан иборат сўзловчининг муносабати доимо ёйиқ тасвирга эга бўлади, бу эса инсон ахлоқига хос бошқариш муносабатини ифода этади. Ана шу функция биринчи даражали қийматга эга бўлади.

Приватив оппозиция тушунчаси оппозиция аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра белгиланади. Бу приватив белгига кўра оппозиция аъзоларидан бири белгининг бор-йўқлиги билан иккинчисидан фарқ қиладиган оппозициядир.[171] Унга кўра, тилнинг турли сатҳларига алоқадор прагмемалар ўзининг функционал таъсир этиш белгиси билан ўзида прагматик «юк»ка эга бўлмаган информемалар билан приватив оппозицияга киришади. Информемаларда номинативлик, дейктиклик, релятивлик хусусиятлари мавжуд бўлади, прагмемаларда эса сўзловчи муносабати семаси билан синтагматик муносабатга киришувчи ҳар қандай лисоний бирликларнинг нутқий жараёндаги маълум прагматик белгига эга бўлган реаллик, макон ва замон, шахс каби жойлашиш хусусиятлари билан прагматик майдонни ҳосил қилади. Прагматик майдон ўз ички таснифида ундаш, эмоционал-баҳолаш, эмоционал, эстетик ўзаро мурожаат каби кичик системаларга бўлинади.

Прагмема ва информемалар оппозиция аъзолари ўртасидаги муносабатга кўра тенг қийматли (мантиқан ҳар икки аъзо тенг

[171] Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфологияси. – Тошкент, 1990. – Б.13.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳуқуқли бўлган) оппозицияларга ажратилади. Бундай оппозицияга киришаётган информема ва прагмемалар мазмуннинг ифодаланиши ва таъсир қилиш даражасига кўра мантиқан тенг ҳуқуқли оппозицияни ташкил этади.

Ҳам турғун бирикма, ҳам эркин бирикма бўлган қуйидаги гапни оламиз: *Меҳмоннинг ковушини тўғрилаб қўймоқ.*

Кўринадики, турғун бирикма остидаги ифода мазмун-моҳияти прагматик қийматга эга бўлиб, таъсир қилиш белгисининг мавжудлигига кўра прагмема тушунчасини ифода этади. Эркин бирикма таркибидаги ифода мазмуни информативлик белгисини сақлайди. Ана шу белгилари билан информема ҳам, прагмема ҳам мантиқан тенг ҳуқуқли оппозицияни ҳосил қилади, яъни ҳар иккаласида оппозицияга киришаётган белгиларнинг бор-йўқлиги сақланган ҳолда улар таъсир этиш белгисига кўра тенг ҳуқуқли оппозицияни ташкил этади.

Л.А.Киселева прагматика бирликларининг тил системаси сифатида қуйидаги қисмларини ҳам кўрсатиб ўтади. Олимнинг таъкидлашича, информеманинг турлича кўриниши ҳам ўзгармас, доимий прагматик хусусиятларга эга бўлмайди ва интеллектуал-информатив тил майдонида кичик майдонларни ҳосил қилади: а) номинатив субстант информема-номинатив майдон бирликлари (буларга турли сўз туркумидаги тўлиқ маъноли сўзлар киритилади); б) дейктик информема-дейктик майдон бирликлари (олмошлар, шунингдек, равиш туркумидаги айрим сўзлар киритилади); в) релятив информема-муносабат майдон бирлиги (боғловчи ва предлоглар).[172] Кўрсатилган бу тил бирликлари информемаларнинг турлича кўринишлари бўлиб, уларни ажратишда ўзгармас, барқарор прагматик хусусиятларга эга бўлмаслик белгиси асос қилиб олинади. Релятив структуранинг ўзи «ҳозирги тилшуносликда гап орқали ифодаланиши икки хил белгиланади. Бир ўринда ахборот тузилиши субъект-предикат тузилма ҳолида, иккинчисида маълум муносабат билан боғланган предметлар системаси сифатида тасаввур қилинади».[173] Биринчиси релятив тил майдони сифатида тил системасини ташкил этган информема саналади.

[172] Киселова Л. А. Кўрсатилган асар. – С.108.

[173] Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.38.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муносабат ифодалаш йўналишига ўтиши билан прагматик тил майдонини ташкил этади.

Прагматик майдон тушунчаси остида матн муаллифининг объектив борлиққа, шунингдек, ўзи ифодалаётган фикрга муносабатни ифодалаш функцияси нуқтаи назаридан тил ва нутқ бирликларининг ўзаро маълум бир системани ҳосил қилиши назарда тутилади. Ҳар қандай прагматик майдон бирликлари ортида шахс муносабати мавжудлиги ички ҳис-туйғулари ҳамда бош мақсади билан алоқадор ҳар қандай тил элементлари прагматик майдон тушунчасини ифода этади. Чунки тил бирликларига хос барча боғланиш имкониятлари, айниқса, «кўп ўринли» (А.Нурмоновга тегишли) боғланиш имкониятлари гап валентликлари баъзида – кутилмаганда намоён бўлувчи контекстуал маъно босқичида ўзининг прагматик семаси билан прагматик майдонга алоқадор бўлади. Масалан, «Бола бола-да» жумласида *«Болаларнинг катталардек бўлмаслиги, уларнинг ёшлиги, ғўрлиги, тажрибасизлигига»* ишора қилувчи муносабат семаси билан прагматик майдон таркибига киради.

Умуман, прагматик майдон тушунчаси ўзининг қуйидаги икки асосий функционал белги хусусиятларига кўра ажратилади.

1. Сўзловчи ички ҳис-туйғулари билан боғлиқ аффект белгилар юклатилган барча элементлар прагматик майдон доирасига бирлашади.

2. Маълум мақсад асосида шахс муносабатини ифода этиб, атрофдагиларга таъсир қилиш учун тайинланган барча элементлар прагматик майдонга бирлашади.

Прагматик майдоннинг юзага келиши тилнинг коммуникатив вазифаси билан узвий боғлиқ. Чунки коммуникатив функциянинг ўзи қуйи сатҳда икки гуруҳга ажратилади. Бунга кўра, ҳар қандай матн таркибида тил ва нутқ бирликлари икки хил қийматга эга бўлади. Биринчиси баён қилиниши лозим бўлган ахборот кўринишининг соф интеллектуал хабар мазмунига эга бўлиши деб қаралса, бу қоидага биноан, баён қилинган интеллектуал хабар мазмуни, асосан, матн семантикасида ўз ифодасини топган объектив мазмундан иборат бўлади. Бундай матнларда гапнинг ядровий сатҳига оид мазмуний структуралар иштирок этмайди. Матн муаллифининг объектив борлиққа муносабати ҳам нейтрал белгилардан иборат бўлади. Ифода таркибида сўзловчи ички

www.ziyouz.com kutubxonasi

мақсадини акс эттирувчи яширин мазмуний компонентларнинг қатнашмаслиги ахборотнинг соф хабар мазмунидан иборат эканлигини кўрсатади. «Пропозитив номинация моҳияти учун гапнинг коммуникатив таркиби ҳам эътибордан четда бўлмайди. Гапнинг коммуникатив тузилиши унинг номинатив тузилишига ҳам таъсир қилади. Шундай таъсир киладики, гапнинг коммуникатив маркази бир вақтнинг ўзида номинатив асос вазифасини ўтайди.[174] Коммуникатив ниятнинг маълум мақсадга айлана бошлаши билан интеллектуал хабар мазмуни прагматик майдон учун хизмат қила бошлайди. Пропозитив аспектнинг ўзи номинатив аспект ҳам деб юритилади.

«Номинатив ва релятив функция, дейктик функциядан фарқли равишда, предметнинг ўзини релятив белгиларга ёки унинг бошқа предметларга муносабатига мўлжал қилади ва булар дейктик функция учун характерли бўлган «эгоцентризм» (сўзловчи шахсига мўлжал қилиш)дан маҳрумдир».[175] Бу номинатив, релятив ва дейктик функциялар бажараётган вазифаси ва ўзига хос белгилари билан фарқланса-да, улар умумий функционал асос умумий мақсадли йўналиши – умумий тарзда интеллектуал хабар вазифасини бажаришига кўра бирлашиб маълум бир системани ташкил қилади. Назарий адабиётларда таъкидланишича, интеллектуал хабар функцияси остида бирлашувчи номинатив, релятив, дейктик элементларга юклатилган топшириқлар ахлоқни бошқаришга қаратилмаганлиги, фақат объектив мазмундан иборат оддий хабарни ифодалаш билан чегараланади. Бироқ дейктик функция бажарувчи элементлар таркиби таҳлил қилинганида, булар «маъно қобиғи пуч» бўлиши билан ажралиб туриши, нутқда, асосан, шахс ва у билан алоқадор маънолар билан тўлдирилиши қейинги йилларда нашр қилинган назарий адабиётларда алоҳида таъкидланади. Жумладан, «атоқли отлар ҳам, бундай кўрсатиш олмошлари ҳам семантик жиҳатдан «тўқ» эмас, яъни уларнинг ҳар иккаласи ҳам муайян объектни тўлиқ ифодаламайди, балки айни объектларга ишора қилади, уларни кўрсатади»[176]. Дейктик майдон бирликлари фақат ишора қилиш функцияси билан ажралиб туради. Дейктик функция учун, уму-

[174] Кўрсатилган асар. – Б.30.

[175] Киселева Л.А. Кўрсатилган асар. – С.44.

[176] Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап. ЎТА. 1986 йил, 6-сон, 30-бет.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ман, эгоцентризм мансуб бўлиб, бу тушунча моҳиятида ҳар қандай матнда сўзловчи шахси мазмуни у ёки бу формада ўз ифодасини топади.

Тилнинг прагматик функцияси ҳам ўзининг қуйидаги кўринишларига эга. Прагматик функция номинатив, дейктик ҳамда релятив функциялардан фарқли равишда инсоннинг руҳиятига таъсир этиши ва мавжудликдаги воқеликка нутқ субъектининг хусусий муносабати ундаш, эмоционал-баҳо, эстетик таъсир этиш, ўзаро мурожаат каби турлича кўринишлардан иборат вазифани бажариши билан характерланади. Шунга кўра, прагмалингвистика бирлиги бўлган тилнинг турли даража элементлари прагмема сифатида ўзгармас прагматик хусусиятларга эга, улар, ўз навбатида, прагматик тил майдонини ташкил қилади. Прагмемаларни кичик тизим сифатида таснифлашда прагматик тил бирликлари инсон ички руҳияти билан алоқадор экспрессив-эмоционал белгилар ҳамда муносабат ифодалашини асос қилиб олиш жуда тўғри.

Прагмемаларни қуйидаги тарзда таснифлаш мақсадга мувофиқ:

1. Ундаш прагмемалари ёки ундаш майдони бирликлари.
2. Ҳис-туйғу, баҳо ифода этувчи прагмема (ҳис-туйғу ифода этувчи майдон бирликлари).
3. Экспрессив прагмема – экспрессив майдон бирликлари.
4. Эстетик прагмема – эстетик майдон бирликлари.
5. Мурожаат шакли прагмемаси – мурожаат майдон бирликлари.[177]

Прагмемаларни прагматик тил бирликлари сифатида тасниф ва талқин этиш нутқий муносабат моҳиятини аниқлашнинг бош мезони саналади. Хуллас, информема ва прагмемалар лингвистик прагматиканинг асосий бирликлари сифатида ўз доирасига пресуппозицион хабар, пропозиция, йиғиқ ва ёйиқ тасвирий мазмунни қамраб олади, улар нутқда синтактик бирликлар орқали намоён бўлади.

[177] Кўрсатилган асар. – С.108.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Илмий матннинг прагматик хусусиятлари

Шахс нутқни ҳосил қилишда фақат унинг мавзуи билан қизиқиб қолмасдан, нутқ жараёнида ўз ҳис-туйғуларини ҳам билдиради. Нутқ жараёнидаги ҳис-туйғулари ва ички кечинмаси шахснинг хусусий муносабати сифатида шаклланади, у матн таркибидаги айрим элементларда ўз ифодасини топади.

Хусусий эмоционал муносабат масаласи ҳамма услуб матнларига ҳам тегишлими ёки у фақат бадиий услуб матнларидагина мавжудми деган муаммо тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Айрим ишларда хусусий эмоционал муносабат илмий матн учун ёт, «...сўзловчининг субъектив эмоционал муносабати воқеликни образли акс эттирувчи бадиий услубга, қисман эса публицистик ва сўзлашув услубига хосдир»[178] деган тезис илгари сурилади. Бу олимларнинг фикрича, илмий услуб матни, асосан, бетараф (нейтрал) сўзлардан иборатдир, шунинг учун хусусий эмоционал муносабат илмий матн учун хос эмаслиги таъкидланади.

Маълумки, ўзбек тили лексик таркиби функционал услубий матнлар нуқтаи назаридан гуруҳланиб, тезкор-таъсирчан лексика, асосан, бадиий ва сўзлашув услуби учун, бетараф (нейтрал) лексика эса илмий услуб матнлари учун хослиги таъкидланади. Бундай илмий матн лексикасида атамалик белгиси мавжудлиги назарда тутилади, шунинг учун илмий матн лексикасининг асоси деб айнан нейтраллик олинади деган назарий фикрлар келтирилади.

Бироқ ҳар қандай услуб матни бирор муаллиф томонидан яратилар экан, ана шу яратилган ижодий матнда муаллифнинг объектга нисбатан, хоҳ у бадиий, хоҳ публицистик, хоҳ илмий услуб матни бўлсин, қандайдир хусусий муносабати акс этади.

Хусусий эмоционал муносабат тўғрисида иккинчи йўналиш тарафдорлари илмий матнда айтилган фикрга хусусий муносабат элементлари бутунлай бўлмайди деган фикрга қарши туриб: «...илмий матнда ҳам экспрессивлик мавжуд, фақат у ўзига хос тарзда намоён бўлади»[179], – деб таъкидлайдилар. Илмий матн «муаллиф баҳоси – бу муаллиф кайфиятининг хусусий ифодаси,

[178] Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент, 1981. – Б.178 – 181.

[179] Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – М., 1990. – С.262.

www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг эмоционал-интеллектуал кечинмаси ва таассуротидан»[180] иборатдир. Матн лексикаси қанчалик бетараф хусусиятга эга бўлмасин, барибир, «ҳар қайси услуб матни ўзининг хусусий муносабат диапазонига эга бўлади».[181]

Хусусий эмоционал муносабат, албатта, матн муаллифининг руҳий ҳолатидан келиб чиқади ва бевосита матн мазмунидан англашилиб туради. Муаллифнинг бу хусусий муносабати баъзида яширин, баъзида ошкора тарзда ифодаланади.

Илмий услуб матни ҳам ижодий иш сифатида индивидуал шахс маҳсули экан, албатта, унда ҳам хусусий муносабат ва уни юзага чиқарувчи лексик бирликлар мавжуд бўлади. Тадқиқотчи тасаввури билан боғлиқ равишда юзага чиқувчи инкор ёки тасдиқ йўналишидаги айрим ишонч, қизиқиш, ажабланиш, кескин ҳайратланиш каби ҳолатларнинг тил воситалари асосида ифодаланиши матнда хусусий муносабатни ҳосил қилади.

Илмий матн муаллифи ўзгаларнинг фикрини изоҳлашда ундаги ютуқ ёки камчиликларга қараб ўзида турли эмоционал ҳолатларни намоён этади. Юқори даражадаги ижобий талқиндан ўз шодлигини, паст даражадаги аҳамиятсиз талқиндан эса ўз изтиробини турли хил воситалар орқали юзага чиқаради.

Шу фикрларни ҳисобга олиб илмий матнда хусусий муносабат масаласини қуйидаги тартибда гуруҳларга ажратамиз:

1. Хусусий нейтрал муносабат матн таркибида икки усулда намоён бўлади. Биринчисида муаллифнинг муносабати «яширин» характерда бўлади. Масалан: *Мунозарага сабаб бўлаётган иккинчи нарса – Уйғониш даврининг ижтимоий муносабатлари билан боғлиқлигидирки, баъзи тадқиқотчилар Ўрта Осиёда маълум формацион босқич (ўзг. М.Ҳ.) қарор топмаганлиги сабабли бу ерда Уйғониш даври ҳақида гап бўлиши мумкин эмас деган тезисни олға сурадилар...* (Раҳимов А. Шарқда уйғониш ҳаракати). Бу мисол мазмунига синчиклаб разм солсак, муаллиф нуқтаи назарини билиб оламиз. Юқоридаги гап мазмунидан муаллифнинг баъзи тадқиқотчилар томонидан олға сурилган тезисга қўшилмаслиги хусусий нейтрал муносабат тарзида ифодаланади.

---

[180] Медведев А.Р. К вопросу о микрокомпозиции научно-технических текстов // Стиль научной речи. – М., 1978. – С.97.

[181] Матвеева Т.В. Функциональные стили в аспекте текстовых категорий. – Свердловск, 1990. – С.27.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Келтирилган мисол таркибидаги *тадқиқотчилар* сўзида III шахсга алоқадорлик маъноси мавжуд. *Баъзи* сўзини қўшиш билан муаллиф илмий мақолада фақат айрим тадқиқотчиларни назарда тутади, *баъзи тадқиқотчилар* бирикмасида эса III шахсга алоқадорлик маъноси билан уларнинг фикри ҳам муаллифга нисбатан қандайдир масофа оралиғида жойлашади. Бу мисолда муаллиф ўзгаларнинг фикрини *деган* сўзи ёрдамида ўзидан янада узоқлаштириб кўрсатади. Бу билан уларнинг фикрига нисбатан ўзининг хусусий нейтрал муносабатини яширин тарзда намоён қилади.

Иккинчиси «ошкора» характерда, у бошқа муаллифга муносабат охирида намоён бўлади. Бунда ўзга фикри бутунлай рад этилади ёки унинг ҳақ эканлиги таъкидланади. Масалан, *Шунинг учун уйғониш даврини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичининг пайдо бўлиши билан боғлаб қўйиш ярамайди.* Бу мисол мазмунидан кўринадики, мақола муаллифи юқоридаги фикрни ошкора рад этади ва у фикрга ўз хусусий нейтрал муносабатини очиқ намоён қилади. Ёки *Мақола муаллифи бир фикрида ҳақ: «Бу форма (-гача формаси) ўзбек норматив грамматикаларининг морфология қисмида йўқ...» эди, лекин синтаксисда «ўрин ёки пайт ҳоли» деб тушунтириларди.* (Раҳматуллаев Ш. Баъзи фикрларимизга аниқлик киритайлик)

Бу мисол мазмунидан кўринадики, мақола муаллифи ўзга фикрини келтирар экан, у фикрнинг тўғрилигини ошкора тасдиқлаб, бунга ўзининг хусусий нейтрал муносабатини билдиради.

2. Хусусий эмоционал муносабат. Муаллиф ўзининг ижодий ҳамда мутлақ янги фикрларини беришда хусусий эмоционал муносабат билан ёндашади. Илмий матнда у муаллифнинг ўзгалар фикри таъсирида турли эмоционал ҳолатларга тушиш билан узвий алоқадордир. Чунки муаллиф айрим янги фикрлардан хурсанд бўлса, айрим фикрлардан қониқмайди. Бунинг натижасида муаллифда турли талқиндаги фикрга нисбатан хусусий эмоционал муносабат пайдо бўлади. Масалан, *Ҳодисанинг моҳиятини шу қадар чуқур англаб, ўзича мустақил, тўғри номлашга эришган тилшуносларимиз наҳотки тилимиздаги келишиклар миқдорини белгилашда рус тилшунослигига муте бўлиб қолган бўлса?!* (Ўша ерда)

Аввалги келтирилган мисолда муаллифнинг фикри хусусий нейтрал муносабат асосида ифодаланган бўлса, бу мисолда эса

www.ziyouz.com kutubxonasi

фикр хусусий эмоционал муносабат даражасида ифода этилади. Чунки муаллифнинг юқоридаги муаммога айланган фикрга нисбатан хусусий муносабати қўшимча ажабланиш, шу билан бирга, ҳис-ҳаяжонга тўла ҳолатдаки, бу муаллифнинг хусусий муносабати кескин даражага кўтарилганидан далолат беради.

Демак, илмий матнда муаллифнинг у ёки бу нуқтаи назарлари фикрий эмоционал муносабат сифатида бири иккинчиси билан тўқнашади.

Илмий матнда муаллифнинг таҳлил қилаётган муаммосига хусусий муносабати нейтрал ҳолатдан руҳий бўёқдорликка ўта боради. Масалан, *Аминманки, агар ўзбек тилида келишик ўнта бўлса, ҳеч кимга олазарак бўлмай, аллақачон ўнта деб белгилар эдик.* (Ўша ерда)

Мисоллардан кўринадики, илмий матнда муаллифнинг хусусий нейтрал муносабати, ўз навбатида, хусусий эмоционал ҳолатга кўтарилиши мумкин.

Шунинг учун илмий матнга хос бундай бирликларда муаллифнинг ҳам хусусий нейтрал муносабати, ҳам хусусий эмоционал муносабати мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Илмий матнда хусусий муносабат маркази алоқа жараёнидаги семантик «мен» билан белгиланади. Ана шу «мен»нинг муносабати ифода этилаётган фикрда тасдиқ ёки инкор мазмуни билан тўлдирилади.

Демак, «мен» махсус семантик марказ сифатида нутқ муаллифини белгилайди ва хусусий муносабатнинг юзага чиқиши учун асос бўлади.

Илмий матнда субъективлик гапирувчининг ўзини субъект сифатида намоён қилиши бўлса, субъектив модаллик эса нутқ муаллифининг айтилаётган фикрга хусусий муносабатидир.

Илмий матнда хусусий муносабат лексик ва синтактик воситалар ёрдамида ифодаланади. Унда хусусий муносабатнинг ифодаланиши, асосан, матн бирликлари орасида боғлама вазифасини бажарувчи модал сўзлар билан белгиланади.

Модал сўзларнинг хусусий муносабат йўналиши маъносини ифодалаши матн жараёнида аниқ кўринади. Бу гуруҳга кирувчи *менимча, сизнингча, унингча, бизнингча* типидаги асли олмош туркумига оид сўзлар илмий матнда муаллифнинг ифода этилаётган фикрга нисбатан хусусий муносабатини белгилашда муҳим

www.ziyouz.com kutubxonasi

роль ўйнайди. Масалан, *...Шоир ўзининг бу шеърий* (поэтик) *симфониясида маълум тактлар ва интонацион бирликларни ҳам бир хил қилиб, ҳам бошқача қилиб такрорлайди. Бизнингча, Ҳ.Олимжоннинг поэтик стилидаги алоҳида бўёқни таъминловчи ўзига хос ранг ва овозлар диалектикаси ҳам ана шундадир.* (Дониёров Х., Йўлдошев Т. Адабий тил ва бадиий стиль)

Юқоридаги мисол мазмунидан кўриниб турибдики, матн муаллифининг хусусий муносабати, аввало, *бизнингча* модал сўзи билан бошланади. Бу хусусий муносабат матн таркиби таъсирида олдинги абзац мазмунини тасдиқ этувчи хусусий нейтрал муносабат сифатида янада ойдинлашади. Ёки аксинча бўлиши мумкин: *...Бу фикр кейинги вақтларда айрим ёш тадқиқотчилар томонидан ҳам такрорланмоқда: «Алишер Навоий эски ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлса, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳозирги ўзбек миллий тилининг асосчиси ҳисобланади».*

Бизнингча, Ҳамзанинг ўзбек адабиётини, адабий тилни ривожлантиришдаги хизматларини эътиборга олган ҳолда юқоридаги фикрларга қуйидаги сабабларга кўра қўшилиб бўлмайди. *(Ўша ерда)*

Бу мисолда *бизнингча* сўзи билан бошланувчи муаллифнинг хусусий муносабати биринчи абзацдаги ўзга тадқиқотчилар фикрига зид қўйилади.

Демак, *бизнингча* модал сўзи илмий матнда ҳам тасдиқ, ҳам инкор маъносида матн муаллифининг айтилган фикрга нисбатан хусусий муносабатини ифодалайди. Бу, албатта, матн таркибидаги сўзлар таъсирида юз беради.

Юқоридаги модал сўзларнинг маъносида семантик жиҳатдан шахсга тааллуқлилик маъноси мавжудлиги ўз-ўзидан аён. Бироқ бу сўзлар илмий матн таркибидаги шахс маъносини эмас, балки маълум бир фикрга муаллифнинг ёки бирор шахснинг хусусий муносабатини ифодалайди. Шу сўзлар таркибидаги *-ча* қўшимчаси таъсирида шахс маъноси устига шахснинг, муаллифнинг бирор воқелик ёки фикрга нисбатан хусусий муносабати маъноси қўшимча тарзда юкланади. Хусусийлик маъноси асли модал сўзнинг асос қисмида намоён бўлса, муносабат маъноси кейинги қўшимчанинг таъсирида юз беради.

Бизнингча, менимча сўзларида хусусий муносабат шу сўзлар таркибидаги *биз, мен* сўзларидаги шахс маъносидан келиб чиқа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ётгандек туюлади. Аслида эса ундай эмас, чунки агар хусусий муносабат фақат *биз* ва *мен* асосида ҳосил килинадиган бўлса, *сизнингча, унингча* кабиларда мақола муаллифининг хусусий муносабати акс этмаслиги керак. Матнда хусусий муносабатнинг бўлмаслиги сира мумкин эмас. Илмий матн муаллифи *сизнингча, унингча* каби модал сўзларни қўллар экан, маълум бир мавзуга доир ўзганинг фикрини келтиради ва ўша шахснинг хусусий муносабатини ифодалаш билан бирга ўзга шахс фикрига нисбатан ўзининг хусусий муносабатини билдиради. Бу хусусий муносабат юқоридаги шахс фикрига ишонмаслик, гумон ёки ўша фикрни тасдиқ этиш маъносида бўлиши мумкин. Масалан, *В.В.Виноградов морфологик стилистика ва у ўрганадиган морфологик ҳодисалар доирасини янада торайтиради. Унинг фикрича, турланиш ва тусланиш категориясининг вариант – параллель формаларининг функцияси ва қўлланиш сфераси ҳамда сифатнинг қиёсий даражаси (агар сўз ясалиши бу ерга киритилмаса)гина стилистиканинг ўрганиш объекти бўла олиши мумкин* (Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари). Бу мисолда матн муаллифининг В.В.Виноградов фикрига хусусий муносабати танқидий тарзда бўлиб, у олимнинг морфологик стилистиканинг ўрганиш объектини фақат турланиш ва тусланиш категорияси вазифаси ва қўлланиш ҳамда сифатнинг қиёсий даражасидангина иборат қилиб қўйишини инкор этади. Матн муаллифининг бу фикрларга хусусий муносабати кейинги абзацларда яққол кўзга ташланади. Муаллиф ўзининг фикрини исботлашда яна қатор таниш олимлар фикрига суянади. Масалан: *Морфологик стилистиканинг ҳаракат доирасини И.В.Арнольд анча кенг тасаввур қилади. У фақат айрим категорияларнинг (масалан, турланиш ва тусланиш категориялари) эмас, балки, умуман, сўз туркумларининг ва улар ичидаги категорияларнинг транспозициясини, грамматик воситалар ифодалаган эмоционаллик, шу орқали объектга муносабат масалаларини тасвирлашни ҳам морфологик стилистиканинг вазифаси сифатида кўрсатади.* (Ўша ерда)

Мисоллардан кўринадики, бир мавзу доирасидаги турли олимлар фикри келтириларкан, илмий матнда муаллифнинг хусусий муносабати фикрий эмоционал тўқнашувларда намоён бўлади.

